R 496
1982/8

ГУЛИСТОН

8
1982

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини изчил амалга ошираётган Китоб районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида яхши натижаларга эришмоқдалар. Хўжалик пиллакорлари давлатга 36 тонна пилла топширган бўлсалар, моҳир пахтакорлари ғўза парваришини намунали уюштириб, бўлиқ ҳосил тўпламоқдалар: 1. Коммунист Ширин Холматова бошлиқ маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси ҳар гектар ердан 100 центнердан макка дони олди. 2. Илғор пиллачилик звеноси бошлиғи Тошбиби Мирзаева /ўнгда/ ва звено аъзоси Рафоат Тоштемирова ҳам самарали меҳнат қилдилар.

Ш. Шаропов фотолари

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИҒИ ЙЎЛИДА

Раҳмат ҚАМБАРОВ,
Калинин район партия комитетининг биринчи секретари,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

ГБ УзССР
Ж

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми совет кишилари фаровонлигини муттасил ошириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашнинг бош шартларидан бири бўлмиш Озиқ-овқат программасини ҳаётга изчил тадбиқ этиш вазифасини қўйди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида» қилган докладида: «Совет кишиларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш партиямизнинг энг муҳим программ талаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади», деб таъкидлади.

Партиямизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан белгилаган тадбирларини оғишмай бажариб келаётган районимиз меҳнаткашлари ҳам Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Районимиз сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам муҳим ўрин тутади. 1981 қишлоқ хўжалик йилида давлатга қарийб 127 минг тонна сабзавот, жумладан 15 минг тонна картошка, 14 минг тоннага яқин мева ва узум ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди. Сабзавот экинлари ва картошка ҳосилдорлиги бўйича энг юқори натижаларга эришилди. «Москва», «Партия XX съезди» колхозлари, «Партия XXI съезди», «Қорасув» совхозларида сабзавот ҳосилдорлиги гектаридан 340—385 центнерни, картошка эса 200—220 центнерни ташкил этди. Илғор бригадалар бундан ҳам юқори ҳосил олишга эришдилар. Бундай муваффақиятлар район партия комитети, бошланғич партия ташкилотларининг, коммунистларнинг авангардлиги ва ташаббускорлигини оширишлари туфайли, фойдаланилмаётган резервларни ишга солиш, ердан, техникадан, минерал ўғитлардан самарали фойдаланишимиз натижасида қўлга киритилди.

Районимизда сабзавотчилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида 8 минг 164 тонна гўшт, 13 минг тоннадан зиёд сут, 69 миллион дона тухум тайёрланди ёки 1980 йилга нисбатан гўшт етиштириш 25 процентга, сут 20 процентга, тухум 27 процентга кўпайтирилди. Чорва молларини ва паррандалар сонини кўпайтириш юзасидан белгиланган топшириқлар ортиғи билан адо этилди. Ҳар юз бош сигирдан 92 бош бузоқ, ҳар юз совлиқдан 124 та қўзи олинди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 4 минг 50 килограммни ташкил этди. Донгдор сут соғувчилар — Калинин номли колхоздан Шакар Примова, «Қорасув» совхозидан Турғуной Серикбоева, «Хасково» совхозидан Таисия Сливкиналар ўтган йили ўзларига бириктирилган ҳар бош сигирдан 5500-6100 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиб, социалистик мусобақа ғолиби бўлдилар. «Рассвет» совхозининг чўчқаларини бўрдоқига боқиш оператори Мария Моргунованинг номини республика чорвадорлари яхши биладилар.

Район партия комитети ҳар қандай яхши, ибратли ташаббусни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бермоқда. Шу йилнинг бошида бир группа сабзаваткорлар ва чорвадорлар ер ҳосилдорлигини ошириш, чорва маҳсулдорлигини кўпайтириш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Район партия ташкилоти уларнинг тажрибасини бошқа хўжаликларда ҳам кенг ёйиш тадбирларини белгилади. Ташаббускорлар орасида Куйбишев номли колхоз сабзаваткорлик бригадаси бошлиғи Маҳамат Азизтоев, «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхози картошкачилик бригадасининг етакчиси Носир Қурбонов, Свердлов номли совхознинг уста боғбони Шораҳим Шомақсудов кабилар бор. Улар бошчилик қилаётган коллективлар СССР ташкил топган кунининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар гектар ердан 400—450 центнердан сабзавот, 200—250 центнердан картошка, 120—140 центнердан мева-узум ҳосили кўтаришга аҳд қилганлар.

Чорвадорларимиз ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар бош сигирдан 4 минг 200 килограммдан сут соғиб олиш, давлатга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг ўртача вазнини 550 килограммга етказиш, жами 9 минг 300 тонна гўшт, 15 минг тонна сут, 80 миллион дона тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари топширадилар.

Район партия комитети Куйбишев номли колхоз деҳқонларининг иш тажрибаларини атрофлича ўрганиб, бошқа хўжаликларда ҳам уни жорий этишни тавсия қилди. Колхоз-совхозларнинг мутахассислари билан биргаликда бу ерда семинарлар ўтказилди ва хўжалик деҳқонларининг механизациядан моҳирлик билан фойдаланиш, экин агротехникаси қоидаларини омилкорлик билан олиб бориш, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказишдаги ибратли ишлари ўрганиб чиқилди. Колхоз деҳқонлари ерни экиш учун тайёрлашга катта эътибор беради. Ташландиқ ерлар, ортиқча ариқ-зовурлар текисланиб, карталар йириклаштирилмоқда. Кузги шудгордан олдин экин майдонларининг ҳар гектари ҳисобига 50-60 тонна маҳаллий ўғит солинади. Колхоз деҳқонларининг илғор иш тажрибаси ҳозирги кунда Оржоникидзе номли, «Партия XX съезди», «Москва» колхозлари, «Хасково», «Назарбек» совхозларида кенг қўлланилмоқда. Оржоникидзе номли, Куйбишев номли, «Москва» колхозлари фақат сабзавот етиштиришга, «Бўзсув» совхози уруғчиликка, Гагарин номли совхоз боғдорчиликка ихтисослаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, механизацияга кенг йўл очмоқда. Масалан, 1975 йилда картошка етиштиришда механизациядан фойдаланиш даражаси 68 процентни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич қарийб 95 процентга етади. Ана шунинг натижасида қўлга киритаётган ютуқларимиз йил сайин салмоқли бўлиб бораётир.

Беш йилликнинг якунловчи йилида давлат қабул пунктларига 130 минг тонна сабзавот, 17 минг тонна картошка, 15 минг тонна мева-узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади. Бу йил сабзавот ҳосилдорлиги гектарига 320 центнерга, картошка ҳосилдорлиги эса 200 центнерга етказилади.

Хуллас, районимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликда ҳамма соҳалар бўйича план ва социалистик мажбуриятларини тўла ва оширib бажариш ва СССРнинг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли ва тўла-тўкис адо этилишига арзигулик ҳисса қўшадилар.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 8 (390)
Август
1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Эск. №1

ДАВЛАТИМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИ

Обид АКРОМХЎЖАЕВ,

академик, СССР Давлат мукофоти ва Губкин номидаги мукофот лауреати, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби

СОВЕТ халқи мамлакатимизнинг 60 йиллик тўйини оламшумул ишлар ва меҳнат зафарлари билан кутиб олаётир. Чунки бу сана инсоният тарихида катта бурилиш ясаган дунёдаги биринчи меҳнаткаш халқ ҳокимиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу сана Октябрь революциясидан олдинги қолоқ мамлакатларни бирлаштирди, уларнинг илғор ва ривожланган социалистик мамлакат даражасига ўтишини таъминлади. Қисқа вақт ичида мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида — саноат ва қишлоқ хўжалигида, маданият ва илм-фанда юксак ютуқлар қўлга киритилди.

Ватанимизнинг жаҳондаги энг қудратли ва юксалган мамлакатлардан бири бўлиб қолишида ер ости бойликларимизнинг аҳамияти ғоятда каттадир. Ер ости бойликлари давлатнинг ер ости хазиналаридир.

Маълумки, капиталистик жамиятда ер ости бойликлари йирик монополиялар, айрим очкўз шахслар қўлида бўлиб, уларнинг бойишига хизмат қилади. Бу йўлда улар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар, давлатлар орасига нифоқ солишдан, ҳатто уруш оловини ёқишдан ҳам қайтмайдилар.

Социалистик жамиятда эса ер ости бойлиги меҳнаткаш халқ бойлигидир. Шу туфайли у халқнинг қудратини оширишга, мудофаа қувватини мустаҳкамлашга ва турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Буни биз Совет социалистик жамиятимиз тимсолида яққол кўрамиз.

Бизнинг саховатли еримиз бағридан олинаётган бойликлар: тилла, кумуш, мис, темир, қўрғошин, кўмир, нефть, газ ва бошқа фойдали қазилмалар ҳақиқатан ҳам жамиятимиз тараққиётини таъминлашда ва мамлакатимиз қудратини оширишда энг зарур омиллардандир. Халқимиз бу бойликлар билан кўпмиллатли мамлакатимиз хазинасини тўлдириб туришни ўзининг юксак интернационал бурчи деб билади.

Улуғ Октябрь революциясидан аввал Ўрта Осиёнинг ер ости бойликлари гўё тилсимланган каби «жим» ётар эди. Ҳатто ер ости бойликлари ҳақида умидсиз фикрлар, ишончсиз қарашлар ҳукм сурарди. Эндиликда совет олимлари, шу жумладан ўзбек олимлари, геологлар ва ер ости бойликларини қидириб топувчи мутахассисларнинг самарали ишлари туфайли юқоридаги умидсиз қарашлар чиппакка чиқди, ўлкамиз бағридан металл ва металл бўлмаган, нодир ва сийрак учрайдиган фойдали қазилмаларнинг конлари топилди. Республикамизда кўмир ва бошқа конлар борлиги исботланди. Бу фойдали қазилмалар асосида республикамизда бир қанча саноат тармоқлари юзага келди. Ўзбекистон ўзининг ер ости бойликлари билан Иттифоқимизда олдинги сафга ўтиб олди.

Бу ютуқлар ўзидан-ўзи рўёбга чиқмади албатта. Уларга совет даврида етишиб чиққан олимлар ва қонқидирув мутахассисларининг фидокорона меҳнатлари туфайли эришилди. Айниқса, марҳум академикларимиз — Д. В. Наливкин, А. Э. Ферсман, В. А. Обручев, А. С. Уклонский, И. М. Губкин ва Д. И. Шчербаков сингари машҳур рус олимлари Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг ер ости тузилиши, қурилиши ва ундаги фойдали қазилмаларни ўрганишга, ўзбек геолог-олимларининг етишиб чиқишига катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек совет геологиясининг отаси Ҳабиб Абдуллаев, Ғани Мавлонов, Иброҳим Ҳамробоев, В. И. Попов, Х. Н. Боймуҳамедов, Э. М. Исамуҳамедов, А. Бобоев, А. Б. Султонхўжаев, А. И. Габриельян, С. Т. Бадалов ана шулар жумласидандирлар. Улар республикамиздагина эмас, бутун Иттифоқимизда, қолаверса бутун жаҳонда машҳур бўлиб, геология фанининг турли соҳалари бўйича ўзига хос мактаб яратганлардандирлар. Энди уларнинг ўзлари шогирдлари кўп устоз ва мураббий ҳисобланиб, ўнлаб фан докторлари, юзлаб фан кандидатлари ҳамда кўплаб юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, конлар геологияси фанини юксалтиришда, фойдали қазилмаларни топишда ҳамон хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Академик В. И. Попов, унинг шогирдлари Н. И. Гриднев, В. И. Троицкий, С. Д. Макарова ҳамда М. Зокировлар чўкинди жинслар билан бирга учрайдиган мис, фосфорит, калий ва натрий тузларининг конлари ҳақида, уларни қидириб топиш йўллари тўғрисида катта илмий иш қилдилар. Улар чўкинди жинсларда кўмир қатламларида жуда сийрак ёки ғоятда зарур бўлган германий, ванадий, рений ва бир қанча шунга ўхшаш нодир элементларни қидириб топиш ва уларни ажратиб олиш муаммоларини ҳал этаётирлар.

Геология фанида маълум жараёнлардан бири қадимги тоғ жинсларининг бузилиши, уларнинг паст текисликларга ёки табиий ботиқликларга тўпланилиши ва у ерда янги чўкинди жинс қатламларининг пайдо бўлишидир. Бу қатламларнинг ювилиши, ташилиши ва чўкиши натижасида металл қазилмалардан ёки нодир минераллардан иккиламчи чочиқ конлар вужудга келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан тилла, қалайи, цирконнинг чочиқ конларини топиш муаммоси чўкинди жинс формациялари соҳасида ишловчи геолог олимларнинг галдаги муҳим вазифаларидандир. Лекин ундан ҳам аввал, ғоятда зарур, тезда ҳал этилиши талаб қилинадиган муаммолардан бири алюминий металлининг асосий рудаси боксид конларини топишдир. Бу соҳада Ўзбекистон геология министрлиги олимлар билан ҳамкорликда республикамизнинг турли бурчакларида кенг кўламда иш олиб бораётир. Дастлабки натижалар ўлкамиз бағридан бу металлнинг ҳам конларини очиш мумкинлигини тақозо этади. Академиклардан И. Ҳамробоев, Ҳ. Боймуҳамедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Э. Исамуҳамедов ва геология фанлари докторлари — О. Борисов, К. Аҳмаджонов, К. Бобоев, Р. Мусин каби етук олимлар ер бағрида юз берадиган жараёнлар билан генетик боғлиқ бўлган эндоген конларининг вертикал зоналар бўйлаб жойлашганлиги ҳақидаги назарияни ишлаб чиқдилар. Улар шу назария асосида Ўзбекистон металлогения картасини туздилар.

Мазкур муаммо ҳақида сўз кетар экан, И. Ҳамробоев, В. Горьковоец ва уларнинг бир қанча шогирдлари томонидан олдинга сурилаётган «Мис, қўрғошин, вольфрам, симоб ҳамда бошқа конлар мавжуд Тянь-Шань тоғлари билан темир, марганец, хром,

СССРнинг 60 йиллиги олдидан

никелга бой Урал тоғлари ер остида ўзаро генетик боғланган» деган қизиқарли фикрга тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Бу фикрга мувофиқ Тянь-Шань тоғлари, бепоён Қизилқум чўлларининг чуқур бағрига шўнғиб, унинг остида давом этар экан, ҳали у ерда, ҳали бу ерда, масалан Кулжуктау, Букантау районларида ер юзасида кўринади. У Амударё қуйи оқими томон ер остида давом этиб Султон увайс тоғлари кўринишида яна ер юзига кўтарилади. Тахмин қилинишича, Тянь-Шаннинг шимолий давоми Амударё бўйлаб, Орол денгизининг шарқий қирғоғи билан ўтиб, унинг шимоли-ғарбида катта Бурск текислиги тагига киради ва Магаджар тоғларида яна ер юзасига чиқиб, Жанубий Урал тоғларига бориб туташади. Бу муаммо ижобий ҳал этилгудек бўлса, унда Тянь-Шань тоғларидан Уралга хос металл конларини ва аксинча Уралдан Тянь-Шанга хос металл конларини қидириш мақсадга мувофиқ келади. Шунингдек, ҳар икки тоғ тизмалари орасида жойлашган бепоён чўллар бағрида зарур металл конларини очиш истиқболлари кенгаяди.

Ер ости сувлари ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳам кўп ишлар амалга оширилаётир. Академик Ғани Мавлонов ва бошқа атоқли олимлар, катта гидрогеологик коллектив Ўрта Осиё миқёсида ер ости сувларидан фойдаланиш ва уни сақлаш масаласи юзасидан 2000 йилгача бўлган бош режани илмий асосда ишлаб чиқдилар. Шунингдек, академик Ғани Мавлонов, В. И. Уломов, Е. М. Бутовская, А. С. Султонхўжаев сингари геология фанлари докторлари ва бошқа мутахассислар ўзларининг бир қанча ишлари билан Тошкент ҳамда қардош республика шаҳар ва қишлоқларининг ер усти қатламларининг инженерлик-геология хусусиятларини, уларда кўп тарққий этган соз тупроқ, шунга ўхшаш жинсларнинг қурилиши ва тузилишини ўрганиш асосида уларнинг пайдо бўлишини аниқладилар. Худди мана шу олимлар коллективи зилзила сабабларини ва ер қимирлашида содир бўладиган махсус тўлқинлар ернинг чуқур қисмига тарқалишини синчиклаб ўрганиш асосида заминнинг энг чуқур зоналарининг қурилишини, ҳатто таркибини белгилаб бераётирлар. Улар зилзилани олдиндан айтишдек қийин муаммони ҳал этиш сари ҳам қадам қўйдилар.

Ва ниҳоят, нефть ва газ соҳасида ушбу сатрлар муаллифи билан биргаликда профессор А. Габриельян, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Бобоев ва фан докторларидан А. Хўжаев, М. Сайдалиева, Ш. Давлатов, П. Азимов, Э. Иброҳимов, Ҳ. Миркомолов, В. Кудряков, У. Мамажонов ва бошқа олим ҳамда тадқиқотчилар коллективи самарали ижодий изланишлар олиб бораётирлар. Улар эришган назарий маълумотлар нефть ва табиий газнинг табиатда пайдо бўлиши, уларнинг тоғ жинсларидаги органик моддалар билан генетик алоқаси, туғма нефть қатламларидан нефть ва газ моддаларининг кон ҳосил қилувчи қатламларга кўчиб ўтиши соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан белгиланади. Бу янги тадқиқот нефть ва табиий газнинг органик моддалардан пайдо бўлишини яна бир марта тасдиқлади. Шу кунгача дунёда қабул этилган бир қанча методологик йўллар янги, илғор йўлга солинди, нефть ва газ запасларини белгилашда баъзи прогрессив ўзгаришлар жорий этилди. Мана шу усул билан Ўзбекистон геологлари ва кон қидирувчи мутахассислари ҳамкорликда турли-туман фойдали қазилмаларни топдилар, республикамизнинг илғор индустриал ўлкага айланишига ҳисса қўшдилар.

Чунончи, «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган» бепоён Қизилқум чўлларида нефтчи-геологлар янги кон манбаини очдилар. Кўп ўтмай бу кон атрофида ўнлаб газ-конденсат ва нефть конлари топилиб, Бухоро, Қарши ҳамда Хоразм областлари оралиғидаги бепоён қумли чўллар ўлкамизнинг фойдали заминига айланиб кетди. Бу конлардан чиққан табиий газ билан ҳозирда Урал саноати, СССРнинг марказий районлари, Ўрта Осиё республикалари, Жанубий Қозоғистоннинг шаҳар ва қишлоқлари, ўртоқ Шароф Рашидов сўзи билан айтганда, «ўзбек халқининг оташин бағридан» чиққан табиий газ билан мунтазам равишда таъминланаётир. Геологларимиз топган бу газ манбалари туфайли Қизилқум чўлларида Газли, Навоий ва Муборак шаҳарларидек социалистик шаҳарчалар барпо бўлди. Газли конини очишда жонбозлик қилган олимлар, кон қидирувчи геологлар (А. А. Бакиров, С. И. Ильин, Н. Г. Жуковский, К. А. Сотириади, В. Н. Чернов ва бошқалар) табаррук Ленин мукофоти билан, Қарши областида газ-конденсат, нефть ва олтингугурт конларини очган ва катта газ запасларини аниқлаганликлари учун бир группа геолог-нефтчилар (Х. Т. Тўлаганов, А. М. Акромхўжаев, Т. Бобожонов, А. Иброҳимов, В. Д. Ильин, Б. Б. Таль-Вирский ва А. Хожиматов) эса СССР Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Қизилқумнинг қоқ ўртасидан геологлар нодир металл — тилла конини топдилар. Натижада гўзал социалистик Зарафшон шаҳарчаси майдонга келди. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Бироқ, таъкидлаш лозимки, илм-фанда кескин бурилиш ва тараққиётга эришмасдан туриб, бу улкан вазифаларни адо этиш мумкин эмас эди. Бу соҳадаги ютуқларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шарофатидан деб билмоқ керак.

Маълумки, Ўрта асрлар тарихида фан тараққиётига Абу Райҳон Беруний ва Муҳаммад Муса ал-Хоразмий, Ибн Сино ва Улуғбек, Алишер Навоий





Ангрен шаҳри яқинида 2 миллион 400 минг киловатт қувватга эга бўлган янги ГРЭС қурилмоқда. Ҳозирги пайтда станциянинг ҳар бири 300 минг киловатт қувватга эга тўрт блокдан иборат асосий корпуси жадал суръатлар билан қад ростламоқда. Гидроқурувчилар шаҳарчаси Нуробод аҳолиси яқин келажакда 15 минг кишига етади.

Суратларда: қурилиш илғорларидан энг яхши электр пайвандчи Маҳмуд Савдошев; ГРЭС қурилишининг умумий кўриниши; қурилиш майдончаларидан бирида иш қизғин.

А. Жданов фотолари

ва бошқа буюк сиймоларни берган қадимий Туркистон Октябрь инқилобидан аввал чор Россиясининг узоқ, қолоқ ўлкаларидан бири бўлиб қолган эди. Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг адолатли миллий-сиёсати туфайли 60 йил давомида Ўзбекистон республикаси халқ хўжалик тармоқлари билан бир қаторда фан ва техникада ҳам мисли кўрилмаган юксакликка кўтарилди. Буни биз геология фани мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ҳозирги вақтда биргина Тошкент шаҳрида геология ва фойдали қазилмаларни қидириш ҳамда топилган конларни ишга солиш бўйича еттита илмий тадқиқот институтлари ишлаб турибди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳабиб Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти, сейсмология институти, Ўзбекистон Геология министрлигига қарашли Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув ишлари институти, минерал хом ашё ва гидрогеология институти, Иттифоқ Нефть ва газ саноати министрликларига қарашли Нефть ва газ институтлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари олий ўқув юртларининг геология кафедраларида ҳам 3 мингдан ошиқ олим кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётирлар. Улар геология фанининг фундаментал назарий ҳамда амалий соҳаларини қўшган ҳолда тадқиқот ишларини амалга ошираётирлар. Ҳар икки соҳани органик боғлаб иш кўриш яхши натижалар бераяпти. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг таъбири билан айтганда, «фундаментал тадқиқотлар чашмаси доимо қулф уриб турмаса, фан-техника тараққиётининг жўшқин оқими қуриб қолиши» табиийдир. Шундай қилингандагина фундаментал фан тармоқлари жадал тараққий этади, фанда кескин ўзгариш рўй беради ва катта амалий натижалар келиб чиқади. Бинобарин марҳум академик Ҳабиб Абдуллаевнинг металл фойдали қазилмаларининг гранитоид массиви билан генетик боғланиши ҳақидаги таълимоти геология фанида катта ўзгариш ясади ва амалиётда бир қанча металл конларини топишда илмий асос бўлиб қолди. Ёки академик И. Х. Ҳамробоев билан шогирдларининг ер қобиғи ва унинг чуқур қисмларининг тузилиши, қурилиши ҳамда уларда содир бўладиган геологик ва геохимик жараёнларни ўрганишга бағишланган фундаментал тадқиқотлари металл фойдали қазилмаларининг жойланиш қонуниятларини аниқлашда ва конларни топишда янги имкониятлар яратиб берди. Бу ишлар туфайли 1959 йилда Ҳабиб Абдуллаев («Рудаларнинг гранитоид интрузивлар билан генетик боғлиқлиги» асари учун), 1966 йилда Х. Т. Тўлаганов В. Г. Горковец, И. Х. Ҳамробоев ва бир қанча геолог-кон қидирувчилар Ленин мукофотининг лауреати бўлдилар.

Республикамиздаги 60 йиллик қисқа вақт ичида илм-фанда, жумладан геология фанида эришилган бу оламшумул ютуқлар Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматининг одилона ва адолатли миллий сиёсати мевасидир.

ЎНИНЧИ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ



СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини совет космонавтика фани ҳам мисли-сиз ғалабалар билан кутиб олаётир. Бинобарин, шу йил март ойининг бошларида «Венера-13», «Венера-14» космик автомат станциялари орқали олиб борилган Венера сайёрасидаги илмий тадқиқотлар фанда эришган ютуқларимизнинг юксак тимсоли бўлди. Кўп ўтмай, 19 апрелда сўнгги илмий-техника янгиликлари билан бойитилган «Салют-7» станцияси Ер орбитасига чиқариб қўйилди. Мазкур космик станцияга туташтириш учун 13 майда янги «Союз Т-5» космик кемаси учирилди. Кема командири подполковник Анатолий Николаевич Березовой ҳамда бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Валентин Витальевич Лебедев бошқарган бу космик кема 14 май куни «Салют-7» станцияси билан туташтирилди.

Ана шу космонавтлар Ерга қайтмасдан туриб, яна бир космик кема фазо сари парвоз этди. Ҳа, сайёрамизнинг ўнинчи халқаро экипажи — кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи, ҳамюртимиз Владимир Александрович Жонибеков, 140 кун давом этган биринчи учишини 1978 йил «Союз-29» кемаси ва «Салют-6» орбитал станциясида бажарган бортинженер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи Александр Сергеевич Иванченков ҳамда Франция республикасининг граждани, подполковник Жан Лу Кретьен бошқарган «Союз Т-6» кемаси 24 июнь куни Москва вақти билан соат 20 дан 30 минут ўтганда фазога учирилди! Бу халқаро экипаж кемасини ҳам «Салют-7» орбитал станцияси ҳамда «Союз Т-5» космик кемаси билан туташтириш кўзда тутилган эди. Программа муваффақиятли равишда амалга оширилди. Анатолий Березовой, Валентин Лебедев, Владимир Жонибеков, Александр Иванченков ва Жан Лу Кретьен ҳамкорликда илмий-техникавий ҳамда медицина-биологик экспериментлар олиб бордилар.

Халқаро экипаж етти кун мобайнида Совет Иттифоқи билан Франция мутахассислари таъёрлаган кенг илмий программани адо этди. Жумладан, экипаж «Пирамина» ва «ПСН» аппаратлари ёрдамида астрофизик тадқиқотларнинг навбатдаги циклини бажарди. Совет ва француз мутахассислари томонидан медицина-биологик экспериментлари ҳам олиб борилди. Вазнсизлик шароитида космонавтлар юрак-қон томир системасининг ҳолати «Эхограф» аппарати ёрдамида аниқланди. Бу аппарат ультратовушдан фойдаланиш асосида ишлайди. «Цитос-2» экспериментида микроорганизмларнинг ҳар хил антибиотикларга сезгирлик даражаси ўрганилди. «Микроблар айирбошлаш»да эса, станция икки экипажининг бирга бўлиши чоғида микрофлора шаклланишининг хусусиятларига баҳо берилди. Умуман, етти кун давомида кенг илмий тажрибалар ўтказилди, жуда кўп муҳим илмий эксперимент натижалари олиб тушилди.

Мўлжалланган программа амалга оширилгандан кейин космонавтлар Владимир Жонибеков, Александр Иванченков ва Жан Лу Кретьен «Союз Т-6» космик кемасида Ерга қайтиб гушдилар.

Совет-Франция экипажининг фазога қилган биргаликдаги парвози ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, ўзаро илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат этади.

Суратда: Ўнинчи халқаро экипаж — кема командири, СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони Владимир Жонибеков (чапдан), бортинженер, СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Иванченков ва Франция Республикасининг биринчи космонавти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жан-Лу Кретьен.

А. ПУШКАРЕВ фотоси

Ватан

Оҳанрабомидинг, куймидинг, ёким
Олиб кирганмидинг гўдак дилимга?
Алифбега ўртоқ тутинган чоғим
Номинг қўшиқ бўлди бийрон тилимда.

Яшнаган баҳорлар гул-чечагига
Ёндош боғларингда топдим саодат.
Қуёш ҳал бергандек уфқ этагига,
Қалбимда ёришди, севгинг — аломат.

Энди билдим, ёғоч отимни қистаб,
Шамолдек беқарор шошганим нечун.
Қўзиқорин излаб, балхтут излаб,
Дала-тузларингда кезардим бутун.

Ўзимга сиғмасдим наврўз фаслида,
Майса-гуллар бирам нозик, барраки...
Шодлик-ҳаяжоним эди аслида,
Осмонда дириллаб учган варрагим!

Денгиздек чорларди йироқларда Сир,
Толпинардим унга бир ирмоқ мисол.
Тунлар ҳайратимдан огоҳ бўлгандир,
Қишлоғим кўкида жилмайган ҳилол!?

Мактабни битириш кечаси эсда,
Қуёш чиқишини кутдик тонготар —
Сенинг меҳринг эди томирда кезган
Бизларни чорлаган қуёшга қадар.

Улғайдик, улғайди тимсолинг сенинг,
Юракда муқаддас севги улғайди.
Боқсам — бахтиёрдир кўзларим менинг,
Севсам — юрагимга қўшиқ тўлгайдир.

Ўзинг берган толе, ўзинг берган шан,
Аҳду паймонимни сенга атадим.
Дунё ичра топган ёлғиз дунёмсан,
Мулки мукаррамим, Ватаним!..

Эргаш АБДУЛЛА

Фарғона

Раҳмат ФАЙЗИЙ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИНСОН МЕҲРИГА ҲАЙКАЛ

ТОШКЕНТДА СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ МОНУМЕНТИ ЎРНАТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Журналист аҳли синчков бўлади. Муддаога эришиш учун етти ухлаб тушга кирмаган саволни дабдурустдан бериб қолади. Камина ҳам шундай саволга тутилди.

— Шоаҳмад ака ҳозир ҳаёт бўлганларида ҳайкалга нигоҳлари тушиши ҳамона айтадиган дастлабки гаплари нима бўларди?

Сезиб турибманки, мухбирни монумент ҳақидаги фикр, унга муносабат эмас, отахоннинг биринчи нигоҳи тушган лаҳзадаги туйғулари қизиқтиряпти. Мухбирлар баъзан «бўғзидан» олади, деб шунга айтилса керак. Ўйлаб қолдим. Жавобдан аввал Шоаҳмад аканинг салкам ўттиз йиллик қадрдон сиймоси кўз олдимда намоён бўлди, чиндан ҳам, монумент ҳайкални ўраб турган чодир туширилиши ҳамон унга назар ташлаган Шоаҳмад ака нима дердию, қай ҳолатга тушарди?

Кўз олдимда намоён бўлган камсуқум, одми, аммо буюк қалб соҳиби, табаррук зот росмана жонланди. Рухсорида мулойим табассум нурланди, меҳри балқди. Аввало бу зот қўллари кўксида — икки букилиб, ҳайкалга таъзим бажо келтирарди.

Сезиб турибман, нега демоқчисиз. Табиати шундай аллома эди, суратга салом берарди. Эсимда. Қай бир сафар ҳовлиларига кириб борганимда, почтальон газета келтирди, унда ўзларининг, Баҳри опанинг болалар даврасида тушган расмлари чиққан эди. Газета саҳифасини очдилару расмга кўзлари тушиб, рўйи-рост таъзим қилдилар, овоз чиқариб: «Ассалому алайкўм», дедилар. Айвонда ўтирган Баҳри опа: «Акангиз шунақалар...», дегандай кулиб қўйди. Мен аввалига ҳазилга йўймоқчи бўлдим: «Суратларга тушавериб, роса машқини олибсиз-е», дедим ҳам. Шоаҳмад ака жиддий тус олди.

— Йўқ, мулла Раҳмат, ёшимни яшаб, ошимни ошаб, ҳаммасини кўрдим, елкага қоқиб, баракалла деб мақташа, мана ялла деб қанот қоқадиган ёшдан ўтдим. Илло саломга келганда, одам боласи шундай улуғ зотки, унинг соясига салом берсанг камлик қилади. Инсон боласининг рухсорига таъзим қилмоқ ҳам фарз, ҳам қарз. Бу газетадаги суратда, ахир, қаранг, қанча одам сизга кўз тикиб турибди...

— Аввало Шоаҳмад ака ҳайкалга салом берарди, — дедим мухбирга.

Мухбир: «Нега?» дегандай ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

...— Кейин, яқинроқ келиб, болаларни битталаб бошини силаб, санаб чиқарди, қайси бири даврада бўлмаса, ўшани чақирарди, қидирарди...

Мухбир кулиб юборди: «Ахир, бу ҳайкал-ку, наҳотки, шу ерда ҳам болаларни санаб, йўғини қидириб юрсалар?» деб сўрадию: «Мени калака қиляпсизми?» дейишга ботина олмади.

— Ҳа, отахон табиатан шундай эди. Кўчадан келганида болаларнинг биронтаси кўзга кўринмаса, топтириб хотиржам бўлмагунча кўнгли жойига тушмасди. Суратга тушадиган пайтда-ку битталаб санаб чиқарди. Неваралар кўпайганда ҳам шу одати қолмади. «Шулар деб юрибмиз-да, қаторидан хато бўлмасин», дерди икки гапнинг бирида...

Ҳозир, турган гап, ҳайкалга салом бериб болалар жамулжамлигидан кўнгли тўқ, мамнун ҳолда жамоатга қўл қовуштириб таъзим бажо келтирарди-да: «Ассалому алайкўм, авлодлар, ассалому алайкўм, эллар, элатлар...», дея вазмин гап бошларди.

Бундай пайтда ич-ичидан келадиган тўлқин-тўлқин ҳисларни ниҳоятда зўр куч билан босиб туришга, оғиздан чиқаётган калимада ҳаяжонни, титроқни сездирмасликка ҳаракат қиларди. Эҳтимол, ўша, урушнинг дастлабки йилида, антифашистлар йиғинида, мўътабар минбардан туриб айтган гапларини такрорлар эди:

— Умрим темирчи — тақачилик билан ўтди. Касбимдан икки дунё розиман. Шу даврда неча минг тақа ясаган бўлсам, тил ёзиқ, шунча отни тақалагандирман. Илло тақалаган отларимнинг биронтаси қоқилиб, йиқилганини эшитмадим. Қоқилгандиру, имоним комилки, йиқилмаган. Ёшим бир ерга бориб қолганида юртим бошига кулфат тушди. Оғир кулфат. Лаънати фашистлар чиқарган уруш катталаргамас, бегуноҳ норасидаларга ҳам чангалини солди. Қараб туролмадик. Баҳоли қудрат шулардан бир нечтасини бағримизга олдик. Эндиликда қурбим етиб, ана шу тойчоқларга ўзим тақа бўла олсам, шулар тоймай, қоқилмай, йиқилмай юриб кетишса, гурс-гурс босган қадамларининг овози қулоқларимга кириб турса, дунёдан беармон ўтардим. Ниятим — шу!..

Ҳа, мўътабар зот ўт-олов гирдобида қолган, жанггоҳда туғилган етимларнинг бошини силаб, уларга не-не машаққатлар билан меҳр улашиб, оқибатда ниятлари ушалганини кўрди, болалар тугул, невараларининг гурс-гурс қадам товушларини эшитди, бўй-бастларини кўриб қувонди, эл-юрт эъзозидан, фарзандлар оқибатидан мамнун бўлди...

Ёниб турган ёмғирда ювиниб-тараниб олган Тошкентнинг май тонготари роҳатбахш салқини билан кўнгилларни хуш, дилларни чоғ қиларди. Шаҳарнинг В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги майдони ўзгача манзара, гўзаллик касб этган. Эрталабдан бошлаб бу ерга Хадра, Чорсу, Бешёғоч майдони томондан, Самарқанд дарбоза, Фурқат, Халқлар дўстлиги, Ўзбекистон кўчалари томонидан одамлар оқими, баҳор либосида гулгун яшнаган йигит-қизлар оқими қуюлиб кела бошлади. Қуёш чиқиши билан тўплана бошлаган одамлар майдон ва унга туташ кенг кўчаларни тўлдириб, бамисоли улкан чаманзор, гулзор бунёд этган эдилар. Бу чаманзор тўрида, қардош республикаларнинг давлат гербларини кафтларида кўтариб турган, кўкка бўй чўзган минорасимон монумент ёнида — аҳил серфарзанд интернационал оила бамисоли сайрга чиққану боғ этагида чодир қуриб, ҳордиқ чиқаришга тўхтагандек, ҳали замон тонг отиши билан чодирни олиб, янги кунни олқишламоқчидай бўлиб улкан монумент ҳайкал турибди. Одамлар оқими — чаманзорга жаҳон киночиларининг вакиллари: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII кинофестивали иштирокчилари — юзга яқин мамлакатдан келган меҳмонлар кириб келишади.

Республика партия ва ҳукумат раҳбарлари, азиз меҳмонлар ҳайкал ёнидаги минбарга келадилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, шу монументнинг яратиш ташаббускори ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов чодирнинг боғичини қирқар экан, тўпланганлар кўз олдида оддий темирчи ва унинг умрйўлдоши табаррук сиймолари фарзандлари даврасида намоён бўлади. Майдонни қарсак, музика садолари қоплайди. Қирмизи байроқлар ҳилпирайди, қип-қизил алвонлар қуёшда товланади, кўкка учирилган улкан шарлардаги алвонлар юқорилаб боради. Шу дақиқада — Баҳри опа билан Шароф Рашидович қучоқлашиб кўришаётган пайтда, бундай салкам ўттиз йил муқаддам мана шу нуроний сиймоларга — темирчи Шоаҳмад акага, Баҳри опага улар нинг беқиёс инсоний фазилатлари — одамийликларини тақдирлаб берилган орденларни ҳам Шароф Рашидович топширгани беихтиёр ёдга келади ва маросимнинг руҳига руҳ мазмунига мазмун қўшади.

Ана худди, биз тахмин қилганимиздек, оддий темирчи, буюк қалб соҳиби Шоаҳмад ака минг-минглаб тўпланганларга, юзга яқин мамлакатдан келган меҳмонларга, демакки, бутун жаҳонга қараб:

— Ассалому алайкўм, авлодлар, деб тургандек...

Башарият оддий инсон меҳрини қўйилган ҳайкални, ўрнатилган монументни билмаса керак. Зеро, инсон қадри ҳеч қачон бизнинг социалистик жамиятимиздагидек юксакликка кўтарилмаган.

Баҳрихон ая фарзандлари, неваралари билан Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги ҳайкали ёнида.

Н. Шарипов фотоси

УЧ ҚАҲРАМОН

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотоси

Қардошлик оиласига жипслашган кўп миллатли
амлакатимиз жонажон Коммунистик партия
ошчилигида тарихан қисқа муддат ичида жуда
тта ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтди.
авожланиш босқичлари айниқса қишлоқ хўжа-
иги, хусусан, пахтачилигимиз равнақида кўзга
ҳол ташланади. Яқин ўтмишда асосий таянчи
тмон ва омоҳдан иборат бўлган деҳқонлар
спублика территориясида йилига 100 минг тон-
га етказиб пахта етиштирарди. Фан-техника-
нг жадал суръатлари ва пахтачилик илмининг
ақиёс ўсганлиги натижасида Узбекистон энди-
ида 6 миллион тоннадан ошириб «оқ олтин»
рмони уймоқда. Булар кишиларимиз онги ва
ихологиясида рўй берган буюк ўзгаришларнинг
арофати ҳамдир.

Бағдод районидаги «Большевик» колхозининг
гунги кўркам қиёфаси, хўжалик аъзоларининг
аданий савияси, ёшларнинг ишга фидойилиги,
ер ерда амалга оширилаётган тадбирларнинг
ижмм ва кўлами социалистик ҳаётимизнинг ҳус-
га ҳуси қўшгулик. Ҳар жиҳатдан қулай замо-
вий шинам уй-жойлар, текис тўғри кўчалар,
лобатли маданият саройлари, клуб бинолари,
утбохоналар, мактаблар, боғчалар — колхознинг
эзирги гўзал қиёфаси ана шундай.

Бу ўзгаришларнинг барчаси 1946 йилдан бери
олхоз правленниесига раислик қилиб келаётган
ркин Усмонхўжаевнинг, унинг устозлари ва
нгдошларининг кўзи ўнгида рўй берди. Партия
ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, хўжалик
лининг ғайрат-шижоати, фидокорлиги туфайли
илҳомбахш меҳнат ва фаровон турмуш қарор
топди. Колхоз ўтган йили 37 центнердан ҳосил
кўтариб, 1 миллион 200 минг сўм атрофида соф
даромад олди. Мамазиё Қодиров бошчилик қи-
лаётган бригада пахтакорлари эса ҳосилдорликни
гектар бошига 50 центнерга етказишди. Холдор-
али Муҳиддинов, Саидаҳмад Ҳайдаров, Набижон
Нажмиддинов, Абдураҳмон Икромов каби ил-
ғорларнинг меҳнати ҳам ҳурматга сазовор. Хўжа-
лик аҳли бу йил ҳосилдорликни гектар бошига
40 центнерга етказиш иштиёқи билан меҳнат
қилмоқда.

Халқ ва партия ишига садоқатли дала гвардия-
чилари — колхоз правленниесининг раиси Эркин
Усмонхўжаев, пахтачилик бригадаси бошлиғи
Мамазиё Қодиров, бригада механиги Саидаҳмад
Ҳайдаров энг олий унвон — Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони деган юксак шарафга сазовор бўлди-
лар.

Суратда: уч қаҳрамон — Мамазиё Қодиров,
Эркин Усмонхўжаев ва Саидаҳмад Ҳайдаров хў-
жаликнинг биологик лабораториясида янги пахта
нави хусусида суҳбат қурмоқдалар.

— Дарров ўқиб бўлдингми-а? Вой
ққонжон-ей. Кечагина олиб кетма-
ммидинг?..

Раъно ёш китобхоннинг аъзолик
ракасини ахтарар экан, шошқалоқ
устамжонга изза берарди.

— Менга бари бир. Сен бу билан
ингни алдайсан. Эсингдами, ўтган
фар ҳам «Гулливернинг саёҳатла-
ни икки соатдан кейин келтирган-
инг. Чиндан ҳам сен шунақа яшин
злигида ўқийсанми китобни? Қани,
мур ким? Унинг командаси қандай
ларни бажарган экан? Уша бола-
рдай бўлишинг учун, масалан, сен
малар қилишинг керак?..

Раънонинг астойдил куйиб-пиши-
идан кўриниб турибдики, китобхон-
рнинг китобдан қандай фойдала-
ишлари унинг учун ҳам бедахл
мас. Унинг куйинчаклиги, талабчан-
иги, китобга, китобхонларга бефарқ
рай олмаслиги — отасидан, раҳ-
атлик Юсуф акадан юққан. Ичан-
злъадаги бу уй анча тор ва пастак
ўлса ҳам оила аъзоларининг кўнгил-
ари ниҳоятда кенг ҳамда одамгар-
чиликлари юксак. Юсуф ака пенсия-
чиқиб, кексайиб қолган кезлари
ам эртадан-кечгача қадами узил-
айдиган китоб шинавандаларига
ҳмат кўрсатишдан чарчамасди. Хо-
ини Бекпошша опа эса беш фарзан-
нинг ташвиши билан бирга келиб-
етувчилардан айланиб-ўргилар,
ларни овқатга таклиф қилар, ҳеч
ўлмаса бир пиёла чой ичиб кетиш-
кистар, кўнмасангиз астойдил ха-
а бўлар эди.

— Юсуф ака кутубхонани янги
шкил қилган пайтларидаёқ анчагина
нодир китоблар тўплашга улгур-
инди, биз эса уларни ўқиб чиқишга
тгурмадик. Баъзан қизиқарли, ки-
ини мўъжизалар оламига етакловчи
ажойиб китоблардан ажралгимиз
елмаганидан, уни қайта топширишга
шошилмай юрардик, — дейди ку-
бхонанинг шинаванда аъзоларидан
ири. Жамила исмли аёл унга қў-
имча қилади:

— Китобни қачон келтирасиз,—
ея китобхондан жиддий қиёфада
ғрардилар Юсуф ака. Агар бахона
ополмай жим туриб қолса, бош
йқаб танбеҳ берардилар.— Китобни
кши кўриш, бу — яхши. Лекин уни
ошқалар ўқишини хоҳламаслик —
ошимас.

Яхшилар шарофати

ТОШПЎЛАТОВ КУТУБХОНАСИ

* * *

— Менга Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжоннинг «Танланган асарлари» керак эди.

— Марҳамат!— зумда тайёр қилади Раъно.

Китобхонлар истаган китобини олиб кетишлари мумкин. Бу ердан улуғ ўзбек классик адабиёти намояндалари Алишер Навоий, Лутфий, Бобир, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли асарларидан тортиб, буюк рус классик адабиёти юлдузлари — Пушкин, Гоголь Лермонтов, Лев Толстой, Чехов, Достоевский асарларигача топилади. Кутубхона жавонларида рус совет адабиёти намояндалари — Максим Горький, Владимир Маяковский, Александр Фадеев, Михаил Шолохов, Георгий Марков, Константин Симонов, Александр Чаковскийларнинг асарлари ўрин олган. Шунингдек, Ҳамза, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Уйғун, Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Шукрулло, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа ҳозирги ўзбек совет адабиёти адибларининг китоблари ҳам мавжуд.

— Сўнгги пайтларда ўзбек совет адабиёти намояндалари асарларига қизиқиш айниқса катта,— дейди Раъно.— Шу сабабли ўзбек совет адибларидан Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Уйғун, Шайхзода ижодига бағишланган адабий кечалар, китобхонлар конференциялари ўтказганлигимиз бежиз эмас.

— Мактаб ёшидаги болаларда саргузашт ва фантастик асарларга мойиллик кўпроқ, — суҳбатга аралашди Раънонинг синглиси, кутубхона ишларини намунали йўлга қўйишда яқин ёрдамчи Муҳаббат.— Ҳа, ҳар кимнинг таъби ҳар хил. Бизнинг вазифамиз китобхонларнинг талаб ва илтимосларини ўз вақтида адо этиш. Уларнинг дидига мос китобларни тўплашга эришиш.

Бу сўзлар кутубхона янги ташкил қилинган вақтларда бўлиб ўтган бир воқеани Раънонинг эсига туширди.

— Болалар, қарашворинглар...

Рўзғорда гўшт-ёғ тугаганидан овқатга ҳеч нарса олмай, меҳмон олдида хижолат чекиб, уйга кириб-эшикка чиқиб, нима қилишини билмай турган Бекпошша эрининг овозини эшитиб қувониб кетди.

— Яхши-ей, келақолдингиз,— бир қучоқ китобни базўр кўтарганча терлаб-пишиб келаётган Юсуф акани кўрган Бекпошшанинг гапи оғзида қолди.— Ҳой бозор қилмадингизми-а. Майли, Раъно югуриб бориб келар,— Бекпошша қолган китобларни ташишар экан, меҳмонни қуруқ жўнатмаслик ғамида эди.

— Етти сўм қарз бўлиб келдим,— Юсуф ака китобларга маҳлиё термулганча сўзларди.— Лекин зўр иш бўлди-да. Ленин томларини тўлиқ топганимни айтмайсанми, қанча киши сўраб келади, ахир.

— Расул ака келувдилар,— ниҳоят меҳмон борлигини эслатишга журъат қилди Бекпошша.

— Қўшнилардан олиб турақол,— энди овозини пасайтирганча хижолатомуз деди Юсуф ака.

— Э, қўйинг, боягина биттаси келиб мунча китобни нима қиласизлар, нон ўрнига емоқчимисизлар, деб киноя қилиб кетувди. Энди улбул сўраб юрсам яна гап бўлади. Қўйинг, яхшиси борини бозор қиламиз.

Юсуф ака аёлига миннатдорчилик билан қараб қўйди.

— У пайтда биз ҳали ёш эдик, мактабга қатнардик. Отамнинг пенсияси билан кун кўрардик. Шунга қарамасдан отам китоб деганда пулни аямасди,— дейди отасининг китоб тўплашини эсларкан Раъно.— Шунинг учун ҳам қўлимда беш-олти сўм йиғилиб қолгудек бўлса, дарров бирон ноёб китоб харид қилишга шошиламан. Сўнгги йилларда кутубхонага ўз дастхатлари билан китоб йўлловчи ижодкорлар сони кўпайиб бораётир. Уларнинг ўз асарлари билан бирга йўллаган самимий қалб сўзлари, наинки кутубхона эгаларини, балки кутубхонага аъзо бўлмаган китобхонларни ҳам тўлқинлантиради.

Хеванлик зиёкор Юсуф Тошпўлатовнинг жамоатчилик асосида ташкил этган «СССР халқлари дўстлиги» кутубхонасида «Дўстлик бурчаги» ҳам мавжуд. Бу ерни кўздан кечирган кишининг борлиғи фахру ғурур ҳисси билан тўлади. «Дўстлик бурчаги»да ГДР, Болгария ҳамда Украина, Литва каби республикалардан жўнатилган китоблар, фотосуратлар кўз қорачиғидек асралади. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан олис Хевада жойлашган бу кутубхонага китоб юборишларини сўраб келган хатлар ҳам диққатни ўзига тортади.

Ўз ёшлигини революция ишига, совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга сафарбар қилган чинакам ленинчи Юсуф Тошпўлатов 78 ёшида 25 минг китоб бериб, 5 минг китобхонга хизмат кўрсатди. У ўз умрининг охиригача нур улашди. Хеванинг машҳур тўрт дарвозасидан бири — Боғча дарвозасидан тўғри юриб келаркансиз, Юсуф Тошпўлатов номли кўча ҳозир ҳам нурхонага — Юсуф Тошпўлатов номидаги кутубхонага олиб чиқади. Шундай, эзгуликка, хайрли ишларга сафарбар қилинган умр учун ўлим йўқ.

Эндиликда отанинг хайрли ишларини унинг қизи — Хева шаҳридаги Аваз Ўтар номли мактабнинг математика ўқитувчиси Раъно Тошпўлатова давом эттиряпти. У 10 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхонанинг 1200 аъзосига сидқидилдан хизмат кўрсатаётир. Юсуф аканинг нурга тўла умри ҳамон дилларни чароғон этмоқда.

Фозил ЗОҲИДОВ,
Уллибиби ОТАЕВА

Хева

ЖАСОРАТ

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

Сирдарё ва Жиззах областларининг чўлқуварлари бу йигитнинг жасоратли ҳаётини ҳамиша эҳтиром билан эслайдилар...

Ғайбулла Абдуллаев 1960 йилда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш инженерлари институтини тамомлагач, уни аспирантурада ўқишга таклиф этдилар. Лекин Ғайбулла қишлоқда ишлашни хоҳлади. Дастлаб Самарқанд область қишлоқ хўжалиги бошқармасида ишлади. Ўша пайтларда ёшларни Мирзачўлда ишлашга чорловчи даъватлар Ғайбулланинг ҳам юрагини тўлқинлантириб турди. У кенг далаларга чиқиб, чўлларни ўзлаштиргиси келарди. Шу тилак билан Ғайбулла Самарқанд область комсомол комитетидан йўлланма олди, уни Мирзачўлда янги ташкил этилган 5-совхозга юборишди. Хўш, бу совхозга бир ўзи борадими? У тадбир ишлатди. Ғайбуллада туғма сўзамоллик — нотиқлик санъати бор эди. Шу фазилати унга қўл келди. Она қишлоғи Зоминга бориб, икки кун ичида 13 йигитни чўлга бошлаб келди.

Ўн уч ўғлон, ўн уч норғил йигит чўлга етиб келишди. Ўшанда атроф бўм-бўш, совхоз марказида тахтадан қилинган иккитагина уй бор эди холос. Совхоз директори ҳамманинг ҳужжатини кўратуриб, Ғайбуллага қараб-қараб қўйди. «Ишонса бўлади бу йигитга, жиддий ва оқилга ўхшайди». Ғайбулланинг ўзи ҳам, ҳужжатлари ҳам директорга маъқул бўлди шекилли, ўша заҳотиёқ уни бригадир қилиб тайинлади. Бригада учун 100 гектар ер ажратиб берилди.

Асрлар бўйи бўш ётган ер устидан биринчи марта трактор юрганда Ғайбулланинг юраги алланечук бўлиб кетди. Тупроқни мушак қилиб отди. Ўзи ҳам йигитларга қўшилиб, «ура-ура!» деб ҳайқириб юборди.

Ғайбулла бир устозни қўмсарди, унинг маслаҳатига, ўгитларига суянгиси келарди. Шу боисдан ўз қишлоғига бориб, мактабда ўқитган устози Қодирқул ака Пиримқуловни бошлаб келди. Қодирқул ака кўнмаганди: «Қариганингизда биров нима қилгансиз деса, чўлга ҳисса қўшганман дейсиз-да, устоз»,— деди...

Ғайбулла ўрнидан турганида чўл тўрғайи ҳам ҳали маст уйқуда бўларди.

— Қани, бўла қолинглар, тўрғайнинг концертини далада эшитамиз,— дерди. Ҳамма унга эргашарди.

1961 йилнинг 4 апрелида чигит экиб бўлинди. Ғайбулла ва унинг бригадаси аъзолари учун илҳақ кунлар бошланди. Улар ниҳол кутишарди. Ғайбулла далани айланиб юриб, биринчи бор ниш урган ниҳолни кўрганида ўзини босолмади. Суюниб кетганидан ҳаммани чақириб келди.

Кимдир:

— Ниҳолни юлиб олиб, директорга совға қилайлик, ахир бу юлдуз-ку,— деди. Ғайбулла кўнмоқчи бўлди-ю, лекин ғўзани юлиб олишга кўзи қиймади:

— Бунинг жони бор, оғрийди, қолаверса, умид билан дунёга келган, умр кўрсин.

...Ғўзани яганалаш пайти эди. Ғайбулланинг олдига Нишон ҳовлиқиб келди:

— Ака, менинг қаторимдаги ғўзалар йўқ, кеча бор эди.

Ғайбулла ҳазиллашяпти деб ўйлаб, кулиб юборди:

— Концертга кетишгандир-да.

— Ростдан, ишонмайсизми?

Ғайбулла бориб қараса, Нишоннинг гаплари рост экан: чиндан ҳам қатор-қатор ғўзалар йўқ эди. Ё тавба! Мол-ҳол бўлмаса бу ерларда... Қаёққа кетаркин-а ғўзалар?.. Бу жумбоқни ечиш керак.

Эртасига йигитлар азонда бориб, далани айланишди. Қарашса, бир тошбақа секин-секин келиб ғўзани ямлаяпти. Яна бири... яна бири... Улар янги муаммо қаршисида лол қолишди. Нима бўлса ҳам тошбақаларни йўқотиш керак! Тошбақалар тонготар пайтида дувиллаб чиқишарди. Йигитлар тошбақаларни териб олишди-ю, лотокка ташлайверишди. Лекин ўйлаб қарашса, гидранга тиқилиб, сув йўлини тўсиб қўйишлари мумкин. Шу мулоҳаза билан тошбақалар яна йиғиб олиниб, зовурга ташланди. Улар шунчалар кўп эдики, эплаб олиш анча мушкул бўлди. Устигаустак зовурга ташланганлари ҳам яна кўм-кўк ғўзалар сари эринибгина келишаверарди. Энди нима қилиш керак? Тошбақалар ахир ғўзанинг душманига айланишяпти-ку! Йигитлар ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келишди. Тошбақалар машиналарга ортилиб, ҳали ўзлаштирилмаган зоналарга бориб ташланди...

Ғўзани суғориш пайти келганда Ғайбулланинг сезгирлиги яна ошди. У ўз қишлоғидан икки-уч метрли рейкалар келтирди. Бошқалар, бу нимага керак экан, деб ҳайрон эди. Тушлик пайтида Ғайбулла ўз мақсадини сувчиларга тушунтириб берди:

— Бу ерларни билиб бўлмайди, ўпқон пайдо бўлар ё бошқа бир нарса, ҳар эҳтимолга қарши белларингизга рейкаларни маҳкам боғлаб олинглар.

Ғайбулла устоз пахтакорларнинг маслаҳатларини, раҳбар ходимларнинг ўгитларини кўп ўрганди, уларга қулоқ солди. Унинг кундалик дафтарида ғўзанинг ҳар бир муҳим даврида қилиниши лозим бўлган ишлар битилган. Кундалик дафтар варақларида Саркисов, Духовний, Саттор Усмонов, Тоиров, Аҳмедов, Терсицкий, Боймировларнинг фамилияларини ўқийман. Шу устозлар Ғайбулла бошлиқ бригадага айниқса меҳр қўйдилар, ундан тез-тез хабар олиб турдилар, қийналганида ёрдам бердилар. Улар берган руҳий мадад йигитларнинг асл меҳнатига, Ғайбулланинг жасоратига зафар келтирди! Ғалвир сувдан кўтарилганда, ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил олинди (совхоз бўйича ўртача ҳосил 12 центнердан эди).

Ғайбулла совхоз комсомол ташкилотининг секретари эди. Комсомол етакчиси сифатида у ҳамма нарсага улгурарди. Бошқа бригада ёшлари ишидан хабар олишга ҳам, кўнгилларини сўрашга ҳам вақт топарди, ҳатто уйларига хат ёздилармий, у ёқдан хабар келдими-йўқми, ҳаммасини суриштирарди. Шанба-якшанба кунлари эса ўйин-кулгига марҳамат! Бадиий ҳаваскорлик тўгараги машғулотлари ҳам мунтазам ўтказиларди. Ётоқхонадаги тартибга у алоҳида эътибор берарди.

Намунали ташкилотчи эди у... Шунинг учун ҳам чўлқувар йигит Ўзбекистон комсомолининг XVII съездида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. ВЛКСМ XIV съездига делегат бўлиб қатнашди. Съездда Ғайбулла жуда катта

Йиллар, одамлар, тақдирлар

шарафга муяссар бўлди. У биринчи космонавт-учувчи Юрий Алексеевич Гагарин билан бирга байроқдор бўлди. Ғайбулла Мирзачўлни ўзлаштириш учун ҳисса қўшаётган тенгдошлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ғайбулла ўз сўзида гектаридан 30 центнер ҳосил олишга ва эллик гектарлик маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан минг центнердан кўк масса олишга ваъда берди. Шу съездда у ВЛКСМ Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди.

Ғайбулла бошлиқ бригада ўша йили яна зафар қучди. У съездда берган ваъдасининг устидан чиқди...

1963 йил ҳосили учун кураш бошланди.

Ғайбулла дала кезарди. Кунларнинг бирида у биқинининг ўнг томонида оғриқ сеза бошлади. Парво қилмади, ўтиб кетар, деди. Зўрайса зўрайдики, ўтиб кетмади. Ғайбуллани кечга томон касалхонага элтдилар. Унда кўричак касали хуруж қилган экан. Шифокорлар уни базўр асраб қолишди. Орадан бир неча кун ўтгач, тўрт ойгача оғир иш қилмаслик, мотоцикль минмаслик шарти билан уйга рухсат бердилар. Ғайбулла уйида анча ётди. Лекин шартни тўла бажаришга сабри чидамади. Далага интиларди у.

«Мотоциклни миниб далага чиқсаммики» Ғайбулла битта-битта юриб ташқари чиқди. Кейин секин кетаверди, аммо ярим йўлга борганда унд[а] муздек тер чиқиб кетди. Орқасига қайтишга мажб[ур] бўлди... Орадан беш-олти кун ўтгач, Ғайбуллани[нг] яна тоқати тоқ бўлди. Мотоциклда дала айлан[иб] келди, яна чиқди, яна... яна...

...Ғўзалар чанқаб қолган эди. Йигитлар гидран[г]... резина қувур улаб, сув олишар, суғориб бўлга[ч] ўша оғир қувурни кўтариб олиб, бошқа картага б[о]ришар эди. Шундай оғир ишлар қилаётган йигитл[ар] олдида Ғайбулла бари бир жим ўтиролмади, ула[р]нинг ҳай-ҳайлашига қарамай, оғир юкни кўтариш[га] ёрдамлашаверди. Ғайбулла ўз бригадасидаги йиги[т]лардан ҳам, авжи баланд пахтазоридан ҳам хурса[нд] эди. Чиндан ҳам бу йил 30 центнердан ҳосил оли[ш] мумкин.

Кечга томон бироз дам олган Ғайбулла хотин[и]нинг гапига қулоқ солмай, мотоциклга ўтирди. «Ё[...]миз, ҳеч нарса қилмайди», деди у кулиб. Бу жумл[а]ни у кейинги вақтда кўп ишлатарди. Суғоришни[нг] бориши Ғайбуллани безовта қилаётганди.

Оқшом туша бошлаган пайт. Дала бошига етга[ч] да бирданига мотоциклини тўхтатди. Лотокдан с[ув] ҳайқириб тўкиларди, кўсак тугаётган ғўзаларни [...] пинжига олиб ютгудек бўларди. Ғайбулла афсусл[а]ниб, атрофга қаради. Одамлар узоқда, сув бил[ан] олишмоқдалар. Сув йўлини тўсиш керак, нима қил[иб] ҳам сув зовурга тушсин, ғўзани паймол қилмаси[н]. Фурсат ғанимат! Беморлиги эсидан чиқиб кет[ди] унинг. Кўзига ғўзалар беозор чақалоқ бўлиб кўр[и]нарди. Мотоциклда ҳамиша ўзи билан олиб юрад[и]ган кетмонини қўлига олди. Сувга қарши ҳужум[га] ўтди. Афсуски... кетмондан отилган тупроқ сув ши[д]датига бардош беролмай бирпасда ювилиб кета[р]ди. Шунча ардоқланган ғўзалар, наҳот сув ости[да] қолиб кетса... Йўқ, ундай бўлиши мумкин эма[с]. Йўлини топиш керак! Топди! Сув йўлига — ўқариқ[нинг] кўндалангига ётиб олди-да ён-верига тупроқ тор[та] бошлади, лекин сув шиддат билан ювилиб кетаве[р]ди. Ғайбулла ярим ўгирилиб, белларига тупроқ тор[т]ди, бўлмади, наҳот танаси билан сувни тўсиб қоло[л]маса?!

Ой ёруғида Ғайбулланинг кўзи сал нарида ётга[н] резина қувур бўлагига тушди. Бир амаллаб уни то[р]тиб олди, бўйи баравар олдини тўсди ва кетмо[н] билан яна шиббалай бошлади. У борган сари куч[дан] кетаётганини, кўз олди хиралашиб, хаёли алланеч[ук] бўлаётганини сезди. Боя билмаган экан, операци[я]нинг ўрни зирқираб оғриётган эди. Вужудининг ху[...]ди шу жойидан нимадир сизиб чиққанини, Ғайбул[ла] бунинг йиринг аралаш қон эканини, ҳадемай умри[ни] завол етишини билмасди. Ғайбулла оғриққа чидад[и]. Агар туриб кетса, гектарларидаги ғўза бир неча д[а]қиқа ичида ҳалок бўлишини биларди. Яна куч тў[п]лаб, белига лой тортди, тўсиқни мустаҳкамлайверд[и]. У секин-аста ҳолдан тоя бошлади...

Куни билан ғўза суғориб юрган Носир ўзига т[а]ниш мотоциклни кўриб ҳовлиқиб қолди: «Ие, [...] Ғайбулла акамнинг мотоцикли-ку», деди ўзига-ўз[и]. Кейин сал нариroқда қораси кўринган Турсунбо[й]ни чақирди. Зудлик билан етиб келган Турсунбо[й] кўндаланг ариқдаги тўсиқнинг сал ғалатироқлиги[га] эътибор берди. Югуриб сувдан ошиб унинг олди[га] борди. Қараса, лой ичида одамнинг боши кўри[н]япти. Бу Ғайбулла эди. У беҳуш ётарди. Уни[нг] мардлиги эвазига сув ўз йўлини зовурга бурга[н] эди... У қайта операциядан сўнг икки кунгина ҳуш[сиз] беҳуш яшади. Ҳушига келганида болаларини сўра[]ди. Яна бир марта пахта нима бўлдийкин, деб с[ў]раб-суриштирди. Ўлим олдида ётган одамнинг бу[н]дай савол бериши мумкинлигини ҳамма-ҳам туш[у]навермайди...

Зоминдаги қабристонлардан биридаги қабр[га] «Ғайбулла Абдуллаев. 1934 йил, 12 август — 19[63] йил, 18 июль» деб ёзиб қўйилган. Мен ҳар га[л] зиёратга борганимда шу қабр олдида бош эгиб т[у]раман...

Ғайбулла оз яшади, икки ярим йиллик ҳақиқ[ий] меҳнат ичида бўлди, чўлда тўфон-бўронларни ен[г]ди. Етакчи бўлиб, ўз ортидан ёшларни эргаштирд[и]. Умр бўйи инсонга зориққан, сувга интизор ерд[а] биллур кони яратди. Бу чинакам қаҳрамонлик эд[и]. Маккажўхори учун курашга қўшилиб, «макка чўлг[а] эмас, водийларга ярашади», деганларнинг оғзига ур[]гани ҳам қаҳрамонлик эди. Беморлигини била ту[]риб, шу пахтани асрай деб, сувга қалқон бўлиш[и] фидойилик эмасмиди?

Ғайбулла Абдуллаев бугунги ва эртанги ёшла[р] эътиқод қилсалар, ҳаётидан ўрнак олсалар арзигу[]лик инсон эди. Вақти келиб унинг шарафига ҳайка[л] ўрнатилса ажаб эмас. (Дарвоқе, нима учун бағр[и] кенг Мирзачўлда уни ўзлаштирган биринчи чўлқу[]варлар шарафига ёдгорлик ўрнатилмайди?) Сирдар[ё] область комсомол комитети Ғайбулла Абдуллае[в] номида ўз мукофотини таъсис этган. Чўлқувар номи[]да пионер дружинаси ва алоҳида кўча бор. Лекин бизнингча, булар ҳали кам. Унинг номи ўзбек хал[]қининг қаҳрамон фарзанди Абдулла Набиев, Тўйчи Эрйигитовлар номи билан ёнма-ён турмоғи лозим. Қуёшли республикамиз ўзининг оловқалб ўғлони хо[]тирасини абадий эъзозлаяжак.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

МАНГУ БАҲОР

ОЧЕРК

Фронтдан қайтиб келган инвалид, каттақўрғонлик Ҳамид Самадов уруш гирдоби республикамизга ташлаган ўн уч болани омон сақлаб қолди.

Ш. Р. РАШИДОВ

I

Ш ОВУЛЛАГАН Днепр қирғоқларида ҳушсиз ётган Ҳамид Самадов икки украин аёли қўлида кўз очди. Булар ким бўлди? Нега мажолсиз солдат устида бош эгиб туришибди? Нотаниш чеҳраларда ташвиш, киприкларда нам? Бу саволларни сўрашга ҳожат йўқ эди. Оғир яраланган ва ҳолдан тойган солдатни лар госпиталга элтишар экан, Ҳамид Самадов минатдорчилигини қай тарзда изҳор этишни билолмади. Ёлғиз суратини уларнинг қўлига тутқазар экан, нга на исм-фамилиясини, на адресини ёзишни, қоаверса, бу ёзувлар қачонлардир ўз эгасини топига кўмаклашишини хаёлига ҳам келтирмаганди... Йиллар ўтди. Оғир яралар бўлиб Каттақўрғонга айтган Ҳамид ака тинч ҳаёт қўйнида совет кишининг валломат қалбига хос иш қилди: турли милат вакилларидан иборат 13 фарзандни бағрига олди.

II

БУНДАН бир неча йил муқаддам «Комсомольская правда» газетаси журналист Л. Г. Графовнинг Ҳамид Самадов ҳақидаги «Солдат уйига қайтди» очеркини эълон қилди. Очеркда яралар солдатнинг халоскорлари, уларга қолдирилган сурат ҳақида ҳам сўз борарди. Неча ўн йиллик тарихни тиклашда ана у сурат иш берди.

«Комсомольская правда»га хатлар ёғилиб кетди. азетхонлар Ҳамид Самадовнинг аниқ адресини сўашар, унга бутун совет халқи ва шахсан ўзлари рмидан миннатдорлик билдиришни қалб бурчлари еб санашар эди. Хатларнинг биттаси тамоман бўакча эди. Бу хатга имзо қўйган Надежда Ивановна иколаева ва Мария Тимофеевна шундай ёзишган ди: «Газетада босилган суратни таниб, эт-этимизга жимирлаб кетди. Қувончимиз чексиз. Наҳотки, у ўша йигит? Аниқ ўша. Бизда қолдирган сурати ам шуни тасдиқлайди. Қолаверса, чап оёғида катта рли бор эди. Биз шу солдат билан дуч келган онларимизни яхши эслаймиз. Днепр бўйларида ҳаётамот жанглари борарди. Дарё яралар солдатни ирғоққа итқитиб ташлаганди. Тасодифан дуч келиб олгандик. Госпиталдан кейинги ҳаётини билолмай омонда эдик. Ниҳоят, қандай қувончли, у тирик экан...»

Хат муаллифлари Ҳамид Самадов ва яна бир қанча солдатларни ўлимдан қутқариб қолиш билан боғлиқ бўлган бу воқеани батафсил ёзиб юборишибди. ат сўнгида: «Онам Мария Тимофеевна ҳозир 80 шга кирдилар. Лекин, сизнинг расмингизни бир ўргандаёқ танидилар. Мен ўшанда 18 ёшда эдим», еган илова ҳам бор эди.

Халоскор она-боланинг хати «Комсомольская равда»нинг 1975 йил 6 август сонида босилди. Бу ат Ҳамид Самадовни қанчалар ҳаяжонлантирганини исвирлаш қийин. Ҳамид ака халоскор она-бола шаётган Ростов-Дон шаҳрига учишдан аввал уларга мактуб йўллаб, Каттақўрғонга таклиф этди: «Агар ртимизга қадам қўйиб, азиз меҳмонимиз бўлангиз, бошимиз кўкка етарди».

Самарқанд аэропортидаги ҳаяжонли учрашув ўпларнинг ёдида муҳрланиб қолса ажаб эмас. Саолёт зинасида кўринган Надежда Ивановна — ок сочлари ўзига ярашиб турган эллик ёшлар чамасидаги украин аёлини бу ерда тўпланганлар бир қучоқ гуллар билан кутиб олишди. У Ҳамид Самадовни Днепр бўйидаги ўша учрашувдан сўнг мана неча ўн йиллардан сўнг кўриб турганига қарамай, тумонат одам орасидан дарров таниб олди. Оғир йиллар, айриликлар синовидан ўтган учрашувдан қалблар майин тўлқинланарди, кўзларда севинч ёшлари.

— Сиз ҳали ҳам ўша-ўша, жасур қиёфадасиз, Ҳамид Самадович,— дер эди Надежда Ивановна.— Онам сизга кўпдан-кўп салом топширишимни айтдилар. Афсуски, беморлик туфайли келолмадилар.

— Мен ҳам сизни ҳамон 18 ёшингизда тасаввур этиб турибман. Сизларни унутиб бўладими?— дер эди Ҳамид ака энтикиб...

Надежда Ивановна ва унинг турмуш ўртоғи Петр Иванович Николаевлар Каттақўрғонда бир неча кун меҳмон бўлгач, ўз юртларига қайтишди.

III

Тақдир уста Самад бува билан Манғит момонинг пешонасига уч фарзанд битган эди. «Шу кузакда Ҳамидни уйласам», деб турганди уста. Уларни олдинма-кейин, иккитасини эса бир кунда жангга кузатдилар. Катта ҳовли ҳувиллаб қолди...

— Фарзандлардан бирорта тирноқ қолганда икковимизга ҳам суянчиқ бўларди-да,— деди Манғит момо кўз ёшини тиёлмай.

— Қандай қилай, кампир, уруш бошланиб қолишини туш кўрибманми?— дея ўзини оқлаган бўлди уста.

Манғит момо алам билан қиблага қараб қўл очди:

— Уруш бошлаган ўша қонхўр Гитлер илоё тирноққа зор бўлсин! Илоё дўзахда куйиб-ёнсин! Ёнмаса рози эмасман, омин!

Ҳамид САМАДОВ

Ҳамид кенжа укаси Ропижон билан бир дивизияда — 90-махсус ўзбек ўқчи дивизиясида Москва мудофаасига жангга кирди. Уртанча фарзанд — Азимжон эса Украина тупроғида жанг қиларди. Ҳарбий тақдир уч ака-уканинг ҳар бирига ўзига хос уч хил хизмат юклаганди: «Ҳамид — алоқачи, Ропижон — зенитчи, Азимжон — пулемётчи».

Немис фашистлари Москва остоналарида қақшатғич зарбага учрагач, совет қўшинлари барча фронт бўйлаб шиддатли ҳужумга ўта бошладилар. Фашистлар ҳар бир шаҳар ва қишлоқни куйдириб кул қилмасдан чекинмасди. Уша пайтларда 90-ўзбек дивизияси қисмларга бўлинди. Ҳамид Самадов жанг майдонларида шуҳрат топган 60-дивизияга тушди. Ворошиловград остонасида ака-ука жангчилар — Ҳамид ва Ропижоннинг йўллари айрилди. Ака-ука айрилиқ олдидан бир-биридан кўз узолмай, узоқ термулиб қолишди. Бир сўз қотишга юрак дов бермасди. «Қайтиб кўрармиканман?», деган аламли ўй-хаёл юракни эзиб турар, лекин бир-бирини овутишдан ўзга чора йўқ.

— Ака, сиз ўзингизни асрашингиз керак,— деди Ропижон нимадандир хавотир олгандай.— Алоқачилар ҳамиша олдинда бўлишади, эҳтиёт бўлинг.

— Зенитчилар яхшилаб мўлжалга уриб турса, алоқачиларга унча қийин бўлмайди.— Ҳамид укасини овутган бўлиб эўрма-зўраки жилмайди...

Минг тўққиз юз қирқ учинчи йил охирларида немислар Днепрнинг чап қирғоғидан бутунлай суриб чиқарилгач, навбатдаги ғалабаларга қаттиқ умид тутиб, ўнг қирғоққа тиш-тирноқ билан ёпишиб олдилар. 60-дивизия В. И. Ленин номидаги ДнепроГЭСдан атиги бир неча километр берида душман билан бетма-бет турарди. Душман оралиқдаги каттагина ўрмонни бешафқат қулатган, бу билан пиёда аскарлар ва маълум даражада совет танклари йўлига ғов ташламоқчи бўлган эди.

Шундай вазиятда 60-дивизияга қўмондонлик томонидан муҳим топшириқ берилди. Днепрнинг ўнг қирғоғини, аниқроғи, ДнепроГЭС нуқтасига жойлашган душман қисмини разведка қилиш лозим эди. Олти эшкакли қайиқ сувга туширилди. 38 разведкачи унга жойлашди. Улар учта станокли пулемёт, граната, автоматлар билан қуролланган ва махсус алоқа линияси билан таъминланган эдилар. Ҳамид алоқа аппарати орқали ўнг қирғоқдаги вазиятни чап қирғоққа етказиб туриши керак эди. Салкам 40 килограммли алоқа аппарати елкасидан босиб турарди.

Қоронғи тун қўйнида Днепр тўлғониб шовуллайди. Разведкачилар қайиғи дарёнинг қарийб 350—400 метрли ўзанида душман эгаллаган плацдарм томон, нақ ажал қаршисида сузиб борарди. Разведкачилар командири ҳарбий одатга кўра қайиқ бир неча метр силжигандан сўнг операция планини маълум қилди:

— Буйруғимни тингланг. Зиммамизда шарафли вазифа бор. ДнепроГЭС ҳозир хавф остида. ДнепроГЭС аҳамияти ҳақида гапириб ўтирмайман. Тўғон миналаштирилган. Капсул эса душман қўлида. Улар истаган минутда тўғонни портлатиб юборишлари мумкин. Тўғон билан туташган қирғоқдаги душман кучларини аниқлашимиз ва ўзимизникиларга батафсил маълумот беришимиз керак. Менинг буйруғимсиз ўт очилмасин!

Разведкачилар ДнепроГЭС тақдири учун, Ватан учун душманнинг ўтли нуқтасига, ўлимга тик боришарди. Кенг Днепр қўйнида разведкачилар қайиғи ~~тарзуз пўлотдай~~ ~~омонат~~ тўғонар, йигитлар эса дарёнинг ўнг қирғоғидан — душман плацдармидан кўз узмас эди. Дарёнинг бир маромда тебратиши аллақандай сокин кунларни, тинч кечган дамларни хаёлга солар, дарёнинг ҳар икки қирғоғидан отилиб турган тўплар ва ракеталар зарби бу хаёлий сукунатни бўлиб турар эди. «Қани энди ҳаммаси туш бўлсаю, уруслар, отишувлар, кечаги кун бўлиб қолса...— деб хаёл сура бошлади. Ҳамид.— Шу азим Днепрда куп-кундузи қайиқ тўла болаларни миндириб, эшкак отиб сузиб юрсанг... Болаларнинг шодон кулгиси оламни тутса. Ҳар икки қирғоқда дўстлар, ватандошлар олқишлаб турса». Ҳамиднинг кўз ўнгида шундай тасаввурлар уйғондики, у ҳозир болаларнинг шўх, озод кулгисига ҳамма нарсани алишгудек эди.

Ҳамид феъл-атвори билан табиатан болажон эди. Болалар кўзидаги шодликка, улар лабидаги табассумга бутун жонини, жаҳонини беришга тайёр эди...

Дарё нотинч чайқалди. Ҳамид бирдан тундлашиб қолди. Яна ўша даҳшатли манзара хаёлига келди. У Каменец-Подольскийни озод қилишдаги ўша машъум манзарани эслади. Тириклайин ўтда ёнганларни кўрди. Запорожьеда шаҳар ўртасидаги тупроқ уюмининг бир қанча вақт тинимсиз тебраниб турганини кўриб, ҳайкалдек қотиб қолди. Бу ерда немислар 30 минг яҳудийни тириклайин жарга тушириб, устидан тупроқ тортиб юборишганди...

Аслида инсон боласи учун биргина мотам ҳам оғирлик қилади. Лекин атрофинг ғич-ғич мотам бўлса-чи. Ҳозиргина сен билан ёнма-ён жанг қилиб, арслондек олишиб турган йигит бир сўз айтолмай йиқилса-чи? Гоҳо жанг шароити уни суяшга ҳам қўймаса-чи? Душман ёмғирдай ўқ ёғдириб турибди. Унинг овозини ўчирмасанг, у сенинг овозингни ўчиради. Бора-бора, йиғлай-йиғлай кўзларингда ёш ҳам қолмайди. Сийнанг сел бўлиб оқадию, киприкда

Ун уч фарзандни тарбиялаб вояга етказган меҳрибон отага бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларидан мактублар ва суратлар келиб туради.

Р. Ғафуров фотолари

нам йўқ. Начора, чидаш керак, бардам бўлиш керак. Сен мўлжалга уролмасанг, сени мўлжалга оладди. Жангда эса фақат ботирлар, ўлимдан қўрқмайдиганлар енгади. Уруш қонуни шундай.

Каменец-Подольскийдаги бу воқеа Ҳамидни бутунлай карахт қилган. Немислар шаҳардан чекина туриб, одатдагидек, ҳамма жойга ўт қўйган, тирик жоннинг ҳаммасини баробар отиб ташлаган. Шулар қатори бир тўда болали аёллар ҳам фашист ўқига дучор бўлганди. Не кўз билан кўрсинки, ёшгина бир гўдак ўқ теккан онасининг кўксини қўймай эмар, афтидан она — совуётган мурда сўнгги ҳароратини фарзандига тутарди...

«Эҳ, лаънати фашист! Қонхўр, одамхўр! Инсонни не кўйларга солмадинг. Норасида гўдаклар сенга нима ёмонлик қилди?!. Оналар қони сенга нега керак бўлди?..» Ҳамид юз-кўзларига қон сачраган гўдакни қўлига олиб, ўзини ортиқ тутиб туролмади. Кўзларидан аччиқ-аччиқ ёш қуйилиб келди. Кўксидан аллақандай меҳр сидирилиб, кўчиб келаётганини сезди. «Қанийди, уруш шу он тўхтаса. Ш гўдакни ҳар қанча азоб бўлса ҳам боқиб оларди! Она ўрнига она, ота ўрнига ота бўларди. Тўхта, уруш! Ҳеч бўлмаса бир нафас тўхта! Гўдак ором олсин, тўхта!..»

Бироқ, тўплар садоси тинмай гумбирлаб турибди. Душман беомон, уруш бешафқат. Бу уруш биргина гўдаклар бахтига чанг солдими? Биргина оналар қонини оқиздими? Ҳамид қанча дўстларидан айрилди. Каттақўрғондан бир сафда, бир кунда жангга отланган Иннатулло Шукуров унинг ёнгинасида жон берди. Урушга қадар Пайариқда маориф мудири бўлиб ишлаган Мамаёқуб Тилавов ҳам унинг қўлида жон берди. Дўстларидан яна бири граната билан танк остида қолди. Унинг номини айтишга ҳали-ҳали журъат этолмайди. Фарзандларининг кўзи ҳаёт, отасининг мардларча ҳалок бўлганини билишади, бироқ танк панжалари остида тупроққа қоришиб кетган мудҳиш ўлимни уларга эслатиб бўлармикан? Дўстлари мард эди. Мардларча ҳалок бўлишди. Тирикларни қутқарган уларнинг ўлими эмасми, ахир? Улар учун ҳам қасос олиш керак, қасос!

...Душман ракетаси тўғри қайиқ устига учди. Дарё юзи кундузгидай ёришиб кетди. Разведкачилар ҳамон Днепрнинг ўнг қирғоғи томон сузиб боришарди. Ракета ёруғи сўнмай туриб, тўғон билан бирлашган қирғоқда икки дзотдан пулемёт олов соча бошлади. Афтидан, душман разведкачилар қайиғини пайқаган эди.

— Чапга, чапга!— дея буйруқ берди разведкачилар командири. Ракета ёруғида душман пайқаб қолган нуқтани тез ўзгартириш керак эди. Бироқ, кетма-кет яна отилган ракета тун бағрини қиличдай кесиб қайиқ тепасига кўтарилди.

— Пулемёт! Дзотларга қарши баробар ўт оч!— Командир бор кучи билан қўл силтаб, душманнинг ўтли нуқтасига ишора қилди. Разведкачилар учала пулемётдан дзот нуқталарини мўлжаллаб, баробар ўқ ёғдира бошлашди. Дзот эса душман пулемётчиларининг сачратган оловида кўзга ташланиб қолар ва яна зулмат қўйнида ғарқ бўлар эди. Дзотлардан бири тинчиб қолди. Биринчи ҳамла мўлжалга тегган эди. Лекин бу орада разведкачилар қайиғи ҳам ёнгиллашиб қолган эди, омон қолганлар пулемётни навбатма-навбат бетўхтов отиб боришарди.

— Бургут! Бургут! Бу мен — Қарчиғайман!— Ҳамид махсус алоқа йўли билан чап қирғоққа шошилинч хабар етказиб турарди.— Душман плацдармига 40—50 метрча қолдик. Дзотлардан бири даф қилинди. Иккинчи дзот тўғондан юз метрча ўнг томонда. Қайиқда ўн киши, ўн икки киши, ўн етти киши ҳалок бўлди...

Қайиқ шитоб билан душман турган қирғоққа яқинлашиб борарди. Душман кетма-кет ракета отиб зулмат қўйнидан қайиққи ахтарарди, тенгсиз жангда разведкачилар ҳоли мушкуллашиб борарди. Разведкачилар бор куч билан иккинчи дзотни мўлжалга олиб, пулемётдан ўқ узишарди. Душман снарядларининг ўқлари қайиқ атрофида бодрокдай сапчирди. Бир оздан кейин алоқачи омон қолганларни санай бошлади:

— Бургут! Бургут! Ун бир киши қолдик. Иккинчи дзот ўчмай турибди. Юз метрча ўнг томонга отинг. Саккиз киши қолдик. Командирга ўқ тегди. Етти киши қолдик. Етти киши!. И-ҳҳ!..

Алоқачи инграб юборди. Унинг тирсагига бир парча олов ёпишгандай бўлди. Чап қўли шилқ этиб буралиб тушдию, қайтиб ўзига бўйсунмади. Енгидан шовуллаб қон оқа бошлади. Шунинг устига пулемётчи бўйнидан ўқ еб сувга сирғалиб тушди. Алоқачи ҳеч иккиланмай пулемётга ёпишди. Ҳарчанд уринмасин, чап қўлини ишга сололмади, у узилиб тушгандай туюларди. Бир қўли билан пулемёт тепкисини босиб, иккинчи дзотни мўлжаллаб ота бош-

ди. «Қарчиғай! Қарчиғай! Сенга нима бўлди?» йиқ ўртасида эгасиз қолган телефон аппаратидан ргут»нинг овози келиб турарди. Бироқ развед-илар қайиғидан бошқа садо келмади. Нима бўл-Ҳалокат содир бўлгани аниқ эди.

Днепрнинг чап қирғоғидан разведкачилар томон дад кучлар суза бошлади. Улар жуда кўп ва қуд-ли эди. Душманнинг иккинчи дзоти ҳам тинчигач, тоб билан ўнг қирғоққа яқин кела бошладилар. ведкачилар душманнинг тўғон панасидаги энг му-и дзотини тинчитиб, уларга йўл очиб беришганди. Қайиқда разведкачилардан етти киши қолганда ряд тушиб қайиқни парчалаб юборди. Ҳозирги-елкама-елка турган, бир-бири учун жон олиб, н бераётган етти азамат қай томонга учиб кетди, поён дарёда кўз илғамасди. Ҳамид бир зум нима ганини сезолмай қолди. Кучли зарб билан дарё-қулаб тушганини билади, холос. Лекин елкасида-сув ўтмас алоқа аппарати ҳамон сайраб турарди: рчиғай, Қарчиғай, бу мен — Бургутман! Сенга ни-бўлди? Ёрдамга боряпмиз, ёрдамга боряпмиз...» Ҳамид ҳарчанд уринмасин жавоб қайтаролмади. асидаги оғир аппарат уни дарё қаърига тортиб арди. Уни базўр елкасидан ошириб ташлади. ҳолатда дарёнинг қоқ белида қай томонга су-шини билмай турганида, сув остидан бир бўлак иқ парчаси юзага кўтарилди. Ҳамид ўзини ўша чага отди.

Тонг маҳали тўлқин халоскор қайиқ парчасини оғоққа улоқтириб ташлади...

— Солдат тирик кўринади,— дея шивирлашарди шида турган икки аёл...

Ҳамид Самадов бир неча соатдан сўнг санбатда ига келди. Уни бу ерга икки украин аёли елкада тариб келганини элас-элас эслади... Олти ой гос-талда ётиб даволанди. Унга қайта жангга кириш-рухсат бермадилар.

1944 йилнинг февраль ойида Каттақўрғон оппоқ р билан қопланган эди. Темир йўллар қор остида злаган, изғирин совуқ эсади. Улар жангчига Рос-я қишини эслатди. Чунки уруш жароҳати аллақа-н Ватаннинг ҳамма бурчига етиб келганди.

Тонг маҳали. Вокзалда одам сийрак. Онда-сонда раган қари-қартанглар, ногиронлар, гўдаклар юзи-аламли ўкинчни пайқаш қийин эмас.

Узоқ ва оғир жангдан қайтган ҳар бир фарзанд а-она қошига қандай талпинса, чап қўлини елкага ган Ҳамид ҳам уйга шундай ошиқарди. У темир нни кесиб ўтиб, уйга яқинроқ йўлдан бориш учун нцияда тўхтаб турган вагонлар оралаб шошиб иб кетди. Ён томондан ҳолсиз ингичка бир овоз итилди. Ҳамид аввалига уни одам овозига ўхшат-ди. Овоз яна такрорлангандай бўлди. Нимадир граяпти. Ён томондаги ташландиқ будкага кўзи шди. Бир парча жанданинг ичидан муштдеккина ш чиқиб турар, икки кўзи мўлтираб, шинелли сол-тга қўлини чўзганча ҳолсиз талпинар эди. Ҳамид ихтиёр ўша томонга юрди. Солдат бурилганини риб, бола яна инградй. Бу сафар унинг ингроқ алаш: «Амаки, нон...» деган илтижоси эшитилди. Нон? Солдат 20 кунлик йўлда худди ўша нон азо-ни чекиб келарди. Елкадаги халтасини қоқлага-га уч кун бўлди. Лекин икки бўлак сухарисини ти-инг кавагида асраб келарди. У буни жиянига б келаётганини ҳам унутиб, боланинг қоқ суяк лига тутқазди. Бола қанчалар нимжон бўлмасин, харини дарҳол еб бўлди. Солдат ҳамма чўнтак-рини яна бир-бир титкилаб чиқди. Қўлига ҳеч нар-илинмади. Бола нон илинжида қўл чўзиб яна гради: «Амакижон, нон...» Бола киприк қоқмай ту-рди. У этагидан маҳкам ушлаб: «Дадажон, нон ринг», деди. Ҳамид уни даст кўтариб қўлига олди. зларида ёш билан термулар экан, Каменец-По-льский кўчаларида кўрган даҳшатли манзара кўз дига келди.

Ҳозир ўз юртидаги бу манзара ҳам Ҳамидга оз-нча таъсир қилмади. Балки, Каттақўрғонда, уруш-н анча узоқ бўлган юртимда яна тинч, осойишта ётни кўрарман деб ўйлагани учун ҳам шундай олгандир. Балки бу юрак масъум гўдакларнинг троғига дош беролмаётгандир? Балки, ҳеч бир ърифи йўқ сирли ҳислар яширингандир унинг лбида? Шунга ўхшайди. Бу юракнинг олижаноб р хислати борга ўхшайди. Болаларни кўрганда, бу ам ўзини бутунлай унутиб қўяр, бу оламда ўзини қат улар билан бахтиёр, улар билан тирик, улар лан мужассам билар эди.

Солдат икки ярим йил бурун тарк этган эшигини ғ қўлининг тирсаги билан оҳиста туртиб юборди. ллари банд, бири елкасига осиғлиқ, бирида эса: адажон», деб бўйнига маҳкам ёпишган ўғли...

Остонада мункиллаб қолган Самад бува кўринди: ампир!» Беихтиёр қичқирди чол. Ўғлининг атро-дан уч марта айланиб, гўё уни ҳамма бало-қа-лардан халос қилган Манғит момо Ҳамидни бағ-га босди. Улар аввалига Ҳамид нима кўтариб тур-нига эътиборсиздай бўлишди. Бироқ, остонадан тлаган заҳоти боланинг: «Дадажон, нон», деганида л қараб қолишди. Қандай қилиб «дадажон» бў-б қолди?

Манғит момо икки марта боланинг оғзига бир фт-бир кафт талқон тутди. Ҳамид билдики, бу да ҳам нон мўл эмас. Бола энди кампирга талпи-б: «Эна, нон», дерди тинмай.

Самад бува райондаги механизация билим юртида уста эди. Лекин у дуч келган ишни бажараверарди. Ғишт ҳам терарди, сувоқ ҳам қиларди, қоровулда ҳам турарди. Билим юртининг директори Бакиров шунинг учун ҳам устани қўлдан чиқазгиси келмасди. Бироқ устанинг ҳунари қанча кўп бўлмасин, карточкаси битта, суткасига 500 грамм нон оларди, холос. Бу нон чол билан кампирга базўр доим-ризқ бўлиб турган кунда яна икки жон қўшилди. Лекин боланинг тақдирини билган чол-кампир уни ўз бағриларига олдилар. «Боши сузоқлигига қараганда, туркман бўлса керак», деб тахмин қилишди. Бола афтидан гўдаклигидан саргардон қолиб, отини ҳам унутган эди. Қўчқордек бўлиб юрсин деб Қўчқор деган исм қўйишди унга. Бола бечоранинг оғзи ошга етганида касалга чалинди. Оч ва бошпанасиз кунларда совуқ ўз заҳрини ўтказганди. Манғит момо Қўчқорни икки ой қишлоқ касалхонасида олиб ётди. Ниҳоят, тўнғич невара оёққа туриб, оилага қайтди.

Ҳамид шароитга кўра, хасталик ва ногиронликни бир четга суриб қўйиб, ўша пайтда Каттақўрғондаги ишчилар таъминоти бўлимига ишга кирди. Аввал дуч келган вазифани бажариб турди. Ҳамиднинг ишга ҳалол ва виждонан муносабатини кўрган идора бошлиғи Василий Мельник уни таъминот бўлимига маҳсулот тайёрловчи этиб тайинлади. У идорани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда ғайрат кўрсатиб ишлай бошлади.

Шу орада оилага яна бир фарзанд қўшилди. Қўшнилари Зоя хола вафот қилди. Унинг қарамоғидаги Донат деган беш ёшли жияни қаровсиз қолди. Ундан хабардор бўлган Ҳамид ҳеч иккиланмай, уни уйига етаклаб келди. Донат билан Қўчқор икки эгизакдай, бири биридан ажралмасди. Чол-кампир бир тирноққа зор қолган кунларини эслашар, армиядаги Азимжон билан Ропижонга қўшиб невараларни ҳам дуо қилишар эди.

Ҳамид маҳсулот тайёрловчи бўлиб тайинлангач, идора хизмати билан аравада Чироқчига жўнади. Хўжаликлардан сабзи-пиёз дегандай, сабзавот маҳсулотлари келтириш керак эди. Хизмат юзасидан Чироқчида юрганида ҳар куни мачит олдида бир кўриниб, бир ғойиб бўлган ёшгина болага кўзи тушди. Ёнида бароқ ити ҳам бор. Бола ҳар сафар нотаниш йўловчини кўрганда, кучуги билан алланималарни «гаплашиб» қўяди.

Ҳамид суриштириб кўрса бола очлик туфайли Яккабоғда аввал отасини, сўнгра Чироқчида онасини, ака ва опаларини йўқотган экан. Очлик уларни тақдирнинг турли кўчаларига буриб юборган, фақат шу кучуги ундан айрилмаган. Ота-онасини қидириб, у ҳар куни соатлаб мачит айвонида термулиб ўтирар ва ҳар дам, ҳар минутда шу йўлдан онаси ёки отасининг ўтиб қолишига умид боғлар экан.

— Бўлмаса, мен билан юра қол,— деди Ҳамид болани бу аҳволда ташлаб кетишга кўзи қиймай.— Майли, кучугинг ҳам юрақолсин.

Бу сафар Ҳамид «командировка»дан Нуримуҳаммад ва Олапар билан қайтди. Шундай қилиб, оилада уч миллат вакили — туркман, рус ва ўзбек фарзанди бирга яшай бошлади.

Уруш йилларида Каттақўрғон станцияси энг серқатнов темир йўлларидан бири эди. Ҳамид қатнайдиган йўл вокзал орқали ўтарди. У ҳар куни бу йўлда янги бир қисматга дуч келарди. Табиатан болажон бўлган Ҳамид уруш касофатини ўзига хос бошидан кечираётган гўдаклар, болалар тақдирига бефарқ қарай олмасди.

Кунлардан бир кун Ҳамид идорага шинелсиз келди. Кейинчалик ярақлаб турган ҳарбий камари ва хром этиги билан «хайрлашди». Буларсиз у ўзига ярашган қиёфасини йўқотиб асл аравакашга ўхшаб қолган эди.

— Сенга нима бўлди, Самадов?— дея ажабланиб саволга тутди идора бошлиғи В. А. Мельник.— Тинчликми, ўзи?

— Тинчлик,— деди Ҳамид бир оз тортинган қиёфада.

Бошлиқ унинг уст-бошига ишора қилиб:

— Нима бало, уларни сотиб ичдингми?— деди ўзи ҳам бу фикрга қўшилмаган, шубҳали оҳангда.— Арзон сотдингми?

— Ҳа, арзон... Тўрт қадоқ сулига. Болаларимга ўлмас ризқ қиляпман.

— Қанақа болаларингга?— ажабланди бошлиқ.

— Сизга қандай тушунтирсам экан? Кўрсангиз биласиз...— Ҳамид бошқа ифодани тополмай қўшиб қўйди.— Буни ҳеч кимга тушунтириб бўлмайди.

— Болаларинг нечта?

— Ўн учта.

— Дуся, бу нималар деяпти ўзи?— Василий Акимович идора таъминот бўлимининг масъул ходими Евдокия Петровна Ситниковага мурожаат қиларкан, беихтиёр елка қисиб таажубланарди.— У бизни нега лақиллатади? Уйига бориб кўрсанг,— деб топшириқ берди бошлиқ Дусяга.— Кўзинг билан кўриб кел. Бу ерда бир гап борга ўхшайди.

Дуся хола бу хонадонга қадам қўйдию бутунлай боғланиб қолди. Унинг ҳар келиши болалар учун алоҳида байрам эди. Идора бошлиғи ҳам болалардан шахсан хабар олиб турди. У энг оғир кунларда ҳам Ҳамиддан фарзандлар аҳволини суриштириб туришни канда қилмади.

— Болам, бошингни иккита қилсанг бўларди,— Манғит момо Ҳамидни қистарди.— Болаларингга ҳам яхши бўларди.

— Биламан,— Ҳамид ўзини оқлаган бўлиб сўз қотди,— чарчаб қолдингиз, онажон. Қўчқор билан Лиза, айниқса, ёш. Улар сизнинг қучоғингиздан чиқишмайди. Чарчаб қоляпсиз.

Ҳамид билан Самад бува эрта ишга кетиб кеч қайтишади. Шу болаларнинг ризқи деб ўзларини ўтдан-ўтга, сувдан-сувга уришади. Оғир куни қурсин, аввал иккита карточка билан олинадиган нонга қаноат қилишга тўғри келарди. Кампир сигир соғарди, лекин ҳеч қачон соққан сути қатиқ бўлмасди. Болалар пешма-пеш ичиб қўйишарди. Энди эса бошлиқ топшириғи билан ҳар куни бир пақир борщчми, бўтқами келиб турарди. Лекин оч ичакка бу ҳам юқ бўлмасди.

Шундай шароитда Ҳамидга қараб қолган қиз бормикан? Кимга керак ўн уч болалик бўйдоқ йигит? Албатта, унинг қалби ва саховатига ҳамма — кимки юрагидан хабардор бўлса, тан бермай иложи йўқ эди. Бу болажон қалбга тан бериб, меҳр қўйганлардан бири ўн тўққиз ёшли масъума қиз — Санобар бўлди. У келинлик либосини киймай туриб ўзини она деб билди. Ўн уч фарзандни оқ ювиб, оқ тараб бағрига олди. Бу орада Манғит момонинг қариндошларидан бири вафот қилиб уч фарзанди етим қолди. Фарзандлар сафи 16 тага етди. Санобар ҳам олти фарзанд кўрди. Оилада йигирма икки фарзанд камолга ета бошлади. Биринчи бўлиб Арслонга келин тушириб беришди. Келгуси йили Ҳамид ака билан Санобар опа неварали, Самад бува билан Манғит момо чеварали бўлишди. Зебунисони узатишди.

Улуғ Ватан уруши Совет Армиясининг ғалабаси билан тугагач, аста-секин яхши кунлар бошланиб, тўйлар тўйларга, орзу-ҳавасларга уланиб кетди. Фарзандлари бирма-бир вояга етиб, ота-она меҳри ва кўмагида ҳаётда мустақил йўл танлай бошладилар.

Ҳамид ака ва Санобар опа турли миллат ва элат фарзандларига оталик-оналик қилдилар. Эндиликда улар камолга етиб, мамлакатнинг ҳамма жойларида яшамоқдалар. Каттақўрғон эса уларнинг паспортида ота-она юрти ҳисобланади.

ХАМИД ака билан тез-тез учрашиб турамиз. У аслида ҳеч қандай алоҳида жасорат кўрсатганга ўхшамайди. У ҳамон ўша шинелсиз ва этиксиз қолган кунлардагидек хоксор, камтар ва доимгидай меҳрибон. У Москвада чиқадиган ҳам ёзувли, ҳам овозли «Кругозор» журналининг махсус бир сони уруш йилларида ватандошларнинг ўн олти фарзандини тарбиялаб олган Ҳамид ака билан Санобар опа саховатига бағишланганини ҳам, Киев телевидениеси ишлаган «Братство» («Қардошлик») номли ҳужжатли фильмнинг новеллаларидан бирида ўзбек солдатининг ҳаёти ва жасорати ҳақида ҳикоя қилинганини ҳам гўё унутгандай. Булар унинг сокин ва камтарин ҳаётига заррача виқор юқтира олмаганини кўрамиз.

Инсон одатда, ҳар қандай таъриф ва тавсифнинг рангсизлигидан, ҳар қандай сўзнинг ожизлигидан, энг буюк ҳодисаларга баҳо беришдан қийналади. Адолат ҳақи, бу оиланинг жасоратини нимага қиёслаш мумкин? Тоғми? Чинорми? Дарёми? Хўш, уларнинг қайси бири гўдак инграганда акс-садо бера олади? Қайси бири йиғлаган гўдакни овута олади? Энг оғир кунларда турли миллатдан иборат 13 фарзандни ўз тарбиясига олган уруш инвалидининг жасоратига қиёс йўқ. Шунинг учун ҳам унинг қадр-қиммати тоғлардан баланд, чинорлардан юксак бўлиши керак!

Мана шу ўринда уруш тўфонларини бошдан кечирган Леонид Ильич Брежневнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: «Туғилиб ўсган жойларини, ўз фабрика ва заводларини, ўз далаларини шафқатсиз уруш вақтида ташлаб кетишга мажбур бўлган миллионларча хотин-қизлар ва болаларга, кекса оталаримиз ва оналаримизга ўзбек халқи қон-қардошдек ўз уйларининг эшикларини кенг очиб қўйганлигини, уларни бағрига олиб, тирикчилик қилишларига кўмаклашганлигини ҳам барча совет кишилари яхши эсда тутадилар. Буни унутиш асло мумкин эмас, ўртоқлар».

Ҳамид Самадовлар оиласининг тўлиқ сонини айтиш ҳам амримаҳол. У ғил-қизлар, невара-чеваралар 100 га етиб қолгани аниқ, бироқ бу ҳам энг сўнгги маълумот бўлолмайди. Сабаби, фарзандлар Иттифоқимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшашади, чунончи, Иван — Свердловскда, Қўчқор — Оренбургда, Керим — Пермда, Арслон — Куйбишевда ва ҳоказо. Бундан икки йил муқаддам Ҳамид аканинг 70 ёшини қутлагани тўпланишганда Каттақўрғондаги чоғгина ҳовлига сиғмай қолишди. Бироқ кекса солдатнинг бағри кенг, бу ерда уларнинг барчасига доимо жой топилади.

Яхши ният билан гул ўстирган, боғ кўкартирган одам нимани ўйлайди? Унинг кўзига ўша боғларнинг баҳоридан бўлак нарса кўринармикан? Инсон баҳори Самадовлар сулоласининг томир-томирида, Ҳамид ака боғларида яшамоқда. Бу баҳорнинг мангулигига ишонгим келади.

ТОҒ НЕЪМАТЛАРИ

Завод лабораториясининг ойнаванд расталарида шиша идишлардаги турли мева шарбатларига кўзингиз тушади: дўлана шарбати, олма шарбати, тут шарбати, узум шарбати, зирк шарбати, ёнғоқ мураббоси, атиргул мураббоси, анзур пиёзи...

— Тоғларда ёввойи ҳолда ўсадиган мевалари териб ташиб келтириш анча қийин кўчади,— дея изоҳ беради завод директори Баҳриддин Аловиддинов.— Лекин табиатнинг бу неъматлари инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Мана, масалан, қорақант — зиркни олинг. Унинг шарбати юрак-қон томирлари ва қанд касалликларига даво. Анзур пиёзи ҳам худди шундай шифобахш хусусиятларга эга. Халқимиз тоғ ҳавоси — дард давоси, деб бежиз айтмайди. Тоғ неъматлари инсон саломатлиги учун зарур бўлган витаминларга бой. Шунинг учун ҳам корхонамиз коллективи ўрмон хўжаликлари билан ҳамкорликда аҳолига турли хил маҳсулотларни кўпроқ етказиб беришга аҳд қилган. Хисор тоғ тизмаларидаги Ғилон, Қойни, Башир, Мироқи, Тамшуш, Чўнғирак, Чакка каби қишлоқлар атрофида зирк, дўлана, анзур пиёз сингари тоғ мевалари ўсади. Биз Башир ва Сарпароз қишлоқлари атрофида 300 гектар ернинг атрофини сим тўр билан ўраб, унда анзур пиёзини маданий усулда етиштиришни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, шартнома асосида Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ўрмон хўжаликларидан тоғ меваларини қабул қилаётирмиз.

— Ҳозир заводда неча хил маҳсулот тайёрланмоқда?

— Заводимизда саксон икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда,— деди Баҳриддин ака.— Шу йилдан бошлаб ёнғоқ, тут ва атиргул мурабболари, равоч шарбатини ишлаб чиқара бошладик. Бу маҳсулотлар хушхўрлиги ва турли витаминларга бойлиги билан қимматлидир. Корхонамиз коллективи ўтган йили плондаги 81 миллион ўринга, 87,7 миллион банка маҳсулот ишлаб чиқарди. Заводимиз маркаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар БАМ қурувчиларига, КамАЗ автомобилсозларига, Иттифоқимизнинг марказий шаҳарларига, шунингдек, социалистик мамлакатларга ҳам жўнатилмоқда.

Корхонамиз ишчилари барча совет халқи сингари партиямизнинг май Пленуми қарорларини қизғин кутиб олди. Ҳар бир цех коллективи мамлакатимиз Озиқ-овқат программасини пухта ўрганмоқда ва ўз зиммасига оширилган мажбурият олмоқда. Озиқ-овқат программасида халқимизни кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш кўзда тутилган. Бу муҳим сиёсий ҳужжат республикамизнинг барча меҳнаткашлари қаторида заводимиз ишчиларининг ҳам куч-ғайратларини жўш урдириб юборди. Биз беш ойлик реализация планини бажардик. Бу йил коллективимизнинг кучи билан қарийб 88 миллион банка мева, сабзавот маҳсулотлари тайёрланади.

Директор билан бўлган қисқа суҳбатдан сўнг бош инженер Юрий Михайлов билан завод цехларини айландик. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари поток усулида ташкил этилган. Линиялардан оқиб келаётган мева ва сабзавот маҳсулотлари сиркалаш, шарбат ва томат цехларига оқиб келмоқда. Станоклар олдида турган оқ халатли кишиларнинг қўлиқўлига тегмайди. Маҳсулотлар дастлаб артиб-тозаланади, сўнгра, навбатдаги линияга узатилади, навбатдаги линияда эса, шиша идишларга зудлик билан жойланади. Маҳсулот солинган шиша банкалар ва баллонлар транспортерларда қопқоқлаш бўлмасига жўнатилади. Тайёр банка ва баллонлар этикеткалаш хонасига узатилади ва уларга завод маркаси ёпиштирилади.

Завод маркасининг шуҳратини таъминлашда илғор ишчилар айниқса намуна кўрсатмоқдалар. Томат цехи бошлиғи Раҳмон Ерматов, шарбат цехи бошлиғи Сония Корнева, фильтрчи Уроқ Саломов, прессловчи Санд Жабборов, бутловчи Мунира Эшқувватова, жойловчи Улбозор Жўмаева, яшик ясовчи усталар Санд Бозоров, Аҳмад Раҳмонов ва бошқалар ўзларининг самарали меҳнатлари билан коллектив ўртасида эътибор қозонмоқдалар.

— Заводимиз икки йил давомида таъмир қилинди,— деди Юрий Михайлов бизни ишлаб чиқариш жараёни билан таништираркан.— ЛАНГ—480 маркали янги линиялар ўрнатилиши натижасида цехларнинг қуввати ортди. Янгидан ўрнатилган механизмлар бизга вақтни тежаш ва ишлаб чиқариш жараёнлари суръатини тезлаштириш имкониятини бермоқда. Бу билан биз партиямиз Марказий Комитетининг май Пленумида таъкидланганидек, маҳсулотларнинг сифатли бўлишига, нобудгарчиликнинг олди олинишига эришмоқдамиз. Лекин бу ҳамма муаммолар ҳал бўлди, деган гап эмас. Ҳозиргача уй-жой фондига эга эмасмиз. Болалар муассасалари ҳам етишмайди. Юз ўринли боғча эса ишчи ота-оналарнинг эҳтиёжини қондиролмаётир, малакали ишчиларга муҳтожлик сезилаётир.

Табиийки, уй-жой ва болалар муассасаларининг етишмаслиги туфайли заводда кадрларнинг қўнимсизлиги ҳоллари учраб туради. Шу боисдан кор на маъмурияти ёзги долзарб мавсумда кўпинча ч дан ишчи кучи ёллашга мажбур бўлаётир.

Шаҳрисабз консерва заводининг ташкил этил нига яқинда ўттиз беш йил бўлди. Унинг ишлаб қариш қувватини янада ошириш, малакали иш кадрлар тайёрлаш муҳим масаладир. Башир, А Қушчи, Ғилон, Қорабулоқ сингари тоғ қишлоқлари яшаётган кишиларнинг ҳамда мутахассисларн эътироф қилишларича, табиий униб-ўсаётган анз пиёзи, зирк, дўлана, равоч каби табиат неъматла ни вақтида йиғиштириб олиш учун ишчи кучи ети маслиги оқибатида ҳар йили уларнинг кўп қисми н буд бўлмоқда. Бу ўринда шундай мулоҳаза билд ришни истардик: кейинги йилларда саноат корхо ларини малакали кадрлар билан муттасил таъми лаш мақсадида ўша корхоналар қошида ихтисос ишчилар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юр лари ташкил этилмоқда. Шаҳрисабз консерва за ди қошида ҳам худди шундай билим юрти ташк этилса, айни муддао бўлур эди. Бу масалани Ме ва сабзавот хўжалиги министрлиги республика Ҳ нар-техника давлат комитети билан ҳамкорлик қанчалик тез ҳал этса, шунча яхши бўларди. Ай вақтда мазкур министрлик завод учун уй-жой фо ди ажратиш, корхонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамлаш тадбирларини ҳам кўради, деб умиддамиз. Ана шунда корхона коллективининг и конияти кенгаяди, заводнинг ишлаб чиқариш салм ғи ортади. Масалан, агар заводда ҳозир бир йил анзур пиёзининг ўзидан 103 минг банка тайёрлан ётган бўлса, бундай ноёб неъматни камида бир яр баравар кўп ишлаб чиқариш имконияти яратилад

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пл нуми қабул қилган 1990 йилгача даврга мўлжалла ган Озиқ-овқат программасида озиқ-овқат саноа ходимларининг вазифаси аниқ белгилаб берилд «Ўн йил ичида, дейилади программада,— матлуб кооперацияси корхоналарида колбаса маҳсулотл ри ишлаб чиқариш 1,5 баравар, консервалар ишла чиқариш 1,4 баравар ва кондитер маҳсулотлар иш лаб чиқариш 1,7 баравар кўпайтирилсин».

Шубҳа йўққи, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсу лотлари мўл-кўллигини таъминлашга қаратилга улуғвор программани амалга ошириш учун Шаҳр сабз консерва заводининг ишчан коллективи ҳа барча имкониятларни ишга солиб меҳнат қилади.

Шомурод СИДДИҚ

Консерва заводининг илғор бригадири Ойша Жумаддинова (чапда) ва технолог Роза Георгизова ёшларнинг ғамхўр мураббийларидирлар.

Лаборантлар Земфира Жабборова (чапда) ва Фотима Абдуллаева янги маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар.

ИЖОДИМИЗНИНГ БОШ МАВЗУИ

Шароф Рашидов публицистикаси ҳақида

АТОҚЛИ адиб Шароф Рашидовнинг «Художественная литература» нашриётида чоп этилган танланган асарлар беш томлиги Бутуниттифоқ маданият хазинасидан муносиб ўрин олди ва
ча мунаққидларимиз томонидан
та адабий ҳодиса сифатида баҳо-
ди. Адибнинг оташнафас публи-
т, адабиётшунос ва танқидчи си-
тида ҳам мамлакатимизда кенг
илиши, унинг истеъдоди ниҳоятда
қирралигини кўрсатиб турибди.
роф Рашидов публицистикаси
римизнинг энг муҳим муаммола-
нинг ёритилиши ва ғоявий-сиёсий
клиги билан ажралиб турса, ада-
-танқидий мақолалари ўзбек ада-
тининг ривожланишига салмоқли
сир кўрсатиб келмоқда. Айниқса,
нг халқлар дўстлиги ва интерна-
онализм проблемаларини ёритиш-
адабиётшунослигимизга қўшаёт-
ҳиссаси ғоятда улкандир.
Халқлар дўстлиги, интернациона-
зм Шароф Рашидовнинг «Ғолиб-
», «Бўрондан кучли», «Қудратли
қин» романларининг, «Кашмир
шиғи» қиссасининг, деярли барча
блицистик ва адабий-танқидий ма-
лаларининг асосий проблемалари-
н ҳисобланади. Адиб қатор публи-
стик ва адабий-танқидий мақола-
рида совет адабиётида, хусусан,
бек адабиётида интернационал
фоснинг кучайиши жараёнини таҳ-
л қилар экан, унинг илдизларини
восита турмуш тарзимизда, тарақ-
ётимиз диалектикасида, «янги та-
хий бирлик — совет халқининг
клланиши»да кўради. «Интерна-
онализм,— деб ёзади Шароф Раши-
в «Октябрь билан ҳамнафас» ма-
ласида, — совет кишиларининг
тун моҳиятини, уларнинг онги, пси-
логияси ва ахлоқининг асосини
шкил қилади. Ҳар бир кишининг,
қайси миллатга мансублигидан
тъи назар, вужудга келган тарихий
рлик — совет халқига мансублиги-
ҳис қилиш туйғуси, халқимиз ва
поён Ватанимизнинг муваффақият-
ри билан, қардош социалистик
млакатлар ютуқлари билан фахр-
ниш туйғуси, бутун дунёни рево-
цион қайта қуриш ишига камар-
сталигини ҳис қилиш туйғуси со-
алистик жамият кишисини харак-
рловчи асосий хусусиятлардир».
Шароф Рашидов совет адабиёти-
нг интернационал характери юза-
дан «Дружба народов» журнали
дакциясининг саволларига берган
вобида ҳам адабиёт ва санъатда
тернационализм масаласининг тур-
қирраларини ёритиб берди. У
тернационализмнинг моҳиятини
Маркс ва Ф. Энгельснинг «Бутун
нё пролетарлари, бирлашингиз!»
иорида, унинг Улуғ Октябрь социа-
стик революциясининг ҳаракатлан-
рувчи кучи бўлганлигида, ленинча
иллий масаланинг ҳал қилинишида,
ммунистик партиянинг бутун фао-
яти давомидаги ленинча доно сиё-
тида кўради.
Адабиёт ва санъатда миллийлик ва интернационализм бир-бирини инкор қилмайди, балки бири иккинчисини тақозо этади. Шароф Рашидов социализм шароитида миллатларнинг ривожланишидаги икки тенденциянинг, яъни «гуллаб-яшнаш орқали яқинлашиш, яқинлашиш орқали гуллаб-яшнаш»нинг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда амалга ошишини кўрсатади. Бу икки тенденция, айни вақтда, адабиёт ва санъатда интернационализм ва миллийлик нисбатини ҳам, уларнинг ривожланишидаги икки тенденцияни ҳам белгилаб беради. Адиб «Дружба народов» журналининг саволларига берган жавобида таъкидлаганидек: «Интернационализм тушунчаси миллийлик тушунчаси негизида юзага келади, ўз навбатида миллийлик тушунчасини бойитади. Бу мураккаб, аммо қонуний ва реал диалектик жараёндир!» Лекин адиб алоҳида уқтирганидай, бунда интернационализм тобора етакчи мавқега эга бўла боради.

Шароф Рашидовнинг фикрича, совет адабиётида дастлаб интернационал мавзуси М. Горькийнинг революциягача яратган «Италия эртаклари», К. Фединнинг «Шаҳарлар ва йиллар», Вс. Ивановнинг «14—69 бронепоезди», Д. Фурмановнинг «Исён», А. Фадеевнинг «Сўнгги удегей» ва бошқа асарларда совет гуманизми билан бир бутун ҳолда намоён бўлган. Адиб бир гуруҳ истеъдодли рус ёзувчилари 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошларида Ўрта Осиёга ижодий сафар қилганларини, Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги инқилобий ўзгаришларни бадиий тасвирлаганларини, қардош халқлар ёзувчилари ўзаро муносабатлари активлаша бориши туфайли «ижодий ва ғоявий — интернационал муҳит»нинг юзага келганлигини, натижада кўпмиллатли совет адабиётининг истиқболи учун замин яратилганлигини таъкидлайди.

Ўзбек совет адабиётига интернационал мавзунинг кириб келиши ижодкорларнинг совет воқелигини, турмуш тарзини, миллатлар ўртасидаги янгича принципиал муносабатлар моҳиятини чуқур англаш, улуғ рус адабиётини атрофлича ўрганиш билан боғлиқдир. Зеро, ўзбек совет адабиётининг йирик вакиллари ижодида худди ана шунинг натижасида интернационализм кучли пафос билан намоён бўлади.

Адабиёт ва санъатда интернационализм ҳамда ватанпарварлик мавзулари чамбарчас боғланиб кетади. Шунинг учун ҳам Шароф Рашидовнинг фикрича, инқилобий мавзу, Улуғ Ватан уруши мавзуси ҳали узоқ вақтлар давомида адабиёт ва санъатимизнинг асосий мавзуларидан бўлиб қолаверади. Чунончи, Улуғ Ватан уруши даврида совет халқининг интернационализми оғир синовдан ўтди. Фашизмга қарши курашнинг энг қийин пайтларида ўзбек халқи ҳам фронтда, ҳам мамлакат ичкарисида жасорат кўрсатиб, буюк ғалабага катта ҳисса қўшди. Мамлакатимизнинг ғарбий районларидан кўчириб келтирилган 100 дан ортиқ саноат корхонаси қисқа вақт ичида жойлаштирилди ва маҳсулот бера бошлади, фронтга ҳарбий-техника, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак жўнатиб турилди, фронт районларидан эвакуация қилинган етим болалар Ўзбекистонда ота-она меҳрини топдилар. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов билан унинг рафиқаси Баҳри Акрамова турли миллатга мансуб 15 болани ўз тарбияларига олдиларки, бу совет гуманизмининг, социалистик интернационализмнинг буюк қудратини бутун дунёга намойиш қилди. Бунга ўхшаган оилалар республикамизда жуда кўп. Шароф Рашидов Тошкентда СССР халқлари дўстлиги монументининг очилиши муносабати билан ёзилган публицистик мақоласида уқтирганидек, оғир уруш йилларида совет кишиларининг бутун бир авлодини Ватан учун, ҳаёт ва келажак учун сақлаб қолган Ўзбекистон халқининг буюк интернационал жасорати ҳақида, ўзбекистонлик оналарнинг меҳрибонлиги ва қалб саховати тўғрисида қўшиқлар тўқилди, ажойиб китоблар ёзилди. Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри ва Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» балладаси социалистик интернационализм мавзусида яратилган классик асарлар бўлиб қолди, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи қардош халқлар тилларига ва кўпгина чет тилларга ҳам таржима қилинди. Григорий Марьяновскийнинг «Минг бир тақдир» қиссаси ва бошқа кўплаб асарлар яратилди, Тошкентда СССР халқлари дўстлиги монументи ўрнатилди. «Дўстлик монументи,— деб ёзади атоқли адиб, — ўзбек халқининг жасоратини санъаткор бронза воситасида гавдалантирган совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг ғоят зўр маъноли ажойиб тимсоли тарзида абадийлаштиради. Бу — Ўзбекистон оналари улуғлиги ва сахий қалбига қўйилган монументлар шонли ғалабамизга қўйилган яна бир ёдгорликдир».

Шароф Рашидов республикамиз тараққиётининг ҳамма босқичларида интернационализм мавзуси учун қизиқарли материаллар, ажойиб фактлар, ҳодисалар истаганча топилишини кўрсатади. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон майда деҳқон хўжалигидан юксак индустрияга эга республикага айланди. Ҳозирги вақтда республикамизнинг юздан ортиқ саноат тармоғида озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб самолётгача ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон индустриясининг вужудга келишида РСФСР ва бошқа тараққий этган республикаларнинг мутахассислари ва ишчилари катта ёрдам кўрсатиб, ўзларининг интернационал бурчларини ўтадилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шундай гигант қурилишлар борки, улар СССРдаги барча миллат ва элатларнинг кучи билан бунёд бўлмоқда. БАМ ва КамАЗ тўлиқ интернационал қурилишлардир. Россиянинг Ноқоратупроқ зонаси барча иттифоқдош республикалар томонидан ўзлаштирилмоқда. 1966 йилда Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда бутун мамлакат иштирок этди. Ўз навбатида, Ўзбекистон қурувчилари ҳам Доғистонда ва Қирғизистоннинг айрим районларида зилзила, шунингдек, Тбилиси ва Чоржўйда сув тошқини оқибатларини тугатишда актив қатнашдилар. Шароф Рашидов буларнинг ҳаммасини СССРдаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча ҳамкорлиги, мақсад ва интилишларининг муштараклиги, социалистик интернационализмнинг меваси сифатида талқин этади.

Ўзбекистоннинг қардош республикалар олдида ўз интернационал бурчини бажариши кўп жиҳатдан, бевосита пахтачиликни юксак суръатлар билан ривожлантирилишига боғлиқ. Пахтачиликни ривожлантиришни эса қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозир Ўзбекистоннинг чўл зонасида қарийб 100 миллат вакиллари қўлни қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Қарши, Жиззах, Сурхон — Шеробод чўлларининг ўзлаштирилишида ҳам совет халқининг интернационализми тўлиқ намоён бўлмоқда.

Маълумки, Шароф Рашидов кўпгина халқ иншоотларининг қурилишида бевосита иштирок этган. Урушнинг энг оғир кунларида қурилган Фарҳод ГЭСида турли миллат вакилларидан 75 минг киши қатнашди. Бу нурхона бунёдкорларининг меҳнатдаги мисли кўрилмаган жасоратлари узоқ вақт давомида адибни тўлқинлантирди. Ш. Рашидов катта ижод тажрибаси орттириб, «Қудратли тўлқин» романини ёзишга киришди ва бу роман ҳақли равишда совет китобхонларининг севимли асарлари қаторидан ўрин олди. «Мен ниҳоятда аниқ ва ҳаяжон билан эслаган нарсалардан энг муҳими, — дейди атоқли адиб «Дружба народов» журналининг саволларига берган жавобида, — меҳнатчиларнинг буюк қардошлиги эди. Ўзинг билан ёнма-ён туриб ишлаганлар туғишгандан ҳам аъло бўлиб қолган, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини тушуниши ҳукмрон эди. Мен ёзган қурилишда ҳам, совхозда ҳам ягона оилани ташкил этувчи кўпмиллатли кишилар ишлаган эди».

Адабиётда интернационализм мавзусини ранг-баранг бадиий усуллар воситасида тасвирлаб бериш мумкин. Лекин Ш. Рашидов алоҳида таъкидлаганидек, турли миллат вакиллари образини яратиш ижодкорга катта масъулият ҳам юклайди. Чунки бунда ҳар бир миллат вакилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг камол топган муҳитини, фикрлаш тарзини ва психологиясини ҳар томонлама аниқ ёритиш керак бўлади. Миллий хусусиятлардан маҳрум бўлган образлар эса интернационализм мавзуининг қимматини пасайтиради. Адабиётда «икки томчи сувдай» бир-бирига ўхшайдиган образларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Адабиётда интернационализм фақат мавзу орқалигина намоён бўл-

майди. Атоқли ёзувчимиз уқтирганидек, «...адабий ҳаётимизнинг интернационализми қотиб қолган жараён бўлмай, жонли, ранг-баранг жараёндир. Бу жараён унинг шунчаки фазилати бўлиб қолмай, балки унинг собитқадамлигида, мавзусидагина эмас, балки ёзувчининг позициясида ҳам ўз аксини топади». Шунинг учун ҳам адиб адабиётда интернационализмнинг турли шаклларда намоён бўлишини кўрсатади.

Адабиётнинг интернационал пафоси бутун прогрессив инсоният доҳийси В. И. Ленин образининг яратилишида ҳам намоён бўлади. Шароф Рашидов 40-йилларнинг охирларидан бошлаб ўзбек адабиётида В. И. Ленин образини яратишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, ўзбек ленинномасининг ютуқларига алоҳида эътибор билан қараб келади. У мақолаларида Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Мақсуд Шайхзода К. Яшин, Назир Сафаров, асарларида В. И. Ленин образи зўр муваффақият билан яратилганлигини, кейинги даврда Миртемир, Ҳамид Ғулом, Зулфия, И. Раҳим, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, А. Мухтор, Эркин Воҳидов ва бошқа ижодкорлар асарлари билан ўзига хос равишда бойиб бораётганлигини қайд қилади.

Ҳозирги кунда халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришаётган ютуқларимиз, халқаро майдонда эришаётган барча муваффақиятларимиз Ленин партияси фаолияти натижасидир. Давр талабини чуқур ҳис қиладиган, ҳар ишда бош-қош, фидоий, соф виждонли коммунист образининг адабиётимизнинг асосий қаҳрамонига айланаётганлиги табиий бир ҳолдир. Отаиин ватанпарвар ва интернационалист — коммунист образининг яратилиши ҳам адабиётимизнинг интернационал пафосини чуқурлаштиради. Ш. Рашидов «Октябрь билан ҳамнафас» мақоласида ёзганидек: «Интернационализм — коммунистнинг бутун фаолиятига, ҳаётининг мағиз-мағзига сингиб кетган муқаррар хусусиятлардан биридир». Узбек адабиётида яратилган энг яхши коммунист образлари бунинг яққол далилидир.

Социалистик реализм методининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, меҳнат кишиси унинг ҳақиқий қаҳрамонига айланган. СССРда меҳнат кишиси бугунги кунда биргина ўзи учун, миллий манфаатлари учун эмас, балки умумдавлат манфаатларини ўйлаб меҳнат қилади, ўз меҳнати натижаларини ҳам умумдавлат нуқтаи назаридан баҳолайди. «Кўп миллатли совет адабиёти таркиб топган кундан бошлаб,— деб ёзади адиб,— тўла бадиий қувват ва табиий йўсинда меҳнат кишиси, собит интернационалист образи яратилмоқда. М. Горькийнинг Павел Власови, Фадеевнинг Левинсони, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»даги Ғофири, Шолоховнинг Давидови, Николай Тихонов, Павло Тичина, Якуб Колас, Аветик Исаакян, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжонларнинг лирик қаҳрамонлари, Ираклий Абашидзенинг, шунингдек, Садриддин Айний, Мухтор Авезов, Ойбек, Берди Кербобоевнинг романларида, Комил Яшиннинг инқилобий драмаларида бутун борлиғи билан содиқ интернационалчи сифатида намоён бўлувчи қаҳрамонлар бунга яққол мисол бўла олади».

Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бир-бирларини бойитиши бу адабиётларнинг тобора «гуллаб-яшнаш орқали яқинлашишлари, яқинлашишлари орқали гуллаб-яшнашлари» ягона интернационал — коммунистик маданиятни вужудга келтириш жараёнини тезлаштиради. Бунда, айниқса, бадиий таржима ҳамда ягона умумий тил проблемасининг ҳал қилиниши катта роль ўйнайди. «Бутун дунё прогрессив маданият арбоблари,— деб ёзади Ш. Рашидов «Дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик тили» китобида,— Совет Иттифоқида ҳозирги замоннинг иккита актуал масаласи — адабиётни, шу жумладан, бадиий адабиётни таржима қилиш масаласи ҳамда ягона алоқа воситаси бўлмиш умумий тил масаласи муваффақиятли ҳал этилганлигини якдиллик билан эътироф қилмоқдалар».

Жаҳон адабиётига Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Толстой, Достоевский, Чехов, Горький каби даҳоларни етказиб берган буюк рус халқининг тили барча қардош халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтиришда, миллий маданиятлар ва адабиётларни ўзаро яқинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Рус тили халқларимизнинг кундалик ҳаётида қанчалик катта роль ўйнамасин, Ш. Рашидов фикрича, у ғоявий мухолифларимиз даво қилаётганларидай миллий тилларни сиқиб чиқармайди, балки «...халқларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ишонч қарор топган бир вазиятда миллий тиллар тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини ўзаро бойитиш асосида ривож топмоқда».

Миллий маданиятларнинг ўзаро яқинлашувида бадиий таржима ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу проблемани ҳал қилишда ҳам рус тилининг роли беқиёсдир. У рус ва бошқа қардош халқлар адабиётларининг энг яхши асарлари ҳамда жаҳон классик адабиётининг ноёб дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда ўзбек адабиёти энг яхши асарларини рус тили ва у орқали қардош халқлар тилларига ҳамда хорижий тилларга таржима қилинишида ҳам катта роль ўйнамоқда. Ш. Рашидов, «Дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик тили» китобида миллий адабиётлар асарларининг рус тилига таржима қилиниши орқали ўзининг иккинчи ҳаётини бошлашини алоҳида уқтиради. Бундай таржима туфайли кўпгина ўзбек адибларининг асарлари Бутуниттифоқ маданияти хазинасидан муносиб ўрин олмоқда, айримлари эса чет эл китобхонларининг ҳам севимли мулкига айланиб бормоқда. Шароф Рашидов Узбекистон ёзувчиларининг VII съездида сўзлаган нутқида Георгий Марков ва Николай Тихонов, Вадим Кожевников ва Николай Грибачев, Константин Симонов ва Анатолий Софронов сингари ёзувчилар, Наум Гребнев, Сергей Север Римма Казакова ва бошқа таржи ларнинг бу соҳадаги фаолиятла юқори баҳолади. Адиб бадиий жима масаласига жуда катта ма лиятли иш сифатида қараб, уни « маънода олиб қаралганда, умум лат, умумпартиявий проблема» д жасига кўтаришни ва «таржима фати билан бизнинг маданий қ лишимиздаги энг муҳим масала дан бири сифатида шуғулланмоқ зим»лигини уқтиради.

Қардош совет республикала ўтказиладиган адабиёт ва санъат кадалари, ҳафталиклари, фестива ри, кунлари, рус ва бошқа қар халқлар адабиётларининг класси ри, совет адабиётининг кўзга кў ган вакиллари юбилейларининг казилиши ҳам, Шароф Рашидов ганидек, миллий адабиётларнинг ро бойиши ва меҳнаткашларни тернационал рухда тарбиялашда ҳим роль ўйнайди.

Ш. Рашидов «Литературная г та»нинг мухбири Антонино Григе лан суҳбатида кўп миллатли с адабиётининг бир бутунлигини кў тиш учун уни боққа қиёслаган «...кўп миллатли совет адабиёти қида ўйларканман, ҳар ҳолда, уни боғ сифатида халқимизга кўп барчага бирдек қувонч бахш эту аммо мазаси турлича мевалар бе чи, гуркираб ўсган боғ сифатида саввур этаман!». Совет адабиётин бутун моҳиятини ифодаловчи — ж муваффақиятли топилган қиёс б

Хуллас, атоқли адиб Шароф шидов совет адабиёти, хусусан, бек адабиётида «турмуш ва ижо мизнинг лейтмотиви» бўлган ин национализм проблемасини тоб чуқур ва атрофлича тадқиқ этаёт лиги адабиётшунослигимизнинг вожланишига муносиб ҳисса бў қўшилмоқда. Бу тадқиқотлар ўз батида, адибларимиз эътибор давримизнинг энг муҳим масала рини ёритишга йўналтиришда к роль ўйнаши шубҳасиздир.

Эркин БОЗО



В. Д. Соколовский номидаги маккажўхорикорлик совхози Арнасой районида янги ташкил топган хўжаликлардан ҳисобланади. Бу йил 1 минг 400 гектар майдонга маккажўхори уруғи қадалган. Янги совхоз миришкорлари ҳар гектар ердан 100 центнердан «қахрабо дон» етиштиришга аҳд қилганлар. Суратларда: (чапдан) илғор бригада бошлиғи Аҳмаджон Маматов, совхоз бош агрономи Мирза Отончаев, 1-бўлим бошқарувчиси Масардин Ширинов ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда.

Совхознинг илғор механизатори Эркин Дўстмуродов.

А. Жданов фотоси

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ

«БУХОРОВУ СУҒДУ САМАРҚАНДУ ЧОЧ...»

ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРДА ТОШКЕНТ ТАВСИФИ

Ёқубжон ЖУРАЕВ,
филология фанлари кандидати

ғна ва ҳамиша навқирон Тош-
мамлакатимизнинг энг йирик ва
п шаҳарларидан биридир. Қарийб
иллион аҳолига эга бўлган бу-
и интернационал Тошкент СССР
лари қардошлиги ва дўстлиги-
ҳақиқий рамзи, тинчлик ва ҳам-
ик марказларидан ҳисобланади.
КПСС Марказий Комитетининг
секретари, СССР Олий Совети
ндиумининг Раиси ўртоқ Л. И.
жнев республикамизга Ленин ор-
и топширилиши муносабати билан
аган нутқида алоҳида таъкидлаб
Дарҳақиқат, «вайроналардан
а тикланган, юксак даражада ри-
ланган индустрия ва катта фан
ри, улкан маданият марказлари-
бири, ёзувчилар ва кинемато-
рчиларнинг энг катта жаҳон анжу-
лари ўтказиладиган жой бўлмиш
жент СССР халқлари қардошлиги
дўстлигининг инсон қўли билан
ад этилган рамзи бўлиб, иттифоқ
республикаларининг пойтахтлари
румида Шарқ юлдузи каби пор-
турибди».
лоҳида таъкидлаб айтиш керакки,
от ҳокимияти даврида Тошкент
Раси таниб бўлмас даражада ўзга-
ди. Унинг барида кўп қаватли
уйлар, кўркам кўчалар, хиёбон-
қад кўтарди. Тошкентнинг бугун-
ги камолини аниқ тасаввурга келтириш мақсадида унинг тарихига доир баъзи лавҳаларни эслаш жоиздир.

Тошкент шаҳрининг ўтмиш тарихи, шон-шуҳрати, унинг таъриф ва тавсифи, босқинчи фотиҳларга қарши олиб борган мардонавор курашлари қадимий қўлёзма манбалар орқали бизгача етиб келган. Чунончи, Тошкент шаҳри ва унинг тарихига оид энг қадимги қайдлар бундан минг йил аввал яшаган Шарқнинг буюк алломалари Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Маъсудий» ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») асарларида биринчи бор тилга олинган.

Абу Райҳон Беруний «Қонуни Маъсудий»да шаҳарларнинг географик узунлик ва кенгликда жойланиш жадвалини келтирар экан, Шошни ҳам тилга олади, уни катта вилоятнинг номи тарзида зикр этади. Шош вилояти таркибида Бинкат, Банокат, Тункат, Салҳи, Исфижоб каби шаҳарлар мавжудлигини айтади. Бинкат — Шошнинг маркази эканлигини, туркчада Тошканд, юнончада Тош қалъа деб аталишини уқтиради. Шош вилояти 89 замон, 10 минут узунликда, 42 даража, 30 минут кенгликда жойлашганлигини кўрсатади.

Филология фанлари доктори Азиз Қаюмовнинг эслатишича, Беруний ўзининг бошқа бир асари — Ҳиндистон туркумига кирган «Сангхита» китобида турли сабабларга кўра, жой номларининг ўзгариб туриши тўғрисида гапиради ва бунга мисол қилиб Шош шаҳрини тилга олади. Яъни: «...тош сўзи (асли) туркча бўлиб Шош кўринишини олган. Тошканд — тошли қишлоқ демакдир. Жуғрофия китобида у «Бурж-ал ҳижора» (Тошқалъа) деб номланган» («Шарқ юлдузи», 1980 йил, 5-сон).

Берунийнинг қадимги Тошкент номи Шош ҳақидаги бу эслатмалари Маҳмуд Кошғарий фикри билан тўла ҳамоҳангдир. Олимнинг «Девону луғотит турк» асарида Тошкент номи Таркан термини билан изоҳланади. «Таркан — Шош (Тошкент)нинг исми. Унинг асли Тошканд бўлиб, тошдан қурилган шаҳар демакдир. Абу Бакри Қаффол Шоший шу шаҳардандир».

А. Расулев ва Ҳ. Ҳасанов қаламига мансуб «Қадимий қўлёзмаларни варақлаганда» рисоласида «Ҳудуд ул-олам» («Олам чегаралари») сарлавҳали бир қўлёзма ҳақида фикр юритилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, мазкур асар бундан ўн бир аср аввал 983 йилда Амударёнинг чап соҳилидаги Жузжон вилоятида форс-тожик тилида ёзилган. Қўлёзма муаллифининг номи номаълум. Бу қўлёзмада ҳам Моваруннаҳр территориясидаги қадимий Суғд, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Термиз, Хўжанд, Фарғона, Жиззах, Ахсикат, Кот, Гургганж, Хева каби шаҳарлар қатори Шош (Тошкент) номи ҳам келтирилади ва жумладан шундай дейилади:

БОҚИЙ ҲАМИЯТ

Иттифоқ миқёсидаги пенсионер, 1931 йилдан КПСС аъзоси Шариф Ширинбоев ажойиб тақдир эгаси эди. У отаси самарқандлик инқилобчи Абдуқаюм Ширинбоев изидан бориб, республикамизда маданий революцияни амалга оширишда фаол қатнашди. Комсомол, партия ва совет ташкилотларида масъул вазифаларда узоқ йиллар самарали ишлаган.

Қуйида унинг хотираларидан парча эълон қилмоқдамиз.

Мен ўз ҳаётимда рўй берган унутмас воқеаларни эслаганимда, ўғ Ватан уруши йилларида Эрон- ишлаган пайтларим кўз ўнгимда даланади. Совет савдо вакиллиги росон ўлкаси бўлими мудирининг овини сифатида бу мамлакатнинг гина шаҳарларида бўлдим. Бу да — Умар Хайём, Абдураҳмон омий, Алишер Навоий каби буюк омаларимиз — мангу барҳаёт сий-лар қолдирган ёдгорликлар, та-ррук обидаларни кўрдим.

Нишопур шаҳридаги қадимги обидалар ва бу ерда яшаб ижод этган алломалар ҳақида кўп ўқиган эдим. Нишопур шаҳри билан танишишни буюк Умар Хайём қабрини зиёрат қилишдан бошладим.

Катта боғ ичига кирдим. Шилдираб оқаётган ариқнинг ўнг тарафида оқ мармардан ишланган мақбара... Мақбарага термулиб, ўйга чўмдим. Гўё:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Аҳл кўзин қораси — гавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз,—

деб асрлар оша куйлар эди шоир.

Шаҳар қўрғонида форс-тожик классик адабиётининг йирик вакили Фаридиддин Аттор мақбараси ҳам диққатни жалб қилади. Фаридиддин Аттор қабрига қора мармардан ёдгорлик ўрнатилган. Бу мақбарани Алишер Навоий қурдирган. Фаридиддин Аттор қабрини зиёрат қилганимда, Навоийни, унинг мисли-сиз бунёдкорлигини эсладим.

Хизмат бўйича доимий қароргоҳим — Хуросон вилоятининг маркази Машҳад эди. Бир вақтлар машҳур Ипак йўли Машҳад орқали ўтган эди. Лекин шаҳарнинг шуҳрати Алишер Навоий даврида яна ҳам кучайди. Буюк шоир 1457—1469 йилларда Машҳадда яшаб ижод қилган. Иккинчи марта эса у 1497 йили шаҳарга келиб, бир қанча вақт яшади. Сўнгги бор у 1499 йили Машҳадда бўлган. Ҳазрат Навоий Машҳадда муҳташам бинолар, турли меъморчилик ёдгорликлари қурдики, улар ҳамон шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Шаҳар марказида Жомеъ масжиди барпо этилганда, Алишер Навоий бу қурилишга бош-қош бўлди. Имом Ризо ва Ҳорун ар-Рашид мақбараларининг атрофига буюк шоир маблағи ҳисобига кенг саҳнли айвон ва Тилла гумбаз номи билан машҳур катта масжид қурилди. Бундан ташқари, унинг ён ва орқа томонларига Саҳни кўҳна, Саҳни масжиди Гавҳаршодбегим ва Саҳни Нав деб аталувчи меъморчилик ёдгорликлари қурилади.

Саҳни кўҳнанинг ўрта қисмида айвон ва Тилла гумбаз — муҳташам ва гўзал меъморчилик иншооти жойлашган. Тилла гумбаз шаҳарнинг шимол томонидан 12—15 километрдан, жануб томонидан эса 25 километр масофадан аниқ кўриниб туради. Ҳаво очиқ кунлари гумбаз қуёш нурида чўғдай ёниб кўринади. Гумбазнинг баландлиги ўн беш метрдан ортиқроқ бўлиб, унга тилла суви юритилган. Айвоннинг баландлиги ўн метр, эни эса олти метрдан иборат. XVII асрда Эрон шоҳи Аббос мақбарани бироз кенгайтирган, XVIII асрнинг ўрталарида эса Нодиршоҳ Ҳиндистон юришида қўлга киритилган ўлжа олтинлар ҳисобига унинг гумбазини олтин суви билан сайқаллаган.

Ҳозирги кунда ҳам Машҳад аҳолиси ва минглаб сайёҳлар бу муҳташам биноларни бунёд этган Алишер Навоий номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Алишер Навоий ўз маблағи ҳисобига қаздирган Оби хиёбон ариғи беш юз йилдан бери Машҳад шаҳрини ва шаҳар атрофидаги қишлоқларни сув билан таъминлаб келмоқда. Буни қарангки, «Осиёйи Мир Алишер» деб номланган тегирмон ҳанузгача ишлаб турибди.

«Шош — катта ва обод, кўркам жойдир. Бу ерда қимматбаҳо дарахт ўсади, ундан камон ва найзалар ишланади.

Шошнинг пойтахти Бинкат...— Бинокат (сингари ва бошқа) кичик шаҳарларда камони шоший ясалади».

Демак, бундан кўринадики, ўтмишда, ҳарбий юришларда ва жанггоҳларда қадимий Тошкент — Шошнинг камони ва унинг ўқ-найзалари жуда машҳур бўлган. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида бу фикрни далилловчи байтлар мавжуд:

Чочий камонларга энди уринг қўл,
Евга ўқ ёгдиринг бамисоли дўл.

Шунингдек, Баҳром-Совашоҳ билан жанг қилар экан:

Чочий камонини қўлига олди,
Кийик тери торин тортибон солди

Чапни ўнгга улаб, тортди тиркишин,
Эшитди бу чочий камон нолишин.

Фирдавсий «Шоҳнома»нинг яна бир ўрнида, яъни «Сиёвушнинг Афросиёб билан аҳд-паймон қилгани» бобида қадимий вилоятлар қатори Чоч шаҳрини ҳам қайд этади:

Бухорову Суғду Самарқанду Чоч,
Сажжоб ерларини бўшатиб қийроч...

Чоч номи Ўрта Осиё халқлари ўртасида тарқалган қадимги қиссаларда ҳам тилга олинган. Жумладан, Искандар Зулқарнайн ҳақидаги қиссаларда Искандарга қарши курашиш учун йирик ҳукмдорлар қатори Чоч ҳокимига ҳам мактуб йўллаб, кўмак сўралганлиги тасвирланган. «Искандар,— дейилади қиссалардан бирида,— Ҳиндистонни эгаллагач, у ердан Тибатга борди. Тибат орқали Чин сари йўл олди. Чин ҳоқони Эрондан келаётган Искандар қўшини дарагини эшитгач, қўрқди. Хитойга, Хўжандга, Синжога, Фарғонага, Чочга мактуб ёзиб, одам жўнатди, аскар юборишни сўради»

Қўлёзма манбаларда қадимий Тошкент қалъаси ташқарисидаги Кайковус ва Қорақамиш мавзеи ҳақида ҳам етарли маълумотлар мавжуд. Чунончи, бу ўринда Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» китобини эслатиб ўтиш мумкин.

Тошкент мадҳи билан боғлиқ бўлган айрим қўлёзмалар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар илмий-тадқиқот институти фондида ҳам мавжуддир. Улардан бири Ибн Зариф Толид Муҳаммаднинг «Китобу ал-суроҳ» асаридир. 2116 тартиб рақами билан институт қўлёмалар фондида сақланаётган бу қўлёзма 1285 йили котиб Муҳаммад Ибн Нуъмон томонидан кўчирилган. Ҳажми 218 бет. Қўлёзма араб тилида, баъзан форсча байтлар ҳам битилган. Асар настаълиқ хатида Қўқон қоғозига ёзилган.

Қўлёзмада айтилишича, Шош шаҳри — қулай жойлашган қалъадир. Унинг суви мазали, табиати қуруқ иқлимли. Серёмғир, об-ҳавоси ёқимли, катта саҳнга эга.

Форсий байтлардан бирининг ўзбекча мазмуни шундай:

Эй, дардманд, сен учун қанча
даво эшиклари берк,
Шош шаҳрининг дарвозалари
учун калид топмагунингча,
Сен уни излайбер ва тез бор,
Абу Бакр қалъаси — Шош шаҳри
сенга шифо беради.

Қўлёзмада Абу Бакр Каффол Шоший ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Унда ёзилишича, Абу Бакр Шоший Халифа Қибё ҳузурида яшаган, кўп фанларни ўзлаштирган. Шарқ ҳақида маълумотлар тўплаш билан банд бўлган.

Қўлёзмада Шош аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи ва юз тузилиши ҳамда бу шаҳарда яшаб ўтган ҳоким ва амирлар ҳақида ҳам сўз юритилган.

Хуллас, Тошкент тарихидан баҳс этувчи қадимий қўлёзма манбалар ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш галдаги муҳим вазифадан биридир.

Пойтахтимиз кундан-кунга, йилдан-йилга жамол очаётир. Яқинда шаҳримиздаги энг юксак бино —«Москва» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Н. Шарипов фотоси

Машҳад яқинидаги Ҳирот йўлига ёндош Хавф қишлоғида Оби омбор бор. Алишер Навоий ташаббуси билан қурилган бу сув омбори Машҳад шаҳри атрофидаги боғ-роғларни, экинзорларни ҳозиргача сув билан таъминламоқда.

Машҳаддан ташқари, ҳазрат Навоийнинг ташаббуси ва маблағи ҳисобига Ҳирот, Балх, Астробод ва Хуросон вилоятларида ҳам 40 га яқин ёдгорлик қурилган.

Ўша вақтда биз билан мулоқотда бўлган Хуросон зиёлилари ҳазрат Навоийнинг 500 йиллик тўйини нишонлай олмаганларидан кўп афсусланар эдилар.

1944 йили Теҳронда Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис» асарини форсий тилга Теҳрон университети профессори, адабиётшунос Али Асғар Ҳикмат таржима қилди. Китоб сўзбошисида таржимон шундай деб ёзган эди:

«Теҳрон дорилфунунида Шарқ адабий тилидан дарс бериш, қадим ва ўрта асрларда машҳур бўлиб ўтган Шарқ ёзувчи, шоир, донишмандлари билан талабаларни таништириш мақсадида тарихий, фалсафий асарлар, шеър, ғазал ва достонлар тўпламларини синчиклаб ўқишга тушдик. Йиллар давомида Шарқ шоир ва ёзувчиларининг асарларини диққат билан мутолаа қилиб кўздан кечирдик. Мен ўқиган асарлар орасида энг тўлиқ ва катта тарихий аҳамиятга эга бўлган асарни — Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис» китобини бир неча бор такрор мутолаа қилдим. Натижада бу китоб билан Шарқ классик адабиётига қизиқадиган Эрон зиёлиларини ва Теҳрон дорилфунуни талабаларини таништириш лозим деб, бу тазкира таржимасига киришдим ва тўрт йиллик муттасил меҳнат давомида мақсадга эришишга муваффақ бўлдим. Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис» асари дунё адабиёти классикасида катта ва салмоқли ўринга эга эканини исботлаб ўтдим».

1945 йил май ойида мени СССРнинг Чет эллар билан маданий алоқа ўрнатиш жамияти Хуросон бўлими вакили қилиб тайинладилар. Расмий маъмурлар розилигини олгач, биз Машҳадда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш тараддудини кўра бошладик.

Устод Навоий юбилейига турли миллат вакилларидан 600 дан зиёд киши қатнашди. Асосий маърузачи Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид катта нутқ сўзлади. У Навоийнинг Машҳаддаги адабий ва ижтимоий фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди. Мана, орадан шунча йиллар ўтган бўлса ҳам, ўшанда нотиқ айтган ҳаяжонли сўзлар хаёлимда қайтадан жаранглайди:

— Мир Алишер Навоийнинг Машҳад ҳамда унинг атрофида яшовчи Чинорон, Фаримон ва бошқа қишлоқлар аҳолисига кўрсатган ғамхўрлиги чексиздир,— деган эди нотиқ.— Амир Алишер Навоий ташаббуси билан барпо этилган мактаблар, кутубхоналар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, сув омборлари, у қаздирган ариқлар ҳамон халқимизга хизмат қилмоқда. Алишер Навоий номи билан чамбарчас боғлиқ осори атиқалар Эроннинг, Хуросон ўлкасининг Машҳад, Нишопур, Сабзавор, Фаримон, Турбати Шайхи Жомий, Сарахс, Астробод, Гумбати Қобус сингари бир қанча жойларида асрлар оша илм ва маърифат арбобларига маънавий-маърифий озиқ бахш этиб келаётир.

Нотиқ ўз сўзининг охирида бир муҳим фикрни ўртага ташлади. У ҳанузгача Алишер Навоий номи билан боғлиқ осори атиқалар илмий мажмуаси нашр этилмаганини таъкидлаб, шундай мажмуани тузиш Хуросон зиёлиларининг бурчи эканлигини айтди.

Ўша тантанали йиғилишда ҳазрат Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир энг муҳим воқеалар тилга олинди.

Маълумки, Оби хиёбон ариғи Машҳад шаҳрини катта ва гавжум Поён Хиёбон ва Болохиёбон кўчалари ўртасида жойлашган Имом Ризо мақбарасининг атрофида жойлашган эски ва янги саҳнларни оралаб, шаҳарни кесиб ўтади. Навоий даврида шу икки ариқ суви тақсимоти устида катта жанжал кўтарилади, уни бартараф этиш учун Алишер Навоийнинг ўзи ташриф буюради. Мирободлар турли фикрларни ўртага ташлайдилар. Навоий диққат билан тинглайди, лекин уларнинг фикрларини маъқул кўрмайди. «Шундай қилиш керакки, икки ариқдан фойдаланувчи аҳоли абадий жанжаллашмай сувдан фойдаланадиган бўлсин», дейди. Икки ариқ қўшиладиган жойга қ ҳавза қаздиради. Мазкур сув инш ти битгач, деҳқонлар сувдан баб равар фойдаланадиган бўлади ва жанжалга ўрин қолмайди.

Бу ривоятми, ё ҳақиқатми, бил дим. Аммо гап шундаки, бу, ҳа нинг Навоийга бўлган ҳурмати эътиқодини яна бир бор тасдиқл чи далилдир.

Навоий юбилейида сўзга чиқ ҳар бир нотиқнинг чеҳрасида бу Навоийга нисбатан чексиз ҳурм эҳтиромни ҳис этдим.

Мажлисда яна кимдир айт гап ёдимда қолган:

«Агар Навоий қаздирган Оби Х бон ариғи сувидан 12 қишлоқн 500 йилдан бери фойдаланаётган гини чўтга солинса,— деган эди у ҳеч қандай хазина бу қарзни тўла га қодир эмас».

Менинг назаримда, ўша куни тод Навоий асрлар оша XX а наср ва назм мухлислари би самимий гаплашаётгандек эдил Мен шунда инсонларни бирлаш рувчи, дилларни муштарак эт саховатга, эзгуликка ундовчи санъ нинг қудрати ҳақида, Мир Алиш Навоийнинг абадияти тўғрисида лаб қолдим. Халқлар дўстлиги мустаҳкамлашга хизмат қилаёт бобокалон устоз, ҳазрат Навоий ҳоси олдида бош эгдим.

Мақолани тарих фанлари к дидати **Ҳамдам СОДИҚ** ёзиб олган.

САНЪАТИМ – САОДАТИМ

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Маҳмуд Усмонов ҳикоя қилади

«Гулистон» гурунги

ССР ташкил этилганлигининг 60 лигини муносиб кутиб олиш учун бир меҳнаткаш, шу жумладан, дкор сидқидилдан тайёргарлик моқда. Бу қутлуғ тўйни бизнинг корлик бригадамиз ҳам тўёна ектларга бадиий сайқал бериш н кутиб олмоқда. Одатда, оз-кўпми халқ ишончи ва меҳрини онган ҳар бир киши гоҳ-гоҳ ўт-ни ва ҳозирги ҳаётини қиёслайди, м эдиму, ким бўлолдим?»,— деб а сарҳисоб беради. Мен бундан йил муқаддам ота ҳунарига иш-қманд бўзбола эдим. Эндичи, ус-ларим эриша олмаган катта бахт-мушарраф бўлиб юрибман. Бу-т учун Коммунистик партия ва ет ҳукуматидан умрбод миннат-ман.

Қалбимни миннатдорчилик туйғу-и қамраган дамларда, ҳаётим ҳалари, кўрган-кечирганларим кўз имда жонлана бошлайди.

.Гражданлар уруши йилларидаги инчиликлар ортда қолиб, мамла-имизнинг қудрати ва обрўси орта ди. Одамларда санъат асарлари-қизиқиш пайдо бўлди. Бизнинг аримизга ҳам эҳтиёж сезилди. 8 йили отамни — моҳир уста русмон Икромовни Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги ган-экспонатларни таъмирлашга так-э этишди. Отам илгари яшаб ўт-устоз ганчкорлар сайқаллаган рларни меҳр билан асл ҳолатига тира бошладилар. Айни пайтда га бу асарларнинг ўзига хос иш-иш йўллари — композиция яра-, нақш танобларининг йўналиши, оён нусхаларига эътиборни қара-ва бошқа мураккаб томонлари-амалда кўрсатдилар ва иш бажа-имни синчиклаб кузатдилар. Бу учун ҳаёт мактаби бўлди.

1940 йилга келиб, ҳозирги Ўзбе-тон ССР Халқ амалий санъати вейи биносини таъмирлаш ишла-бошланди. Европача қурилган бу ратнинг ганчкорлик ишларини ипўлат Арслонқуловнинг отаси барлигидаги усталар, сиркорлик ларини Вакил Исаев бошчилигида-сирчилар ва бошқа ҳунармандлар алга оширган эдилар. Унда ўзбек чкорлик ва сиркорлик санъати-г энг яхши анъаналари ўз ифода-и топган.

Музей биносининг асосий зали ўз аги билан кишининг ақлини лол диради. Мазкур залда ўтган аср ри ва бизнинг аср бошларидаги ек миллий меъморчилигининг ноёб намуналари мужассамлаш-. Фақат залнинг ўзи яқин ўтмиш ъатимизнинг яхлит тимсолидир. ҳамда хона деворларига ишлан-ганчин безакларда барча услуб-мавжуд.

Ҳукуматимиз халқ ҳунармандчи-инининг бу ноёб намунасини сақлаб иш учун катта маблағ ажратди, мирлаш ишларига моҳир усталар-таклиф этди. Бу санъат кошона-и тиклаш ишида машҳур Уста рин Муродов қатнашди. Мен бу қтарам зот билан яқиндан муло-да бўлдим. Ўша кездаги суҳбат-онинг бирида Уста Шириннинг: нчкорлик санъати тезроқ камол иб, ҳар бир уйга кириб келса йман, чунки нақш дилга ором ради, бундай шинам уйда мискин-ва жаҳолатга ўрин қолмайди. дай уйда яшаган кишининг оила-а, Ватанига, халқига меҳри ҳам ли бўлади», — дегани доимо имда.

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан уруши даврида — шундай оғир йилларда ҳам халқ ҳунармандчилигининг — амалий санъатнинг йўқолиб кетмаслиги ҳақида ўйлади. Санъаткор усталарни иш билан таъминлади. 1943—1944 йиллари «Тошсовет» биносини безаш ишлари бошланди. Бу хайрли ишга отамни таклиф этдилар ва у киши республикамизнинг турли жойларидан келган ҳамкасблари билан ёнма-ён туриб ижод қилдилар. Мен Уста Ширин отани яна бир карра шу ерда учратдим. Уста Ширин билан отам биргаликда бино фасадининг юқори қисмига шарафа ўрнатмоқда эдилар. Айрим усталар қўлда нақш ўйишар, баъзилари қолипда қуйилган нусхаларни керакли ерларга режа тортиб ёпиштирар, хуллас, иш кўтаринки руҳда борар эди. Отамларга бинонинг олд томонидаги қўш гулдаста устунни ҳамда равоқ атрофини безаш иши ҳам топширилган эди.

Усталар шу юмушдан кейин Муқимий номидаги республика музика театрининг Бешёғочда қурилган янги биносини безашга киришдилар. Уста Ширин бу ерда ганчгул ишларига бош-қош бўлдилар. Эскизлар устабоши маъқуллаганидан кейингина амалга оширилар эди.

Кунларнинг бирида театр биносига кириб борар эканман:

— Келинг, қайси шамол учирди, мулло Маҳмуджон,— деган таниш овоздан бир энтикиб тушдим. Дарҳол юқорига қарадим. Уста Ширин ота ҳовозада ишламоқда эди. Шошилиб салом бердим. Шу пайт театр биноси ёнига машина келиб тўхтади.

— Усмон Юсуповга ўхшайди,— дедилар уста. — Умридан барака топсин, бошида юртнинг шунча ташвиши бўлсаям, ишимиздан хабар олишни сира канда қилмайди,— деб Уста Ширин билан отам ташқарига йўл олдилар. Бир вақт устоз мамнун ҳолда кириб келдилар ва менга юзланиб:

— Мана ўғлим, энди отангиз ёнида бемалол ишлайверасиз, Усмон акадан рухсат олдик, ёрдамчиларига сизни заводдан олиб, бу ерга қўйишни буюрдилар, — дедилар. Миннатдорчилик билдиришга тилим лол эди. Чиндан ҳам орадан бир кун ўтганидан кейин устозлар марҳаматидан баҳраманд бўлиб, отам ёнида иш бошладим.

Тошкентда Алишер Навоий номидаги театр биносининг қурилиши умуман маданий ҳаётимизда, қолаверса, меъморчилик билан узвий боғланган амалий санъат соҳасида бир мўъжизавий воқеа бўлди. Шаҳримиз марказидаги бу муҳташам бино лойиҳасининг ижодкори академик меъмор А. В. Шчусев эди. У бино лойиҳасини яратиш жараёнида Шарқ ва Европанинг жамоат бинолари қурилишларидаги илғор анъаналарни пухта ўрганди ва уларни лойиҳасига дадиллик билан сингдирди. Меъмор бадиий безак ишлари ҳамда деворий монументал асарларида ўз маҳоратларини кўрсатишлари учун уста ва рассомларга тўла имконият яратиб берди. То ҳануз Ўрол Тансиқбоевнинг областларимизнинг ўзига хос манзаралари тасвирланган расмлари, Чингиз Аҳмаровнинг Алишер Навоийнинг ўлмас достонлари мазмуни асосида яратилган деворий безаклари ҳар бир санъат мухлисига завқ бағишлаб келаётгани бежиз эмас-да.

А. Шчусев бинонинг деворлари, пештоқ ва шифтларини миллий анъаналар асосида сайқаллашни усталарга ишониб топширди. Усталарнинг истак ва мулоҳазаларига самимийлик билан қулоқ солди, маслаҳатларни имкони борича инобатга олди. Айни чоқда эскизларнинг бадиий сифатига жиддий эътибор берди. Қарс икки қўлдан, деганларидек ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик ёрқин самара билан якунланди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги тикланиш йилларида меъморчиликда янги замонавий услуб таркиб топа бошлади. Кўпгина меъморлар «Тез ва арзон қурайлик, ортиқча ҳашамлардан қочайлик» деган гапга ҳаддан ташқари эътибор бердилар. Баъзи мутахассислар: «ганч ўймакорлиги санъатининг умри тугади»,— деб сохта каромат ҳам қилдилар. Тўғри, ортиқча ҳашамдорликка биз усталар ҳам қаршимиз. Чунки ортиқча ҳашамдорлик бинони бачканалаштириб юборади. Бундай ҳашам дидсиз, фаросатсиз кимсаларгагина ёқиши мумкин. Шу нарса сир эмаски, биз, усталар, кўп ҳолларда архитектор ҳамда буюртмачи кўрсатган, белгилаган жойгагина нақш берамиз. Бордию ўргатсак, фикр билдирсак, кўп ҳолларда ёқмаймиз.

Ваҳоланки, маслаҳатли тўй тарқамас, деган доно гап бор. Олдиндан маслаҳатлашилганига не етсин.

Партия ва ҳукуматимиз яна бошимизни силади, бизнинг ҳунаримизга ёрқин йўл очиб берди. 1967 йилга келганда, ишимиз юришиб кетди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг архитектор В. Шестопалов лойиҳаси асосида қурилган янги маъмурий биносига пардоз берилаётган пайтлар эди. Биз архитекторлар ҳузурига кириб, бинонинг мажлислар залига ганч ўймакорлигини қўллаш зарурлигини айтиб, қатъий туриб олдик. Ниҳоят, Шестопалов эскизлар чизиб келиб кўрсатишимиз зарурлигини айтди. Эскизни айтган вақтида муҳайё қилдик. Ишимизга кўнгли чопмай, яна оёқ тирашга ўтди. Охири, ўзига манзур бўлган эскизларни танлаб: «Шуларни гипсда ишлаб кўрсатинглар», деди. Бажонудил бажардик. Ишимизни деворга ёпиштириб кўрсатдик. Маъқул тушди. Севинчдан бошимиз осмонга етиб, иштиёқ билан ишга берилиб кетдик. Ниҳоят қабул комиссияси безагимизни аъло баҳолади.

Шундан кейин ишимиз юришгандан юришиб, буюртмалар буюртмаларга уланиб кетди. Республика партия ва ҳукумати бу ишимизни муносиб тақдирлади. Мен «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонига лойиқ кўрилдим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлислар зали деворига қўлланилган ганчин нақшлар дастлабки йирик ишларимиздан бири эди. Тўғри, шогирдларим бу борада ҳали тажрибасиз бўлганликлари учун баъзи нуқсонларга йўл қўйдик. Бу табиий эди. Айрим камчиликларга эса меъморлар кўрсатмасига бўйсунишга мажбурлигимиз туфайли йўл қўйганмиз. Шу боис дастлабки ишларимиз мутахассислар томонидан танқид ҳам қилинди. Лекин, ўрни келганда айтишим керакки, девор юзасини классик усулда бўлакларга бўлиб ишлаш тўғрисида баён қилинаётган баъзи фикрларга қўшила олмайман. Маълумки, ҳозирги замон архитектура услуби билан қадимий меъморчилик ўртасида катта фарқ мавжуд. Деворни бўлакларга бўлиб ишлаш замонавий архитектура шаклларига тўғри келмайди. Шунинг учун лойиҳа авторларининг ўзлари ҳам бунга қарши чиқишмоқда. Менимча, классик шаклларни кўр-кўрона давом эттириш нотўғри. Унга замон талаби билан ижодий ёндашмоқ керак.

Тўғрироғи, ўзлари ҳамкорликда амалга ошираётган ишга меъмору буюртмачи, ганчкор якдилликда ижодий ёндашишлари керак. Масалан, бизнинг бригадамиз Ҳамза номидаги академик театрнинг янги биноси деворини безади. Ишимиз яхши қабул қилинди. Лекин, нима учундир, ганчин нақшлар ҳанузгача қадарли менга ғалати туюлади: бинонинг умумий композициясига ёпишиб тушмагандек, назаримда, бино ички кўринишининг табиий ёруғга бой эмаслиги бунинг сабабига ўхшайди.

1968 йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети маъмурий биносининг ички қисмини безаш иши бизнинг бригадамизга топширилди. Аввало ишнинг кўламини чамалаб чиқдик: бинонинг юқори қаватларига олиб чиқадиган ярим айлана зиналарининг тугалланиш қисми деворга бориб тақаларди. Деворни эса айланани тенг иккига бўлиб турган диаметр деб фараз қилиш мумкин эди. Биз мулоҳаза юритиб, ана шу деворни безатишни лозим топдик. Девор сатҳини обдон ўлчаб, режалаштириб олганимиздан кейин эскиз чизишга киришдик. 1959 йили мен Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунларида очиладиган кўргазма учун бир ганчин панно ишлаган эдим. Ана шу панно композициясини қайтадан жиддий ишлаб, «Халқлар дўстлиги» деб номланган бу асаримни бадиий кенгаш муҳокамасига тақдим этдим. Шу асаримда ўзбек каштачилигидаги анъаналардан баҳраманд бўлиб, палакни замонавий усулда кўрсатишни ният қилдим. Бу палак ажойиб дўстлик чаманзорининг ифодаси бўлиши керак эди. Ундаги намоённи гулдонда ўсган гул тарзида тасвирладим. Асосий гулдон сиртига Совет Иттифоқининг гербини нақш этдим. Гулнинг ҳар навдаси учида бир қардош республика герби берилди. Хуллас, ягона оилага бирлашган совет халқларининг ленинча дўстлигини тасвирлаб беришга интилдим.

Палакнинг атрофини безатишни анча ўйладим. Хоразмга хос давра нақшларидан фойдаланиб, янгича рута яратдим. Композициянинг тақ-

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ

ГЕРБИ

Медицина фанлари доктори, профессор Муҳтарама Ҳамидова.

Жиззах районидаги 3-болалар боғчасининг мудираси, республика ўқитувчиларининг VI съезди делегати Розия УМАРҚУЛОВА.



Ўзбекистон халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти лауреати, наққош Маҳмуд УСМОНОВ.

Л. ДАВАТЦ. Ўйлар.

В. ГЛАДКОВ. Атиргул /Натюрморт/.

Фестиваль иштирокчиларининг дастхатлари — тошкентликлар учун яхши эсдалик.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтказилган кинофестивалида намойиш этилган фильмлар орасида Бангладеш кино юлдузи Шубарно МУСТАФО иштирок этган роллар ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Н. Шарипов фотолари

Мукаррама Турғунбоева номидаги „Баҳор“ давлат халқ рақс ансамбли.

Орол бўйида.

А. Ванштейн фотоси

КАМОЛОТ ЙЎЛЛАРИ

Тошкент трактор заводига бундан бир неча йиллар муқаддам Владимир шаҳридан ғалла ўрадиган тракторлар келтирилар ва улар пахта далаларида ишлаш учун қайтадан йиғиларди. Ана шу пайтларда ёшгина Муҳаммаджон заводга ишга келди. Баланд бўйли, жуссадор, синчков ва зеҳнли бу йигитча тез орада тажрибали ишчиларнинг эътиборига тушди, уларнинг меҳрини қозонди, натижада беш ойдан сўнг созловчи сифатида мустақил иш бошлади.

Дастлабки меҳнат ютуқлари туфайли ёш коммунист коллектив орасида танила борди, аста-секин ўзи ҳам шогирдлар етиштира бошлади.

— Муҳаммаджон бугунги кунда ҳам кўп ёшларга ҳалоллик, ростгўйликдан сабоқ бераётир,— дейди завод директори Ирис Харасович Мусин.— Тракторни йиғиш — мураккаб иш, янги инсонни тарбиялаш ундан ҳам нозикроқдир. Туропов жамоат ишлари билан ниҳоятда банд бўлишига қарамай, ёшларнинг севимли устозига айланган.

— Кейинги вақтларда шогирдларим сони ўттиздан ошиб кетди,— дейди Муҳаммаджон ака.— Шулардан Комилжон Эгамбердиев тажрибали ва моҳир созловчи бўлиб етишди. Комилжон Денишов, Василий Нехорошев етук фрезерчи, Нина Радостова сайқал берувчи сифатида коллектив ҳурматини қозондилар.

Муҳаммаджон Туропов меҳнат қилаётган цехда 270 дан зиёд ишчи ишлайди. Улар беш йиллик топшириқларини тўрт йилда ва ундан ҳам барвақтроқ бажаришга аҳд қилишган. Муҳаммаджон эса меҳнатга коммунистик муносабати билан устозларининг меҳрини қозониб, ёшларга намуна бўлаётир.

Муҳаммаджон Туроповни Тошкент Трактор заводининг 11 минг кишилик интернационал оила аъзолари — ишчилар, инженер-техник ходимлар яхши танийдилар, унинг меҳнатда эришган ютуқлари билан фахрланадилар.

...Кунларнинг бирида Муҳаммаджон цех бўйлаб айланиб юраркан, ёшгина созловчи йигитнинг ўз дастгоҳи олдида ҳайрон бўлиб турганини кўриб қолди. Дастгоҳнинг айбини топиб, тезда уни ишга тушириб юбордилар. Муҳаммаджон ака Андрейни ўз ёнига чақирди-да: «Ўртоғингга ёрдам берсанг бўлмасмиди?»— деб сўради. Андрей эса:

— Муҳаммаджон ака, бу дастгоҳни тушунмайман,— деди.—Ахир, ишим бошқа бўлса...

Шунда Муҳаммаджонда бир фикр уйғонди: заводнинг ҳар бир цехида ёшларга бир неча касб эгаллашни таклиф қилиш керак... М. Туропов бир неча кундан кейин бу масалани завод партия, касаба союз, комсомол активи муҳокамасига қўйди. Унинг таклифи маъқулланди.

...Одатда цехда трактор деталлари бир вақтнинг ўзида ҳам силлиқланар, ҳам пармаланар эди. Муҳаммаджоннинг кузатишига ва синаб кўрган тажрибасига кўра, яхшиси, ана шу жараёнларни алоҳида-алоҳида бажариш маъқулдек кўринди. Шунда маҳсулот тежаладӣ, чиқит камаяди. Ҳақиқатан ҳам янгича усул заводга йилига 30 минг сўм соф фойда келтирди. Ана шу тариқа М. Туропов ихтирочи сифатида ҳам фаолият кўрсата бошлади. Ҳали заводда, қолаверса ўзи ишлаётган цехда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар йўқ эмас. Масалан, тракторнинг олдинги 33-айрисимон деталини Муҳаммаджон ака ўн йилдан бери тайёрлайди. Ҳар бири 40 килограммдан бўлган ушбу деталь учта станокда ишлаб чиқарилади. Уни тайёр маҳсулот ҳолига келтириш учун 8 соат мобайнида 40 килограммлик юкни 4 марта кўтариб қўйиш керак. Демак, бир сменада 16 тоннагача юк кўтариш лозим.

— Ҳозирча, мазкур жараённи енгиллаштирадиган механизм йўқ,— дейди М. Туропов.— Ўйлайманки, мутахассисларимиз ана шундай механизмни ихтиро этадилар.

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент Трактор заводи ишлаб чиқараётган трактор ва прицеплар деҳқоннинг ишини енгиллаштирмоқда, пахтани барвақт йиғиб-териб олишда пахтакорларга мададкор бўлмоқда. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг 1981 йил якунларига кўра завод коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини олишга сазовор бўлди. Бунда Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, КПСС XXVI съезди делегати Муҳаммаджон Туроповнинг ҳам хизмати бор.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистон ССРга учинчи марта Ленин ордени топшириши, тракторсозлар ҳузурига ташриф буюриши Ўзбекистон меҳнаткашларини, жумладан, мазкур заводнинг ишчиларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди.

— Мен Леонид Ильич билан суҳбатлашганимдан бахтиёрман,— дейди Муҳаммаджон Туропов.— Партия ва ҳукуматимиз раҳбари ишчиларимизнинг турмуши, меҳнат фаолияти билан қизиқди ва корхонамизнинг фахрий меҳмонлари китобига шундай деб ёзди: «Сизнинг заводингиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, техника тараққиёти ва коллективни социал ривожлантиришдан иборат кўп қиррали масалаларни муваффақиятли ҳал этаётган Совет Ўзбекистони машинасозлигининг энг яхши корхоналаридан биридир».

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев билан бўлган учрашув биз тракторсозларда унутилмас таассурот қолдирди, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилди. Биз аллақачон дастлабки ютуқларни қўлга киритдик: пландан ташқари 80 та трактор, 200 та прицеп ишлаб чиқардик.

Ҳа, завод коллективи оширилган мажбурият қабул қилган. Бу йил 350 трактор, 200 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилади. 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Қўшимча равишда 800 минг киловатт-соат электр энергияси, 100 тонна шартли ёқилғи тежалади. Пластмасса участкаси қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилади. Янги техникани жорий қилишдан 650 минг сўм иқтисодий самара олинади.

Ишчи касбини эъзозлаб камол топаётган Муҳаммаджон Туропов ва унинг ҳамкасблари СССРнинг 60 йиллиги шарафига янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Бу йўлда уларга зафар ёр бўлаверади.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ

сими иккита катта-кичик айланадан иборат бўлди. Ундаги барг, куртак ва гул ўрнида пахта чиқардим. Нақш негизи геометрик шаклга халақит бермасин деб, ислимийни чока пардоз услубида бажардик. Шунинг натижасида ислимий майдалашиб, гириҳ шакли кўзга аниқ ташланадиган бўлди.

Маъмурий бинонинг кичик мажлислар залини ўғлим Мирвоҳид билан ҳамкорликда безадик. Ундаги композициянинг асоси олти рахли гиреҳдан иборат бўлиб, ичи ислимий билан тўлдирилди. Умуман, бинодаги кичик залларнинг ҳам ганчин гуллари кўнглимдагидек чиқди ва коллективимиз меҳнати юксак тақдирланди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотини олишга мушарраф бўлдим. Номим республика комсомолининг Ҳурмат китобига ёзилди. Буни менга эмас, барча шогирдларимга ҳам берилган юксак мукофот деб биламан.

Улуғ доҳий В. И. Ленин 100 йиллик юбилейининг муносиб нишонланишига — Тошкентдаги В. И. Ленин Марказий музейи филиали биносининг қурилишига камтарона улуш қўшганим билан беқиёс фахрланаман. Шогирдларим ҳам бу қутлуғ ишга ҳисса қўшганларидан чексиз севиндилар. Бу мўътабар бинони безашда ганчин нақш бериладиган жойни пухта аниқлаб, бир неча нусхада эскизлар ишладик. Шундан энг манзури — «Яшнаётган Ўзбекистон» деб аталган панномизни бадиий кенгаш қабул қилди. Бу паннода мен халқ санъатини беҳад севган, уни асраб-авайлашга ўз вақтида кўрсатмалар берган, бу ҳақдаги махсус декретга муборак имзосини чеккан буюк сиймо Владимир Ильичнинг халқ ҳунармандчилигини камолга етказиш тўрисидаги орзуси ҳам рўёбга чиққанлигини кўрсатишни ният қилган эдим. Гиреҳ ва ислимий нақшларининг энг гўзал намуналарини танладим ва уларни композицияга табиий тарзда сингдириб юборишга муваффақ бўлдим. Ўзим ва шогирдларим меҳр-муҳаббат, кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдик. Нақшларнинг нафис ҳамда улуғвор чиқишига эришдик. Ишимизни муддатидан олдин аъло баҳога топширдик.

Қутлуғ юбилейга муносиб армуғон бўлган мазкур кошонага нақшин эшикларни қўқонлик дўстим, машҳур ёғоч ўймакори Қодиржон Ҳайдаров меҳр билан ишлади. Гулгун чаманзорни эслатувчи бу эшиклар бинога яна ҳам кўрк, салобат бағишлади. Безакларимиз учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига, СССР Министрлар Советининг махсус мукофотига сазовор бўлдик.

Камоли эҳтиром билан айтишим мумкинки, Шарқ машъали Тошкентнинг марказий қисми ҳозир таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Улуғ доҳий В. И. Ленин хотирасига ўрнатилган улуғвор ёдгорлик, Ҳукумат уйи, Рассомлар союзи, «Мовий гумбаз» ансамбли ва бошқа муҳташам иншоотлар марказнинг умумий чиройини очиб юборди. Парадлар хиёбони, хиёбон ва гулзорлар, фавворалар, метро станцияси, қўйинг-чи, ҳамма-ҳаммаси бир бўлиб яхлит ансамблни ташкил қилди. Мен шу жойларда бўлсам, ўзимни улкан чаманзорда юргандек ҳис этаман.

Улуғ доҳий хотирасига атоқли ҳайкалтарош Николай Томский яратган ёдгорликни ўрнатишга ҳозирлик бошланган паллада монументнинг тагидаги зал ҳамда хоналарни безашни менга топширдилар. Бу масъулиятли вазифа мени ўйлантириб қўйди. Бажариладиган юмушни кўпчилик бўлиб маслаҳатлашдик, хомаки ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Иш анча мураккаб эди.

Устозлардан ўрганган, бажаришни орзу қилиб юрган режаларимни ўғлим Мирвоҳид ва шогирдларимга айтдим. Қаерга қандай нақш ва пардоз турини беришни пишитиб олганимиздан кейин, эскиз чизишни бошладик. Шундай улуғвор ёдгорликка монанд тушадиган деворий безак яратиш учун ихлос билан ишладик. Натижада ишимиз кутганимиздан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Бунинг ҳаммаси башар қуёши — улуғ Ленинга бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббатимизнинг ёрқин рамзидир.

Тошкентнинг марказий қисмини барпо этишда қатнашган ва 1975 йилги СССР Давлат мукофотига лойиқ кўрилган бир гуруҳ ижодкорлар қаторида камина ҳам бор эди. Усталиликдаги ҳамда шогирдлар тарбиялашдаги хизматларим учун Меҳнат Қизил Байроқ орденига, «Ўзбекистон ССР Халқ рассоми» фахрий унвонига мушарраф бўлдим. Бунинг учун партия ва ҳукуматимизга минг-дан-минг раҳмат!

1980 йилнинг 30 сентябри ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Ўша қутлуғ кунда устозим Уста Ширин Муродов таваллуд топганлигининг 100 йиллиги кенг нишонланди. У муҳтарам зотнинг буюк хизматлари меҳр-муҳаббат билан эсланди. Ўша оқшом менинг ҳам 70 йиллик умр тўйимни тантанали тарзда ўтказишди, қутловлардан бошим осмонга етди. Айниқса, меҳрибон раҳбаримиз Шароф Рашидов менинг номимга қутлов мактуби йўллагани кўнглимни тоғдек кўтариб юборди.

...Коммунистик партия халқ бадиий ижодиётига катта аҳамият бериб, бу бебаҳо чашмадан миллионлаб кишиларни баҳраманд этиш учун халқ орасидан етишиб чиққан истеъдод соҳибларини эъзозлаб келмоқда, деб таъкидлабди ўртоқ Шароф Рашидов. «Сиз асрлар давомида шаклланган, халқимизнинг беқиёс маънавий бойлиги бўлган ноёб санъатда камолот касб этган, эл ҳурматига, партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган мўъжизакор инсонсиз. Сиз халқимизнинг севимли фарзандлари Уста Ширин, Тошпўлат Арслонқулов, Қули Жалиловлар анъанасини шараф билан давом эттирибгина қолмай, балки ўзбек амалий санъатининг сир-асрорини ёш авлодга ҳормай-толмай ўргатиб келаётган мураббийлардансиз. Сиз шогирдларингиз билан безак берган, нақшлар солган замонавий бинолар, саройлар халқимизга хизмат қилмоқда. Сизнинг ижодингиз халқ санъати анъаналари билан ҳозирги замон меъморчилиги ҳамда наққошлиги муштараклигининг ажойиб гармоник намунасидир».

Буни мен камтарин меҳнатимга, шогирдларимнинг сидқидилдан қилаётган ишларигагина эмас, бутун халқ амалий санъатига берилган юксак баҳо деб тушунаман. Халқ учун, Коммунистик партия учун, Совет давлатининг равнақи учун ўз истеъдодимни ҳамиша сафарбар деб биламан.

Ҳабиб КАРИМОВ

САЛОМАТЛИК—
ТУМАН БОЙЛИК

ПРОФЕССОР МУХТАРАМА ҲАМИДОВА

УМИД ШУЪЛАЛАРИ. 1974 йилнинг баҳори. Наманган бағрида ҳаловатбахш кўклам таровати кезади. Анвойи гулларнинг муаттар бўйлари димоқни қитиқлайди. Дилни яйратади. Тамара қушлар чуғурини, оқаётган сувнинг аллаловчи шилдир-шилдирини жон қулоғи билан тинглар, кўклам нафасини бутун вужуди билан симирар эди. Аммо у буларни кўз билан кўриш шавқидан бебаҳра. Унинг кўзлари туғма ногирон эди.

— Мана бу ҳиди келаётган гулларнинг ранги қанақа?— деб сўради Тамара 14 яшар қизини ёнига чақириб олиб.

— Бу ерда гуллар кўп: қизил, пушти, яшил, сариқ, напармон, кўк... Ана, боғда олма кўпириб гуллаб ётибди, унинг гуллари оппоқ,— деди қизи унга жавобан.

Тамара рангларни тасаввур қилолмасди. У бор-йўғи икки рангни: оқ ва қора рангни ҳис этарди. Қизининг рангларни санаши унинг юрагини ўртаб юборди. Унга ҳам бу рангин оламни, одамлар чеҳрасини кўриш насиб этармикан?.. Қизини бағрига босиб, юм-юм йиғлади. Ҳеч бўлмаса, қизининг жамолини бир бор кўрсайди!

Бу орзу Тамарага тинчлик бермасди. Орзусига эришиш мақсадида кўзини даволатиш учун унинг бормаган ери, мурожаат этмаган врачи йўқ эди ҳисоб. У Москвада ҳам, Одессада ҳам, Томскда ҳам, Олмаотада ҳам бўлди, машҳур кўз докторларига учрашди. Учрашган врачларининг ҳеч бири унинг кўзини операция қилиб, зиё бахш этишга ботинолмади. Шундай бўлса ҳам Тамара ўзининг эзгу орзусидан умид узмади. Наманган область шифохонасига йўл олди. Тажрибали кўз доктори Клара Аҳмедова ҳузурига кирар экан, ялинч оҳангида илтижо қилди:

— Еруғ оламни, одамлар чиройини бир марта кўриб ўлсам, армоним йўқ эди... Операция яхши чиқмаса ҳам майли...

— Тошкентга бориб, Муҳтарама Ҳамидовага учрашинг,— дея маслаҳат берди окулист Аҳмедова.— Бир неча кўзи ногирон кишининг у ердан соғайиб қайтганини ўзим кўрганман...

Бу гапларни эшитиб, Тамаранинг вужудига ёқимли бир илиқлик югурди. Кўзи очилиб кетишига умид боғлаб, Тошкентга шошилди...

БУЛУТ КЎТАРИЛДИ. Муҳтарама Ҳамидованинг зиёбахш қўлларини чиндан ҳам эларо достон қилса арзийди. Тамарадан олдинроқ Анорхон ҳам унинг номини поездда онаси билан Тошкентга келаётиб тасодифан эшитиб қолди. Бу гапни айтган киши ҳам врач эди. У Ҳамидованинг қўли енгиллиги, минглаб кишиларнинг ундан шифо топганлиги борасида ишонч билан ҳикоя қиларди. Тинглаб ўлтириб Анорхонда илинж уйғонди. Мана, йигирма беш йилдирки, у рангин олам жозибасини, қуёш ёғдусини, табиат кўркини кўриш лаззатидан маҳрум. Анорхон онасининг қулоғига қандайдир умид ва ҳаяжон аралаш шивирлади.

— Ойижон, шу докторга бир учрашайлик...

— Майли, болам. Зора...

Аслида улар тўйга келаётган эдилар. Бироқ тўй ҳам қолиб кетди. Она-бола поезддан тушдилару Тошкент Давлат медицина институтининг кўз клиникасини, аниқроғи шу клиника профессори, медицина фанлари доктори Муҳтарама Ҳамидовани қидириб кетдилар. Профессор қабулига кириб касаллик тафсилотини батафсил сўзлаб бердилар. Доктор Анорхоннинг кўзини синчиклаб текшириб кўриб:

— Ташвишланманг қизим... Кўзингизни даволаймиз, — деди хотиржам ва ишонч билан. Севинчдан Анорхоннинг юраги гуп-гуп урарди. Йигирма беш йиллик ғуссадан фориғ бўлса-я! Бутун дунёни бошига кўтариб ҳайқиргиси, ҳали кўриш насиб этмаган мана шу аёлни бағрига босиб қичқиргиси келди! Муҳтарама Ҳамидовна эса, қиз қалбида кечаётган ғалаённи ҳис этиб, унинг бошидан силади:

— Кўзингиз бутунлай кўрадиган бўлади, қизим...

Операция қилинадиган кун ҳам етиб келди. Муҳтарама опа операция олдидан Анорхонга илиқ гаплар билан тасалли бериб, унинг кўнглини кўтариб қўйди. Ниҳоят операция бошланиб... якунланди. Кўзлар бинт билан боғлаб қўйилди. Аммо Анорхоннинг кўзи, профессор Ҳамидованинг кўнгли ой юзидан кўтарилган булут пардасидек равшан тортадиган ҳаяжонли дамлар, юзларига табассум югурадиган дақиқалар ҳали олдинда! Яна ўн кундан кейин маълум бўлади. Бу ўн куннинг ҳар бир лаҳзасини, ҳар бир кечаю кундузини фақат Анорхону докторгина эмас, онаизор ҳам интизорлик билан ўтказди. Ана ўша ҳаяжонли онлар ҳам етиб келди. Доками профессорнинг ўзи ечди. Анорхон биринчи бўлиб Ҳамидовани кўрди. У қаршисида турган оқ халатли докторни кўрдию, «Менга ёруғ жаҳонни бахш этган жаҳоним, онажоним!» деб йиғлаб юборди. Дарҳақиқат, Муҳтарама Ҳамидованинг зиёбахш қўллари туфайли ой юзидан булут пардаси кўтарилиб, кўзлар ҳам, кўнгиллар ҳам равшан тортди.

ОЛАМ РАНГИН, ОДАМЛАР ГЎЗАЛ. Муҳтарама Ҳамидова юқорида айтганимиз Тамара Сергеевна Жигловнинг кўзини диққат билан синчиклаб текширди. Аммо Тамара врачнинг бунчалик эътибор бериб кузатаётганини кўрмас, ўзича: «Ишқилиб, кетавер деб, изимга қайтариб юбормасин-да», деб ташвишланар эди. Кўзининг ожизлигига туғма катаракта, яъни кўз гавҳарининг лойқаланиш касаллиги сабабчи эди. Одатда бундай ногиронлик билан туғилганлар болаликда операция қилинадилар. Ёши улғайганда ўтказилган айрим операциялар эса, яхши натижа бермаган. Операциянинг мураккаблигини Муҳтарама опа яхши биларди. Лекин у икки-уч минут ўйланиб туриб қатъий қарорга келди:

— Кўзингизни операция қиламан. Менимча: кўзингиз очилади. Чунки сизда шунга хоҳиш кучли, асаб торларингиз мустаҳкам экан.

Тамара ҳаяжонини босолмай энтикарди.

— Раҳмат, Муҳтарама Ҳамидовна, — деди у. — Мана шу сўзни кутиб ўттиз етти йил яшадим. Таърифингизни эшитганман. Лекин айтингчи, менинг ёшимга етган кишилардаги кўз катарактаси касаллигини аввал ҳам даволаганмисиз?

— Йўқ, сиз биринчиси бўласиз... Мен сизни чўчитаётганим йўқ. Сизга ва кўзингизнинг очилиб кетишига ишонганим учун бу операцияга жазм этяпман.

Тамаранинг кўзи ҳар тарафлама ўрганилди. Бемор психологик жиҳатдан операцияга тайёрланди. 6 майда у операция столига ётқизилди. Мана, Муҳтарама Ҳамидованинг ёнида ассистентлари: медицина фанлари кандидати Т. Умарова, Г. Лаукард, анестезиолог О. Соловьева ва операция ҳамшираси В. Чурсина хизматга тайёр, ҳушёр туришибди. Муҳтарама опа ўта эҳтиёткорлик билан аниқ ва чаққон ҳаракат қиларди. У ғоят нозик асбоб-ускуналар, қилдан ҳам ингичка ип ва игналарни ишга солиб, мўгиз пардасини кесиш ҳамда тикишдек ғоят мураккаб жарроҳлик ишларини амалга оширарди. Тажрибали профессор бу нозик ишларни жарроҳлик микроскопи орқали бажарарди. Бироқ, туғма кўрни операция қилиб даволашга уриниш Муҳтарама опанинг жасорати эди. Албатта бунда фан ва техника тараққиётининг катта муваффақиятларидан бири ҳисобланмиш кўз касалликлари микрохирургиясининг роли каттадир. Узоқ асабий таранглик ва матонатли меҳнатдан кейин операция тугалланди. Тамаранинг кўзи дока билан боғлаб қўйилди.

Орзиқтирадиган, ҳаяжонли кунлар бошланди. Муҳтарама опа ҳам ўша лаҳзанинг тезроқ келишини истарди. Тамарага қадар икки мингдан зиёдроқ операция ўтказган бўлса ҳам, ҳар қалай, мазкур операция шифокор учун яна бир синов эди. Шу сабабли доктор бемордан ҳар кун ҳол-аҳвол сўраб турди. Ниҳоят ўша дақиқа келди. Тамаранинг кўзини ечишга тараддуд кўрилди. Тамара ҳам, Муҳтарама опа ҳам ҳаяжонланарди. Дока олиб ташланди. Тамаранинг кўз олди илк дафъа қамашгандек ёришиб кетди, сўнгра жимирлаган тасвирлар пайдо бўлди: хонани ва ўзига жилмайиб тикилиб турган нажоткори — Муҳтарама опани кўрди! «Кўраяпман!» — дея қувончдан қичқириб юборди у. Тамара Муҳтарама опа тимсолида биринчи марта Инсон чеҳрасини, жамолини кўриш шарафига муяссар бўлди. Тамара ҳаяжонини ҳеч кимдан яширолмас, кўринган кишига қалбида пўртанадай тошаётган севинчини тўкиб солар эди:

— Кўзим туғма ногирон эди. Мана, кўряпман: олам рангин, одамлар гўзал! Мен кўзим очилиб иккинчи марта туғилдим. Ойижоним — Муҳтарама Ҳамидовнанинг табассумини кўрдим. Мен учун дунё табассум бўлиб туғилди! Олам Муҳтарама Ҳамидованинг табассумига ўхшайди!

ЧАРОҒОН ЙЎЛЛАР. Муҳтарама опа аслида адабиётга қизиқарди. У 1936 йили Шайхантаҳурдаги 1 Май номли етти йиллик мактабни битиргач, Ўрта Осиё Давлат университетининг ишчилар факультетига ўқишга кирди. Бу кезларда у шеър ҳам машқ қиларди. Шу сабабли у ўқишни аъло ўзлаштириш, комсомол ишларида актив иштирок этиш билан бирга адабий тўгаракка қатнашишга ҳам вақт топарди. Ишчилар факультетини тамомлаган кезлари акаси Ҳомидий ётиғи билан унга деди:

— Синглим, мен сенинг ТошМИда ўқишингни истардим. Мен адабиётчиман, оиламиздан доктор ҳам чиқсин-да. Ҳозирги вақтда халқимиз докторларга жуда муҳтож. Сенинг юрагинг ботир, эплаб кетасан.

Акасининг маслаҳати ва ёрдами билан 1939 йили Муҳтарама Тошкент Давлат медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Аста-секин унда танлаган касбига қизиқиш кучайди. Айниқса, Саид Румий, Алексей Никифорович Крженков, Исоқ Комилов, Дамин Соҳибов, Моисей Ильич Слоним, Николай Николаевич Кампанцев сингари мураббийларнинг лекцияларини берилиб тингларди.

У иккинчи курсни тугатиш арафасида эл бошига мусибат тушди. Улуғ Ватан уруши бошланди. Эр йигитлар Ватанни ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олиб жангга жўнадилар. Кўпчилик врач ва ҳамширалар ҳам жангга отландилар. Студентлар ўқиш билан бирга бўш вақтларида аҳоли ўртасида даволаш ишларини олиб борар, фронтдан келган ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатар эдилар. Ғоят қийин шароитларда ўқишга тўғри келди. Муҳтарама Ҳамидова барча қийинчиликларга чидади. Тиришқоқ, билимга чанқоқ қиз ўз орзу ва нияти сари интилди.

1944 йилда Муҳтарама Ҳамидова ўқишни имтиёзли диплом билан тугатди. Ундаги синчковлик, қатъият ва тиришқоқликни сезган профессор Пётр Фёдорович Архангельский Муҳтарамага илмий иш олиб боришни тавсия этди. Архангельский кўз касалликлари бўйича етук мутахассис эди. Ўша йили институт ҳузуридаги аспирантурага кирган Муҳтарама Ҳамидова Архангельскийга шогирд бўлиб тушди. «Висмут препаратларининг кўз касалликларига таъсири» деган темада илмий иш олиб бора бошлади. 1951 йили у кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Шу йилдан бошлаб кўз клиникасининг ассистенти, 1953 йилдан эса доценти вазифасида иш олиб борди.

Муҳтарама Ҳамидованинг педагоглик маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Табиатан хушчақчақ бу аёл дарсга кирганда, студентлар беихтиёр сеҳрланиб, дарс тугаганини билмай қолишади. Опа қизиқарли дарс ўтиш билан қаноатланмасдан, балки кўпчилик студентларни кўз доктори бўлишга жалб эта билади.

Муҳтарама Ҳамидова клиникадаги кундалик ишлар, лекцияга тайёрланиш ва дарс бериш билан бирга илмий ишни яна давом эттиришга бел боғлади. Энди олимани ҳомиладор аёллардаги кўз касалликлари ва туғиладиган болаларнинг кўриш органига таъсири масаласи қизиқтириб қолди. Дарҳақиқат, мазкур соҳада очилмаган қўриқлар кўп эди. У кечани кеча, кундузни кундуз демай, илмий изланишлар олиб борди, ҳомиладор аёлларнинг кўриш органларини, уларнинг ривожланиш жараёнини микроскоплар билан кузатди. Фан учун муҳим хулосалар чиқарди. Ниҳоят узоқ кузатишлардан кейин катта ҳажмдаги бой материал тўплаб, докторлик ишини вужудга келтирди. 1968 йил у медицина фанининг офтальмология соҳасини тараққий эттиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилган «Одамнинг ривожланишида кўриш анализаторининг периферик (устки) звеноси ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш оғир кечган баъзи ҳолларда оналарда ва болаларда кўриш органининг ҳолати» мавзуида докторлик диссертациясини Москвада муваффақиятли равишда ёқлади.

Дарҳақиқат, Муҳтарама Ҳамидо-

ва — умр юлдузи чароғон кулган, бахтиёр оналардан. Ахир бутун Ўрта Осиё хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи медицина фанлари доктори, биринчи профессор! Бинобарин, Ҳамидова Тошкент Давлат медицина институтининг катта илмий кенгашига аъзо, Марказий хирургия секцияси комиссиясига аъзо, Тошкент область кўз докторлари илмий жамиятининг раиси, Москвада чиқарилаётган Катта Медицина энциклопедиясининг кўз бўлими редактори, Ўзбекистон Совет энциклопедияси редколлегияси аъзоси, «Ўзбекистон медицинаси» журналининг редколлегияси аъзоси, Бутуниттифоқ Кўз докторлари илмий жамияти правлениеси аъзоси сифатида кўпгина жамоат ишларини амалга ошириб келди ва амалга ошираётир. Хуллас, минглаб кишиларнинг ногирон кўзини очиб, уларга ёруғ жаҳонни кўрсатган, минглаб студентлар учун моҳир педагог ва мураббий, илмий жамоатчилик учун юздан ортиқ илмий мақолалар, иккита монография ва учта брошюра муаллифи бўлиб танилган машҳур ўзбек олимасининг олижаноб ишларини санаб адоғига етиш қийин.

Муҳтарама опа — оилада эса меҳрибон ва жонкуяр она: бир ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Ўғли олий маълумотли инженер. Иккала қизи она изидан кетди. Катта қизи кўз доктори, кичиги Тошкент Давлат медицина институтининг тўртинчи курс студенти.

НОМАЛАР, НОМАЛАР... Мен Муҳтарама опанинг уйида альбомларни варақлаб ўлтирарканман, бир талай дил сўзлари битилган хатлар эътиборимни тортди.

— Мана бу хат чечак чиқиб кўзи кўрмай қолган Аҳрор Халиловдан, — деди Муҳтарама Ҳамидовна. — Мен унинг кўзига жони узилаётган бошқа бир кишининг мўғиз пардасини кўчириб олиб қўйганман. Кўзи кўрадиган бўлиб кетди... Буниси Омск шаҳрида истиқомат қилувчи Белоррссова деган бир аёлдан келган... Манависини молдавиялик Реприцева йўллаган. Унинг кўзини айрим кўз врачлари кўриб, тузатиш мумкин эмас, деган хулосага келган эканлар... Бунисини фарғоналик Жамолиддинов ёзган...

Биргалашиб ўқиймиз: «Ассалому алайкум, меҳрибон ва жонкуяр Муҳтарама Ҳамидова! Сизга уй ичимиздан қизғин салом. Сиз менинг ногирон кўзларимга нур бағишладингиз, нур билан қўшиб бахт ҳам бердингиз. Оиламизда қиз туғилди. Исмини Муҳтарама қўйдик. Бу оиламизнинг сизга бўлган улкан эҳтиромининг бир учқуни. Чунки, қизимизнинг номини аташда бенихоя сизни эслаймиз... Зора у ҳам сиздай шифокор бўлса!»

Мактубларнинг ҳаммаси ҳам мана шундай миннатдорлик, меҳр офтобининг нурлари билан йўғрилган бўлиб, ўқиган кишида ҳаяжон туғдиради. Айниқса, биз юқорида ҳикоя қилган Тамара Сергеевнанинг номаси ғоят таъсирлидир. «Салом, менга мана шу бутун ёруғ дунёни ҳадя этган ойижоним! Сизга аён: ўттиз етти йил кўзимни зулмат пардаси қоплаб ётди. Савод чиқариш у ёқда турсин, ҳатто одамлар чеҳраси қанақалигини билмасдим. Энди сизга йўллаётган қингир-қийшиқ ҳарфли мазкур мактубимни ўзим ёзаяпман. Сиз кўзимни операция қилиб, зиё берганингизга олти ой ўтди. Шу давр ичида қизимни ёнимга олиб, ёзишни ўргандим. Фақат сиз учун, яъни ўз қўлим билан сизга миннатдорчилик хати битиш учун ўргандим. Ниҳоят ниятимга эришдим: нома йўллаяпман. Бир умр сиздан миннатдорман, ойижон. Ногирон кўзларга қуёш қўндирган қўлларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин. Раҳмат, ойижон!»

Мактубларда порлаб турган дил сўзларига биз ҳам қўшиламиз. Қўлингиз дард кўрмасин Муҳтарама опа! Бу йил олтмиш ёшга тўлибсиз, қутлуғ ёшингиз муборак!

Эргаш МУҲАМЕДОВ

Жорж Амаду туғилган кунга 70 йил тўлди

«МЕН БУ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН...»

Бразилиянинг прогрессив адиби Жорж Амаду XX аср жаҳон адабиётининг Михаил Шолохов, Александр Фадеев, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Гарсиа Лорка, Николась Гильен каби машҳур вакилларидан ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб тарихий романларда Бразилиянинг бой табиати, ўзига хос жозибаси ва меҳнаткаш одамлари ҳаёти реалистик тасвирланган, мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ўз аксини топган.

Жорж Амаду 1912 йилда туғилган. Унинг ёшлиги Бразилияда колониализм зулми даҳшатларига тўғри келди. У болалик йилларини Байя штатининг Шимоли-Шарқий какао плантацияларида кечирди. Бу эса унинг меҳнаткаш халқ руҳий кайфиятини теран ҳис қилишига ёрдам берди.

Жорж Амаду адабиётга 30-йилларнинг бошида кириб келди. Бу вақтда муҳим ижтимоий масалалар, миллий-озодлик ҳаракати тараққийпарвар ёзувчиларнинг бош мавзуига айланган эди. Жорж Амаду ана шу тараққийпарвар оқимдан ўз ўрнини эгаллади. Унинг дастлабки асари — майда буржуа ҳаётини фош этувчи «Карнаваллар мамлакати» 1931 йили босилиб чиқди. Шундан сўнг ёзувчининг икки йирик асари — «Какао» (1933), «Тер» (1934) романлари чоп этилди. Жорж Амаду бу асарларида плантация ишчиларининг аянчли турмушини ва инқилобий ғоялар таъсирида халқ синфий онгининг шаклланаётганлигини реалистик тасвирлади. Бу мавзу кейинчалик истеъдодли ёзувчи ижодининг бош мавзуси бўлиб қолди. Шу ўринда адибнинг «Жубиаба» ва «Сахро дарғалари» романларини эслатиб ўтиш мумкин. «Бу романларимда мен ўз штатимнинг ҳаётини тўла-тўкис, бутун даҳшати билан кўрсатишга ҳаракат қилдим», деб таъкидлайди ёзувчи.

Халқ қалбида туғён урган озодлик учун кураш туйғуси Жорж Амаду асарларининг ғоявий-бадиий асосини ташкил этади. Ёзувчи «Ильеус шаҳри» романига: «Мен тарихдан ҳикоя қилмоқчиман. Бу шундай тарихки, даҳшатли воқеалар...», деган сўзларни — Бразилия халқи империализмга қарши куйлайдиган қўшиқ мисраларини эпиграф қилиб олгани ҳам шуни кўрсатади. Асарда империализмнинг умумлашма образи яратилиб, Бразилиянинг табиий бойликларини талон-тарож қилаётган Америка империалистларининг жирканч башараси Карлос Зуде образи воситасида очиб берилган.

Романда яна бир умумлашма образ яратилган. Бу — озодлик учун курашаётган, ёрқин келажакка элтувчи йўл излаётган Бразилия халқи образи.

Жорж Амадунинг социалистик реализм методи асосида яратилган «Подполье озодлиги» трилогияси Бразилия адабиётида янги воқеа бўлди. Адибнинг бу асари ҳақли равишда Лотин Америкаси мамлакатлари адабиётининг муҳим ютуқларидан ҳисобланади. «Подполье озодлиги» романи Бразилияда Коммунистик партиянинг йўлбошчилик роли ва ишчилар синфининг кураш йўлини кўрсатишга бағишланган. Бразилия халқининг 30-йиллар охиридаги ҳаёти, революцион кураши, партиянинг ички қурилиши, унинг сиёсий раҳбарлиги конкрет образларда акс эттирилган.

Маълумки, 1934 йили Бразилия Коммунистик Партиясининг Бош секретари Луис Карлос Престес етакчилигидаги империализмга қарши кучлар оммавий равишда инқилобий ҳаракат бошлаган эдилар. Лекин бу инқилобий ҳаракат аёвсиз бостирилди. Луис Карлос Престес қамоққа олинди. Партия яширин ишлашга ўтди. 1937 йили президент сайлови вақтида Житулис Варгас давлат тўнтариши қилиб, Бразилияда фашистик режим ўрнатди. Ана шундай тарихий воқеалар «Подполье озодлиги» романида ўз аксини топган.

Хуллас, Жорж Амадунинг «Подполье озодлиги», «Чексиз далалар», «Олтин мевалар ўлкаси» романларидан иборат трилогияси Лотин Америкаси мамлакатлари адабиётининг илғор тенденцияларини жаҳон тараққийпарвар халқлари кўз ўнгида тўла-тўкис намойиш қила олди.

Жорж Амаду асарларининг мавзу миқёси йилдан-йилга кенгайиб борди. Романларида фақат Байя штати эмас, балки бутун бир Шимоли-Шарқий Бразилиянинг ҳаёти — қашшоқлик ва зулм ўлкасидаги ҳақоратланган одамларнинг фожиали турмуши ўз ифодасини топди. Адибнинг «Қизил куртаклар» (1946) романи фикримизнинг далили бўла олади. Бу асар Жорж Амаду ижодининг социалистик реализм йўлида барқарор юксалаётганидан далолат берган эди.

Жорж Амаду иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда жамоат арбоби сифатида жонбозлик кўрсатди. У тараққийпарвар йўналишдаги «Оже» газетасига муҳаррирлик қилди. Бразилия Ёзувчилари уюшмасининг вице-президенти бўлди, СССР билан Маданий алоқалар институтининг етакчи раҳбарларидан бирига айланди.

Шунингдек, Жорж Амаду ўз халқини, она юртини жон-дилдан севган, эъзозлаган ва сиёсий воқеаларни чуқур партиявий руҳда баҳолай олиш фазилатларига эга бўлган публицист сифатида ҳам машҳурдир. Унинг ижодида Америка империализмига қарши кураш мавзуси катта ўрин тутади. Адиб 1948 йили Совет Иттифоқига қилган сафаридан сўнг шундай деб ёзди: «Реакционерлар Совет Иттифоқининг дўсти эканлигим учун, СССРни севганлигим учун, бир неча марта мени айбладилар. Ҳа, Совет Иттифоқига чексиз муҳаббатим борлиги рост. Мен бу билан фахрланаман».

Жорж Амаду «Совет тупроғи ҳақида қўшиқ» (1949) поэмаси ва «Жаҳон тинчлиги» (1950) публицистик китобларини ёзди. У «Совет тупроғи ҳақида қўшиқ» поэмасида социализм мамлакатида индустрлаштириш, коллективлаштириш, маданий инқилоб, биринчи беш йилликлар даври, Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонлик ва порлоқ келажак — коммунизм сари одим ташлаётган совет кишиларининг ҳаётини ёрқин мисраларда эҳтирос билан куйлади.

Жорж Амаду ижоди йилдан йилга равнақ топиб бормоқда. Бу ўринда унинг «Кекса денгизчилар» (1961), «Серташвиш кеча» (1964) ва энг кейинги асари «Мўъжиза дўкони» романларини эслаш кифоя. Адиб мазкур асарларида ҳам Бразилия халқининг ўзига хос характерини ҳаққоний тасвирлайди.

Атоқли коммунист адиб Жаҳон Тинчликни ҳимоя қилиш кенгашининг аъзосидир. У 1951 йили «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш» халқаро Ленин мукофоти лауреати бўлган.

Бразилиянинг улкан адиби Ўзбекистонда меҳмон бўлган, республикамиз бўйлаб саёҳат қилган. Ғафур Ғулом, Ойбек, Шароф Рашидов, Уйғун, Назир Сафаров, Воҳид Зоҳидов, Михаил Шевердин каби атоқли адиблар билан учрашган. Ўзбекистон бўйлаб қилган саёҳатида ҳамроҳ бўлган Мирмуҳсин билан дўстлашган. Шоир унга атаб шеър ёзган. Ж. Амадунинг автографли китоблари, хатлари унда сақланади. Серқуёш ўлкамизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси шарофати билан амалга ошган улуғ ўзгаришларни кўриб астойдил қувонган.

Олис Бразилиянинг улкан коммунист ёзувчисини, халқимизнинг содиқ дўстини муборак тўйи билан чин юракдан қутлаймиз.

Ғулом ҒАФУРОВ,
филология фанлари кандидати

Шаҳар четидаги боғ

Санъат МАҲМУДОВА

ҲИКОЯ

Бу БОҒНИНГ катта темир дарвозаси бор. Дарвозанинг олдига баҳайбат, қопоғич ит боғлаб қўйилган. Бу дарвоза бир кунда икки ё уч марта очилади, холос. Боғда эса олмалар шиғил-шиғил. Қип-қизил, оппоқ олмалар. Ҳосилни кўтаролмай шохи синиб кетганлари ҳам, тирговичга тиралиб, мажнунтолдек эгилиб турганлари ҳам бор...

Шафтолилар пишиб, тагига тушиб ётибди. Ким уларни териб олади? Олхўри ва олчалар эса шохида мева қоқи бўляпти. Ким уларни териб, мураббо пиширади? Хўп, мураббо пиширилган, компот қайнатилган тақдирда ҳам уларни ким истеъмол қилади. Бултургилари ҳали ози очилмай идишларда ётибди. Узум ишкомларини айтмайсизми... Қор ёққанида ҳам ишкомларда сап-сариқ узумлар осилиб туради.

Агар бу боғнинг меваларини иккиуч минг болага бир неча кун давомида бўлиб берилганда ҳам тугамайди. Дарвоқе, бу боққа болалар келишмайдими? Ҳа, келишмайди.

Бу боғ шаҳардан четда, энг баҳаво ерда жойлашган. Боғ ўртасида тўрт хонали шоҳона бир уй бор. Хоналар қимматбаҳо мебеллар билан жиҳозланган. Оғир-оғир гиламлар тўшалган. Ҳовлининг ўнг томонида икки қаватли шийпон, чап томонида суви шарқираб оқиб ётадиган сўлим анҳор. Анҳор устига ёғоч каравот қўйилган. Шабада ғир-ғир эсиб туради. Анҳор бўйи шунчалар салқинки, нақ оромижон. Лекин шу жаннатдай жойда пашша ҳам учмайди.

Уйда бировнинг қораси кўриндими? Ҳа, бу уйда фақат Латофатхоним ва унинг кекса бир хизматчиси яшайди. Бу икки аёл боғдаги мева-чевалардан кўп ейишмайди, акс ҳолда тишлари қамашиб қолади. Анҳор бўйига боришса, икковининг ҳам боди қўзғайди.

Латофатхонимнинг юзида, кўзларининг атрофида, пешонасида йирик, майда ажинлар... Сочи эса қоп-қора — ҳамиша бўяб юради. Қора қоши, шаҳло, ўйноқи кўзлари ёшлигида унинг ғоят чиройли бўлганидан далолат бериб туради. Лекин ёшлиги оқар дарё каби ўтди-кетди. Оҳ, кошки эди унинг умри ҳам дарёга ўхшаса! Дарё қанча-қанча экинларни суғоради, чўлларга жон бағишлайди. У-чи?

Латофатхонимнинг эри Солиҳ Эгамбердиевич анчагина машҳур киши эди. У шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирининг директори эди. Латофатхоним эса шу ташкилотда кассир бўлиб ишларди. У ҳуснлатофатда беқиёс бўлганиданми, Солиҳ Эгамбердиевични маҳлиё қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам Солиҳ шартта аввалги хотинидан воз кечиб, унга уйланиб олди. Латофатхон ҳам ўз нозу карашмалари билан эрини кафтига қўнадиган қилди. Унинг айтгани айтган, дегани деган эди.

Мана шу боғлар, мана шу уйлар ўша пайтларда барпо бўлган эди. Латофатхоним ва Солиҳ Эгамбердиевич кўп йил бирга яшадилар. Ой ҳам, кун ҳам икковлари учун чиқар эди. Уларнинг уйига казо-казолар меҳмон бўлиб келишарди. Улар ҳам казо-казоларникига тез-тез меҳмонга боришарди. Ҳар йили курорт, саёҳат...

Гоҳо-гоҳо Солиҳ Эгамбердиевичнинг уйида бир бола кўриниб қоларди. У бола Солиҳ Эгамбердиевичга қуйиб қўйгандек ўхшар эди. Лекин ҳеч ким бу болага эътибор бермасди. «Кел бу ёққа, ўғлим», демасди. Латофатхоним эса, унга заҳрини сочарди.

— Ҳув-в, яшшамагур, меросхўр, яна келдингми? Қани, жўнаб қол!

Бола ерга қараб орқасига қайтарди. Солиҳ Эгамбердиевич изма-из кўчага чиқиб, болага уч-тўрт сўм пул берарди. Уч-тўрт сўм. Бироқ Солиҳ Эгамбердиевич ана шу уч-тўрт сўм учун қанча гап эшитарди.

Кейинчалик бола келмай қўйди. Солиҳ Эгамбердиевич ҳам ўғлини, кўз очиб кўрган хотинини унутди. Худди уларни тушидагина кўргандек эди. Солиҳ Эгамбердиевичнинг ёнида Латофатхоним бўлса, бас. Латофатхоним кулса, бас. Латофатхоним яйраса, бас. Бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ, ҳеч кимнинг!..

Бу орада қанча сувлар оқиб ўтди. Солиҳ Эгамбердиевич юрак касали билан вафот этганини ўғли газетадаги таъзияни ўқиб билди. Келмоқчи эмасди, бетоб онаси қўймади:

— Бор, болам, минг қилса ҳам отанг-ку, уят бўлади,— деди.

Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

Солиҳ Эгамбердиевичнинг ўғли — Аҳмаджон бел боғлаб боққа кириб келди. Йиғлаб турган Латофатхонимнинг унга кўзи тушиб, бирдан шундай ўкрайдики, йигит зўрға дош берди. Тишини тишига қўйди. Мозордан қайтгач, темир дарвоза олдида таъзияга келганларни кузатиб турди. Кеч кира бошлади. Шу пайт Латофатхоним дарвоза ёнига чиқиб, унга силтаниб қаради. Йигит ғалати бўлиб кетди. Латофатхоним: «Гапим бор», дегандек уни имлади. «Нима гапи бор экан-а, қилмишлари учун узр сўрармикан?»

Йигит ҳамдардлик билан қадам ташлаб аёл ёнига борди. Хиёл энгашиб қулоқ тутди. Латофатхоним ғазаб ва шиддат билан пичирлади:

— Билиб қўй, ҳей тирранча, меросхўр бўламан, деб овора бўлма! Сенга нина ҳам бермайман!

— Менга ҳеч нарса керакмас, опа! Ҳечнарса... Мен таъзияга келганман!— Йигит титраб кетди. Яхшиямки, Солиҳ Эгамбердиевичнинг дўстларидан бири келиб, унинг елкасидан тутди.

— Киринг, опа, ичкарига!

Аҳмаджон ўша куни уйига қандай етиб борганини билмади. Шу-шу яна қайтиб боққа қадам қўймади...

Йиллар ўтди. Аҳмаджон институтни битирди. Уйланди. У бир умр онасининг хизматида бўлмоқчи, ёшлигида киймаганларини кийдириб, ёшлигида кўрмаганларни кўрсатиб, курортларга юбормоқчи эди. Эҳ, бўлмади, орага ўлим тушди. «Ўлим, бунчалар бешафқатсан! Отам... ўша бевафо отам куйдириб адо қилди онамни. Латофат! Мен ўч оламан ўша Латофатдан... Унинг ҳаёти кимга керак, кимга!»

Кунлар, ойлар ўтди. Аҳмаджон жаҳлидан тушди. Онасининг қабрига гуллар экди. Мармардан лавҳа ўрнатди.

У муштипар онасининг васиятлари ҳақида ўйлаб, яна Латофатдан ўч олиш ҳақидаги фикридан қайтди. Онаси бу ёруғ дунёда бор-йўғи қирқ беш йил яшаб, бировга ёмонлик қилмади. Бировни чертмади. Бир оғиз сўз билан кишининг кўнглига озор бермади. Бировнинг ҳақини емади.

— Аёл кишини ҳурмат қил, болам, ҳеч қачон аёл кишига қўл кўтарма!— дерди у.

— Хўп, онажон! Хўп!— Аҳмаджон қўли кўксида жавоб берарди.

— Уйлансанг, хотинингга вафодор бўл, болалорингни сев!— дерди она.

— Хўп, онажон!

— Бировнинг ҳақини ема, агар қўлингда битта олма бўлса, ёнингдаги одам билан бўлиб е! Агар бошпананг иккита бўлса, биттасини қийналиб қолганга бер,— дерди у...

Йиллар ўтаверди. Аҳмаджон уч ўғил, бир қизнинг отаси бўлди. Тошкентдаги тўққиз қаватли уйлардан бирида яшайди. Ўзи инженер, хотини медицина ҳамшираси.

Аҳмаджон кун ора Олой бозоридан болаларига олмами, шафтолими, турли мева-чева олиб келаётганида, ўзи истамаган ҳолда отасининг боғларини эслайди. Эслайдию яна дарров унутишга ҳаракат қилади.

Иссиқ авжига чиққан кунларда Аҳмаджон яна ўша кенг боғни, салқин анҳор бўйларини, болаларининг ўша боғда яйраб-яйраб юрганларини, анҳорда чўмилаётганларини хаёлан тасаввур этади. Тасаввур этадию қулоғи остида Латофатхонимнинг даҳшатли овози жаранглайди: «Нина ҳам бермайман!» «Керакмас, керакмас. Ҳеч нарса керакмас. Поклик, ҳалоллик керак менга. Ҳалоллик! Ширин-шакар фарзандларим, севгилим, шу гўзал ҳаётим керак менга!»

Кечқурун Аҳмаджон болаларини етаклаб, хотини билан маданият ва истироҳат боғида сайр этишади. Атрофида эса шодон одамлар, болаларнинг шўх кулгилари...

Шаҳар четидаги боғда эса... Кеч киради. Боғ қоронғилик қўйнида қолади. Латофатхоним ётишдан олдин ҳаммаёқни маҳкам қулфлайди. Бриллиант кўзли узук ва зираклари, тилла билагузуклари, тилла медальонлари солинган оғир қутичани ҳар куни ҳар хил жойга яширади. Гоҳ ёстиғининг остига, гоҳ газ плитасининг ичига, гоҳ сандиққа солади. Ана шу қутичадан, тилла заёмлари ва нуқул эллик сўмлик пуллари тугилган тугунчадан хавотир олиб, яхши ухлолмайди.

Шамол увиллайди. Дарахтлар ваҳимали чайқалади. Ит ғингшийди, томда нимадир дупир-тупир этади. Латофатхоним сакраб туриб ўтиради-да, кўксига туф-туфлайди. Титраб атрофга аланглайди. Эшикни кимдир очиб кираётгандек, қўрқувдан қулоқлари чиппа битади. Кейин... «Шифоньерни яхши қулфладимми?», деб гандираклаб-гандираклаб бориб хабар олади. Тугунчани яна бошқа жойга яширади. Ҳолдан тояди. Баданлари зирқираб оғрийди, қулоғига яна ваҳимали овозлар эшитилаверади. Электрни ўчирса, зимистон уни ютаман, дейди, ёқиб қўйса, кимдир унинг ёлғизлигини кўриб, мана ҳозир кириб, бўғиб ўлдирадигандай, бриллиант зиракларга эга бўладигандай. Хизматкор кампир ўлгур ёстиққа бошини қўйди дегунча пишиллаб ухлаб қолади! Дунёни сув босиб кетса иши йўқ...

Латофат жон-жаҳди билан турткилаб кампирни уйғотади.

— Туринг, туриб ўтирсангиз-чи, ахир, қўрқиб кетяпман. Нима бало, йилингиз уйқуми?

Кампир атрофга гарангсиб қарайди. Воқеани англагач, тиззасини қучоқлаб лом-лим демай ўтириб олади. Ҳадемай боши эгилиб, тиззасига тушади. Мушукдек беозор ухлайверади.

— Вой, худойим-ей, менгаям шундай уйқу ато этсанг нима қиларкин? Бу қора тун бунча ҳам узоқ бўлмаса?!

...Боғда мевалар ғарқ пишиб ётибди. Кенг айвондаги чипта креслода Латофатхоним ёлғиз, елпиниб ўтирибди. Унинг учун китобларнинг ҳам, газета-журналларнинг ҳам қизиғи йўқ... Эҳ, яна кеч киряпти. Ваҳимали тун уни гирдоб каби ўраб оляпти! «Яшшамагур Солиҳ, эрта кунда мени ёлғиз ташлаб кетдинг? Ҳа, номард!! Аввалги хотининг ўлгурни ўғлинг, набираларинг билан қолдирдинг. Мени-чи? Мени ким билан қолдирдинг, номард?!»

Ана, Латофатхон ҳамон ёлғиз. Назаримда, бир умр ёлғиз яшагандек. Унинг ажинлари яна ҳам кўпайган. Кўзлари хиралашган. Лекин бари бир кексаликка... айтишга тил бормайдию ўлимга чап бермоқчи, мана шу боғ учун, тилла буюмлари, заёмлари учун яшамоқчи!..

У кеч киришидан қўрқади. Тун даҳшатидан, бир кунмас-бир кун шамдек қотиб қолишидан қўрқади. Ўлиб кетса, шу боғ, бир умр йиққан давлати кимга қолади? Ана шундан қўрқади. Бари бир тун боққа ваҳима билан кириб келади...

Шаҳар четидаги ўша боғ сиртдан қараганда худди жаннатга ўхшайди...

Омон ХАЛИЛ

БОЛА ОВОЗИ

Дунё — гўзал, дунё қўйнида —
Жаранглайди тириклик сози.
Лекин таранг созлар ичида,
Энг гўзали — бола овози.

Ирмоқларда сувлар шилдирар,
Шилдираши — ишваси, нози.
Шилдир-шилдир сувдан ҳам дилбар,
Ширинроқдир бола овози.

Шивирлайди япроқлар хуррам,
Таралади дарахтлар рози.
Шивир-шивир япроқлардан ҳам,
Ширинроқдир бола овози.

Меҳварида айланар дунё,
Давом этар умр парвози.
Бахтиёрман: аримас асло,—
Қулоғимдан бола овози.

Бухоро

ҚИЗИЛ КИТОБДАГИ ЖОНИВОРЛАР

Ҳозирги вақтда камёб, йўқолиш арафасида турган жониворларнинг турлари ҳақида эшитмаган, билмаган одам йўқ ҳисоби. Табиатни ва табиат бойлигини сақлаш халқаро иттифоқининг 1600 йилдан буёнги «қора рўйхати»га кўра, 74 тур (1,23%) паррандалар, 63 тур сут эмизувчилар (1,43%) Ер юзида бутунлай изсиз йўқолиб кетган. Қуш ва йиртқичларнинг қирилиб кетган турдошлари ундан ҳам кўп. Шу ҳисобдан қирилиб кетган сут эмизувчиларнинг 75 фоизи, қушларнинг 86 фоизи инсон фаолияти билан боғлиқ. Бу «қора рўйхат»да денгиз сигири (уни 1741 йили В. Беринг бошлиқ рус экспедициясининг врачи ва табиатшунос Г. В. Стеллер ёзиб қолдирган), квагг зебраси, Жанубий Африканинг зангори отсимон оҳуси, Австралия ва Америкадаги бошқа жуда кўп жониворларнинг турлари бор.

Табиатни ва табиат бойлигини сақлаш халқаро иттифоқи Қизил китобининг биринчи нашри 1963 йили нашр этилди. Унинг икки жилдига сут эмизувчиларнинг 211 хил тури ва турдоши, қушларнинг 312 хил тури ва турдоши тўғрисида маълумот берилган. Китобнинг иккинчи нашрини тайёрлаш жараёнида эса баъзи ҳайвон турларининг йўқолиш хавфидан қутқарилганлиги аниқланди. Бунда албатта, Қизил китобнинг роли ва аҳамияти каттадир.

Қизил китобнинг охирги, 1978—1980 йилларда чиққан тўртинчи нашрига сут эмизувчиларнинг 226 тури ва 79 турдоши, қушларнинг 181 тури ва 77 турдоши, ўсимликларнинг 77 тури ва 21 турдоши, амфибияларнинг 35 тури ва 5 турдоши, балиқларнинг 168 тури ва 25 турдоши кирган. Улар орасида сут эмизувчиларнинг 7 тури ва турдоши, қушларнинг 4 тури, судралиб юрувчиларнинг 2 тури тиклангалиги тўғрисида маълумот бор.

Миллий Қизил китоблар бевосита халқаро Қизил китобни тўлдиради. Бундай китоблар бизнинг мамлакатимизда, Европа, Америка ва Австралиядаги қатор мамлакатларда мавжуд. Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Молдавияда Қизил китоблар нашр этилди, бошқа бир қатор республикаларда камёб жониворларнинг рўйхати тузилди.

Маълумки, йиртқичлар бутун жаҳондаги энг нозик ҳайвонлардан бўлиб, улар орасида мушуксимонлар оиласининг вакиллари ҳам бор. Бу оиланинг 37 туридан 14 тури, 7 турдоши Табиатни ва табиат бойликларини сақлаш халқаро иттифоқининг Қизил китобига кирган. Айниқса, йирик мушуклар одамлар томонидан кўпроқ қирғин қилиняпти. Уларнинг айрим турлари бутунлай йўқолиш хавфи остидадир. Шу боисдан улар халқаро ва СССР Қизил китобларининг таҳликали рўйхатида турибди.

Шулардан бири энг йирик Амур йўлбарсидир. Қалин ва узун юнг билан қопланган бу жонивор ранг-дор ва ёрқин кўринишга эга. Буғунинг хилма-хил турлари, тўнғизлар, гораллар ҳамда қуёнлар, қушлар, ёнутсимон итлар Амур йўлбарсларининг ўлжаси ҳисобланади. Одамни кўрганда йўлбарс кўздан ғойиб бўлади. Улар билан бир ерда яшаган одамлар юз марталаб юзма-юз келсалар ҳам, ҳеч хавфсирамайдилар. Ҳатто ўқ отилганда ҳам йўлбарс одатда эътибор бермай секин кетаверади. Йиртқич ноилож қолган тақдирдагина одамга ҳужум қилади.

Амур йўлбарсларининг ҳолати сон жиҳатидан ҳали унча кўп эмаслигига қарамасдан, яхши дейиш мумкин. Бунда мамлакатимиздаги табиатни қўриқлаш ходимларининг хизматлари каттадир. (Ўтган йиллар давомида йўлбарсларнинг болаларини ушлаб олиш ва улардан 60 га яқинини жаҳон ҳайвонот боғларига топшириш йиртқичларнинг салмоқли фондини яратишга имкон берди: 1980 йил 1 январгача жаҳон ҳайвонот боғларида Приморьеда ушланган 943 Амур йўлбарси ва унинг авлодлари яшар эди).

Узоқ Шарқнинг жониворлар дунёсини, шунингдек, гулбуғу ҳам азалдан бойитиб келади. Уни маҳаллий халқ беҳуда «Гулбуғу» деб атамаган. Чиндан ҳам у ниҳоятда чиройли: енгил ва ялтироқ, тиниқ малла рангли, ғаройиб ола буғудир. Ола буғулар Приморье совхозларидан Ўрта Осиё, Закавказье, Шимолий Кавказга, СССРнинг Европа қисмидаги кўпгина районларга келтирилди. Бу буғулар талай жойларда иқлимга мослашди, ҳозир уларнинг сони қарийб 60 мингдан ошиб кетди.

Инсоннинг паррандаларга нисбатан бўлган муносабати сут эмизувчиларга қараганда ҳам фожиавийроқдир. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, 1600 йилдан буёнги даврда Ер юзида 160 хил (турлар ва турдошлар) қуш супуриб ташланган. Халқаро Қизил китобнинг гувоҳлик беришича, ҳозир 258 хил қуш хавф остидадир.

Мисол учун турналарни олайлик. Турналар — группалари камроқ қушлардир. Улар ҳаммаси бўлиб 15 турдан иборат. Уларнинг етти тури, яъни салкам ярми Табиатни ва табиат бойлигини сақлаш халқаро иттифоқининг Қизил китобига киритилган. Хавф остида қолган турналардан даур турнаси, қора турна ва япон турнаси бизнинг мамлакатимизда уя қурадилар ва тухум очадилар. Шунинг учун уларга ҳамма ерда ва ҳамма вақт эҳтиётлик билан муносабатда бўлмоғимиз лозим.

Биз келтирган бу мисоллар табиатни қўриқлаш соҳасининг мутахассислари А. Банников ва В. Флинтнинг «Биз уларни қутқармоғимиз керак», деган очерклар китобидан олинди.

Карим АҲМЕДОВ

БИР САФДА

Республикамизда Кўрлар жамияти ташкил этилганига 50 йил тўлади. Кўзи ожизлар учун чиқариладиган «Бир сафда» — «В одном строю» журналининг бош редактори Карим Аҳмедов бу жамиятнинг ташкил этилиши ҳамда кўзи ожизларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида китоб ёзди. Қуйида парча ўқийсиз.

Болалар ўзларини қаҳрамон фаҳмлаб бир неча кунгача қилган ишларидан ўзлари кулиб, бозорда тараллабедод қилиб юришди. Лекин Зариф Эргашев ҳазиллашадиган кайфиятда эмас эди.

— Бозорни бошга кўтариб юришинглар етар энди!— дея қатъий талаб қилди у.— Бозорни ташлаб, бу ердан жўнаб қолинглар. Бошқа йўл йўқ. Сизлар нима деб ўйлаётибсизлар, шаҳарда Султонбойнинг одамлари йўқми? Унинг ўзи ҳам бирон гўрда бекиниб ётгандир. Дўкончи учун у сизларни ҳеч қачон кечирмайди, эҳтиёт бўлинглар.

Ёшлик — подшолик даври ўтиб қолганини болаларнинг ўзлари ҳам тушуниб қолишган, бозорда шўхлик қилиб юришга энди чек қўйиш кераклигини ҳис этишар эди.

— Ҳақиқатан ҳам агар Саримсоқ чолнинг гапига қулоқ солганимда,— деди Қудрат ётоқхонада,— мен ҳам ўшаларга шерик бўлардим. Пирмат Қурбонов билан Рустамнинг хуни мени тинч қўярмиди? Бас, етар, мен энди бозорга бормайман.

— Бу гапинг-ку тўғри-я,— деди хомуш бўлиб Абдушукур,— лекин тирикчилик нима бўлади?

— Сизлар Йўлдош отанинг олдига бориб, у киши билан маслаҳатлашинглар,— пичинг қилди Темур лабини буриб.— У одамнинг сизлардан бошқа дарди йўқ: «Қани менинг Қудратим билан Абдушукурим» деб кутиб ўтиргандир сизларни. Зариф акадан бошқа киши сизларни бошига урадими?

Темур айтган гап Қудратнинг юрагига ўтириб қолди. Дастлабига бу фикр сира ақлга сиғмайдигандек туюлди, лекин ўйлагани сайин кўнгли ёришиб борарди. Ахир, гап фақат Қудратда эмас эди-да. У бир амаллаб тирикчилигини ўтказиши мумкин эди. Лекин Қудратга ўхшаганлар шаҳар ва қишлоқларда қанчадан-қанча! Уларнинг масаласини биратўла ҳал қилиш зарур эди.

Кун пешиндан оғди. Болалар ҳали ҳам китоб ўқишар, аҳён-аҳёнда бир-бирларига луқма ташлаб қўйишар эди.

— Қорним пиёзнинг пўстидай бўлиб кетди. Регистон томонларни бир айланиб келмаймизми, а? Бирон нарса тамаида эмас, шунчаки кўнгил очиш учун,— деди муғомбирона илжайиб Абдушукур.

— Йўқ, мен бормайман,— дея ўқишида давом этди Қудрат.— Абдушукур, ўзи шундоғам дил хуфтон, нима қиласан ортиқча гапни гапириб?

— Қўлингдан нима иш келарди?— энсаси қотиб деди Абдушукур.— Кучинг бўлгани билан нима ҳам қила олардинг, оғайни?! Кўзинг мутлақо кўрмайдиган бўлиб қоляпти. Саримсоқ чолнинг пешонасига нима ёзган бўлса, сен билан бизнинг пешонамизда ҳам шу.

— Мен унга ўхшашни истамайман, тушунаяпсанми, истамайман! Мен яшашни, ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлишни, одам бўлишни хоҳлайман,— тўлқинланиб гапирди Қудрат.— Ишлаш керак, вассалом!

— Тўғри, Зариф ака бўзчини белбоққа ёлчитадиган одам. Лекин бизнинг аҳволимиз ўзимизга маълум-ку,— деди Абдушукур.

— Пирмат Қурбонов болалигимда менга «сен ўқитувчи бўласан», деган эди.

— Ўқитувчи бўлиш қўлингдан келади, албатта. Лекин ўқишингга ким пул тўлайди? Бу ёғини ўйлаб кўрдингми? Энг камида ўн йил ўқиш керак. Муаллим бўлиш осон эмас.

— Бу ёғини ўйламаган эканман,— очиқдан-очиқ тан олди Қудрат.— Унда ишим чатоқ-ку, нима қилсам экан, Абдушукур? Сендан ҳам оғайни бўлиб бирор маслаҳат чиқсин.

Абдушукур теварак-атрофга олазарак бўлиб бир қараб қўйди-да, шивирлаб гап бошлади:

— Темур-ку ҳазил-мазах қилиб гапирди, лекин Охунбобоевнинг олдига ҳақиқатан борсак нима бўлади? Унинг ҳазилида жон бор. Кетдикми? Ҳайдаб юбормас! Агар қабулига кира олсак, ундан маслаҳат сўраймиз.

— Бошқалар нима деркин? Зариф акадан сўраймизми?— иккиланди Қудрат.

— Ҳеч кимга оғиз очмаймиз. Агар маслаҳат солсак, «Ия, йўл бўлсин сизларга?! Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига», деб калака қилишади. Бу гап иккимизнинг ўртамизда қолади.

Бу фикр иккала дўстга ҳам маъқул тушди. Болалар республика Марказий Ижроия Комитетининг Раиси билан учрашишга тайёргарлик кўра бошлашди. Кийимларини ювишди, сочларини олдиришди.

— Балки мўйловимизни ҳам олармиз? Қўлга илиняпти, қуриб кетгур,— деди Абдушукур.

— Ҳа, мўйловимиз ҳам чиқиб қолди,— хомуш бўлиб гапирди Қудрат мўйловига бармоғини олиб бориб.— Абдулла тоғам мени Самарқандга олиб келганида зиғирдай бола эдим. Вақтнинг тез ўтишини қара... Охунбобоевнинг олдига борганимизда сен ҳамма нарсаларни эсда олиб қолишга тириш. Кейин менга айтиб берасан. Келишдикми, Абдушукур? Ҳар ҳолда сенинг битта кўзинг бор-ку, менинг кўзларим эса ўғган чироқдай бўлиб қолди.

— Бўпти, мен буларни эслаб қоларман, лекин у одамга нима дейишимизга ҳайронман,— хаёл суриб кетди Абдушукур.— Унинг олдига бориб оби-дийда қилсак, қисматимиздан нолисак, уят бўлмасмикан?

— Уят бўлганда қандоқ! Агар бунақанги гаплар чиқадиган бўлса, яхшиси мен бормай қўя қоламан,— унинг сўзини бўлди Қудрат.

Икки ўртоқ кечаси тинчроқ ухлай олишмади ҳам. Улар алғов-далғов тушлар кўриб чиқишди. Дарҳақиқат, уларнинг ўз олдиларига қўйган ниятлари катта, шу туфайли ҳаяжонланишлари ҳам шунга яраша эди.

— Нимага ўрнингизда ағдарилиб, пичир-пичир қилаверасизлар? Сизларнинг дастингиздан бизнинг ҳам уйқумиз қочиб кетди-ку, ахир!— тўнғиллади ярим кечада Темур.

Темур ҳеч гапни пайқамаслиги учун икки ўртоқ жим бўлиб қолишди ва шу ҳолатда ширин уйқуга кетишди. Эрта саҳарда улар ўринларидан туриб, умрларида биринчи дафъа дарсларини тарк этишди. Қудрат билан Абдушукурнинг қаёққа кетганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ, улар эса азонлаб республика Марказий Ижроқўми биноси олдига бориб олишган эди.

Республика Марказий ижроия комитетининг бошлиғи бу пайтда ўз ташвишлари билан жуда банд эди. Помешчик ва бойларнинг катта-катта ерлари энг камбағал деҳқонларга жуда секинлик билан берилаётган, ер-сувнинг сархили эса ҳамон бойларнинг қўлида эди. Раис кабинетида ер ишлари комиссарлиги вакили Сиддиқов билан Охунбобоевнинг референти Головко ўтиришарди.

— Мен сиздан хафаман, ўртоқ Головко, сиз менга нотўлиқ маълумотларни беряпсиз. Берган ҳисоботларингизга қараганда, деҳқонларга ерларни бўлиб бериш иши тугалланай деб қолган. Лекин деҳқонларнинг ёзаётган хатлари бутунлай бошқа нарсадан шоҳидлик бермоқда. Ҳалиям жуда кўп ер бойларнинг қўлида қолаётир...

— Ўртоқ Охунбобоев,— суҳбатга қўшилди Сиддиқов,— гапингизни бўлаётганим учун узр. Лекин жойлардан келаётган ҳисоботлар, ер ислоҳотидан бағоят мамнун бўлиб ёзаётган деҳқонларнинг мактубларичи?..

МИК Раиси Сиддиқовнинг ўз гапига «узр», «кечирасиз» деганга ўхшаш сўзларни қўшиб гапиришини Охунбобоев яхши билар, лекин бу одам аслида кимнинг йўлини тутаётганини тушунолмай диққат бўларди. Раис ўрнидан туриб, кабинетда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ҳаво очиқ, қуёш чарақлаб нур сочиб турар, мана бу эса нуқул «кечиринг»дан нарига ўтмас, гапи пойма-пой эди.

— Агар биз деҳқонларнинг шикоятига қараб иш тутадиган бўлсак,— бидирлади вакил лаби-лабига тегмасдан,— бу ишни ҳеч қачон ниҳоясига етказа олмаймиз, чунки ҳар қандай режимда ҳам, ҳар қандай ҳукуматда ҳам норозилар бўлган, бундан буён ҳам бўлаверади. Айниқса, деҳқонлар орасида. Майда хусусий мулк эгаси бўлган деҳқоннинг психологияси шундайки, унинг еридан кўра қўшнисиники дурустроқ бўлиб кўринаверади. Қўшнисининг суви ҳам сероб, ҳосили ҳам мўлроқ бўлиб туюлаверади...

— Нима қиласиз, гап сотиб, ўртоқ Сиддиқов?— дея унинг сўзини бўлди Охунбобоев энсаси қотиб.— Психологияни ҳам тилга олдингиз. Деҳқоннинг юрагидагини менчалик биларсиз-да! Сиз энг муҳим масалада янглишяпсиз, бизда режим эмас, ҳокимият амал қилади, ишчи-деҳқон ҳокимияти. Демак, сизнинг-ча, деҳқон ўз қўшнисига ҳасадгўйлик билан қарагани учун ўз ҳокимиятини ишлатмаслиги керак, шундаймі? Бой ва помешчиклар деҳқоннинг қўшниси эмас, балки душмани, синфий душмани! Партия бизга шундай деб сабоқ беради. Гап бундай, ўртоқ Головко, ер масаласига тааллуқли ҳамма материалларни менинг столимга қўйишингизни илтимос қиламан. Ер тузувчилар районларнинг карталарини етказиб беришсин... Сиз ҳозирча озодсиз, ўртоқ Сиддиқов.

Марказий ижроия комитети раиси

Мазкур комбинатнинг шишаларга металл қалпоқчалар тайёрлаш цехида хизмат қилувчи Абдураҳим Солиҳов меҳнатга масъулиятли муносабати билан бошқаларга ибрат бўлаётир.

Н. Шарипов фотоси

столи устида ҳужжатлар билан лиқ тўла папкалар турарди. Референт унинг қаршисида ўтириб, керакли протоколлар, справкалар, схемаларни титкиларди. Улар иш билан бўлиб, вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолишганди. Охунбобоев бир ҳужжатга кўз югуртириб, фиғони фалакка чиқди.

— Василий Фёдорович, мана сизга яна бир қизиқ ҳужжат — деҳқонлар умумий йиғилишининг қарори... «Гражданин Тожиддин Хўжаевнинг оиласи катталигини ва моддий шароити ниҳоятда оғирлигини ҳисобга олиб, ерининг ярми, яъни саксон гектари мусодара қилинсин, қолган ярми эса оиласига қолдирилсин...» Имзо ўрнига бармоқ босишибди. Гражданин Хўжаевга ҳаддан ташқари рақмдиллик қилиб юборишмадимикан, а? Саксон гектар-а! У одам ўзининг энг хароб, ташландиқ ерларини берганига имоним комил. Жойлардаги бошлиқларимиз жудаям меҳр-шафқатли чиқиб қолишди-ку! «Моддий шароити ниҳоятда оғир...» эмиш. Собиқ бойнинг шароити-я! Василий Фёдорович, МИК мажлисида кўриб чиқиш учун масала тайёрланг.

— Докладни Сиддиқов қиладими?— деб жилмайди Головко.

— Докладни Охунбобоев қилади.

Головко соатига қараб қўйди:

— Овқат пайти ҳам бўлиб қолибди-ку, Йўлдош Охунбобоевич.

— Шунақами? Шунча ўтирибмизми, а? Бирор тамадди қилиб олсак бўларди,— ўрнидан турди раис.

Охунбобоев кабинетида бир ўзи қолганидан кейин календарига нимандир ёзди-да, стол устидаги қоғозларни йиғиштириб ташқарига йўналди.

— Азиз ўртоқлар,— эшитилди навбатчининг товуши,— шахсий масалалар бўйича навбатга ёзилиш керак! Ҳозир тушлик маҳали...

— Биз шахсий масала билан эмас,— деди ўспирин. Охунбобоев зинадан тушиб, навбатчини ва эрталаб ойнадан қараганида шу ерда бошлашиб юрган икки йигитчани кўрди.

— Менда ишингиз борми, йигитлар?— деб сўради Охунбобоев.

— Ҳа, сизда, ўртоқ раис!— баравариға жавоб беришди йигитчалар қаршиларида ким турганини пайқаб.

— Бундай йигитларни қўймасангиз, кимни қўясиз, ўртоқ навбатчи?— жилмайди Охунбобоев.— Қани, юринглар-чи бу ёққа, ўртоқлар.

Тушлик маҳали аллақачон ўтиб кетган эди. Навбатчи жиғи-бийрон бўлиб, охири референтдан маслаҳат сўради:

— Барака топгур, Василий Фёдорович, ўзингиз ўйланг, яна овқатланмадилар-ку? Нима қилсам экан?

Кабинетда эса суҳбат авжида эди.

— Бояги-бояги, Бойхўжанинг таёғи, ўртоқ Охунбобоев,— деди Қудрат МИК Раисининг эътиборидан ва унинг хайрихоҳлик билан берган саволларидан руҳи кўтарилиб.— Қишлоқда ер барибир уларнинг қўлига ўтади. Онам еримизни дўнончига сотмай яхши иш қилди, лекин оқ ит, қора ит — бари бир ит. Бошқа битаси келиб ахийри онамни бунга унатади. Оқибатда ер бойники бўлиб қолаверади.

— Бизнинг районимизда-чи, ўртоқ раис,— деди Абдушукур,— одамлар мажлисда оғизга сўк солиб олгандек жим ўтираверади. Нега десангиз, қўрқади. Бойлар ўлгудек писмиқ бўлар экан. Уларнинг замони аллақачон ўтиб кетганлиги учун мажлисларда миқ этмай ўтиркандда, йиғинда кимки уларнинг мушугини «пишт» деса, «ҳап сеними» деб қўйиб, кейин панадан тош отаркан. Уларнинг ерларини тортиб олиш керак, ҳамма деҳқонлар шундай дейишяпти.

— Демак партиямизнинг бойлар ихтиёридаги ер-сувни буткул мусодара қилиш тўғрисидаги снёсатини халқ қўллаб-қувватлайди. Шундайми?

— Албатта!— деди бараварига икки дўст.

— Маслаҳатларингиз учун раҳмат. Энди менга нима хизматингиз бор? Гапираверинглар, тортинманглар, мабодо ёрдам-пордам...

— Ёрдам керак эмас,— хафа бўлди Қудрат.— Кўплар бизни тушунишни хоҳламаяпти. Иш тўғрисида оғиз жуфтлагудек бўлсак, «сизларга қандоқ бўларкин?» деган жавобни эшитамиз нуқул. Биз бўлсак ўз нонимизни ўзимиз топиб емоқчимиз. Тиланчилик билан эмас, алдоқчилик билан эмас, пешона теримиз билан кун кўрмоқчимиз. Биз ўзимиз ишлаб, она сутидек ҳалол ҳаққимизни олсак деймиз — ҳамма гап шунда. Лекин, очиғини айтсак, бизни ишга оладиган мард топилмаяпти.

— Бизнинг партия ва ҳукуматимиз ҳеч кимни ишсиз қолдирмайди. Аммо сизларнинг ҳар биттангизга алоҳида иш топиб бериладиган бўлса, ҳеч қачон биринғиз икки бўлмайди, чамамда. Агар бошқа йўлдан борилса-чи, йигитлар? Масалан, ҳамма ожизлар бирлаштирилса? Артелгами, кооперативгами. У тақдирда ҳеч кимга муҳтож бўлмайсиз, нима қилиш, қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, уни давлатга сотиш масалаларини ўзларингиз ҳал этасиз. Киши ўзига, ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлиши керак. Хўш, сизлар бу ҳақда нима деб ўйлайсиз? Ҳамма ожизларни йиғинг, улар билан дардлашиб, бирлашиш зарурлигини уқтириб, ҳаммаларингиз бир маслаҳатга келишингизга кўзларингиз етадими? Фақат Самарқандда эмас, бошқа шаҳарларда ҳам шу иш қилиниши керак. Гап сизларнинг ўз ташкилотингизни тузиш устида кетяпти. Унинг шакли қандай бўлишини ўйлаб кўрамиз, ташкилий ишни эса ожизлар ўз қўлларига олишлари керак. Қалай? Агар Марказий Ижроқўм бу ишни сизларга топширса, уддалай оласизларми?

Йигитлар ўйга толиб қолишди. Улар ҳали ёш, ҳаёт тажрибалари кам бўлишига қарамай, Ота топшираётган вазифанинг нақадар муҳим, айни вақтда ғоятда қийинлигини тушунишар, шунинг учун дафъатан бир нима дейишга журъат этмай турар эдилар.

— Жавобига шошмасанглар ҳам бўлади,— деди мулойимлик билан Охунбобоев.— Тушуниб турибман, бу иш ёлғиз икковингизга оғирлик қилади. Ўртоқларингиз билан гаплашиб, маслаҳатлашиб кўринглар. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганлар. Кейин менга тегишли ўртоқлар маълум қилишади. Узаро фикр алмашиб, муҳокама қилиб, айтайлик, бир ҳафтадан сўнг бирор тўхтамга келарсизлар. Уқиш масаласига келганда, сен кўнглингни тўқ тутавер, Қудрат. Уқиш бизда бепул, агар сен муаллим бўлишга қатъий қарор қилган бўлсанг, жуда яхши. Биринчи навбатдаги вазифа: барча ўртоқларингизни уюштириб, дарбадарлик, тиланчиликка қарши ўт очишингиз керак. Одамларни ишга ўргатиш зарур. Саримсоқ фолбиннинг жирканч ҳаёти ҳамма ожизлар учун бир сабоқ бўлсин.

Дўстлар жиддий қиёфада кабинетдан чиқишди.

Охунбобоев кабинетга референтини чақирди:

— Василий Фёдорович, болалар кетиб қолмасин тағин, бир оз тўхтатиб туринг. Уларнинг ҳар бирига МИК кассасидан йигирма беш сўмдан беришсин. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Мени тўғри тушунишар, деб ўйлайман. Бу — хайр-садақа эмас. Улар энди ишга киришяптилар, қўллаб-қувватлашимиз керак. Мени айтди дерсиз, ҳали улар Совет ҳокимиятининг ожизлар ўртасидаги мухтор вакиллари бўладилар.

...Эртаси куни инвалидлар уйида Қудрат билан Абдушукурнинг кимсан Охунбобоев қабулида бўлишгани ҳақида дув-дув гап тарқалди.

Бирданига ҳамма дув этиб болаларни қуршаб олди, савол устига савол ёғилиб кетди. Бунга ҳам қанот ҳосил қилишмай, чоғроқ бир клубга тўпланишди. Жамоат жам бўлгач, Қудрат батафсил ҳикоя қила бошлади. У биринчи марта йиғинда гапираётгани учун дастлаб анча ҳаяжонланди. Аммо асосий фикрни тўғри ифода қилиб берди:

— Ҳар биримиз алоҳида-алоҳида тирикчилик қилсак, қийналиб қоларканмиз. Ё тиланчилик қилишимиз, ё Саримсоқ фолбинга ўхшаб одамларни алдашимиз керак, ёки ҳақиқий совет кишилари бўлиб яшашимиз керак — қўйилаётган масалани мана шундай тушуниш зарур, тўғрими, Абдушукур? Ўртоқ Охунбобоев худди шундай дедилар. Вассалом! Демак, бизларнинг ҳаммамиз бирлашиб, артель тузишимиз керак.

— Оббо, бу қанақаси бўлди, кўр бўла туриб тағин ишласак?— тўнғиллади Комил деган кекса кўр.— Ишлаш эмиш. Шўро ҳукумати бизга қараб қолибдими? Хонлар, амирлар замонасида ҳам бизга тегмаган эдилар-ку...

Қудрат бир оз саросимага тушди. У Марказий Ижроқўм Раисининг оқилона маслаҳатларига ҳаммани осонгина кўндираман деб ўйлаган эди. Демак, тақдири азални ўзгартириб бўлмайди, деб ўйловчи фақат Саримсоқ фолбин эмас экан-да.

— Тўғри, ишлашга мажбур қилмаганлар, бу гапингиз рост. Лекин одам қаторига ҳам қўшмаганлар-да. Берсанг — ейман, урсанг — ўламан, деб ирювер, тиланчилик қиласанми, фол боқасанми... Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Гадой бечораларнинг эшитган ҳақоратларини айтмайсизми? Биз ҳам барча сингари яшашимиз ва меҳнат қилишимиз, оилали, бола-чақали бўлишимиз, ўз хонадонимизга эга бўлишимиз мумкин-ку, ахир.

— Шабаданг баланд-ку, ука,— яна минғирлади Комил,— ҳукуматинг сенга кўз ҳам берар... Агар кўзинг очилса, гапинг ростлигига ўшанда ишонаман.

— Йўқ, Комил амаки, ҳеч ким бизга кўзимизни қайтариб бермайди. Совет ҳукумати бизга бошқача ҳаёт, рўшнолик беради.

Ҳаяжонланганидан ва ўзгача ҳаётга бор вужуди билан ишонганидан йигитнинг товуши қатъий янгради.

— Биз биргалашиб, кооператив бўлиб ишлашни хоҳловчи барча кўрларни тўплашимиз, ўзимизнинг ташкилотимизни тузишимиз керак. Биз ҳаммамиз бир бўлишимиз керак, шундагина тоғни урсак, талқон қиламиз.

Инвалидлар уйида ҳеч қачон ўша кундагидек давомли ғала-ғовур бўлмаган эди. Зариф Эргашев Қудрат билан Абдушукурни ўз кабинетига таклиф қилди.

У бир оз жим туриб, сўнг жилмайди:

— Оббо тирранчалар-ей! Республика Марказий Ижроқўми Раисининг вақтини олишга қандай журъат этдингизлар? Бўпти, бўпти, ҳазиллашяпман. Зўр иш қилибсизлар. Энди енг шимариб ишлашга тўғри келади.

Бир неча кун давомида инвалидлар уйида истиқомат қилувчиларнинг хоналарида баҳсларнинг кети узилмас эди.

Кунлардан бир куни Зариф Эргашевни шаҳар Советига чақиришди. У куннинг иккинчи ярмида қайтди. Қиёфаси жиддий, бир оз ҳаяжонлангани сезилиб турар эди. Бир зумда уни ўраб олиб, сўроққа тута бошладилар.

— Шошманглар ахир, нафасимни ростлаб олай,— ялинқиради Зариф Эргашевич.— Фавқулодда бирон ҳодиса бўлгани йўқ. Сессия бўлди, мени шаҳар Советига аъзо қилиб сайлашди. Бу ҳаммамизнинг ютуғимиз. Ишоняпсизларми, кўрларнинг вакилини шаҳар раҳбар органларига сайлашяпти. Сессияда яна бизларга инвалидларнинг ўқув-ишлаб чиқариш артелини очиш вазифаси топширилди. Ишни йўлга қўйишимизда ёрдам бўлсин деб ҳатто пул ҳам ажратишди.

Ҳамма «Ура!» дея чапак чалиб қичқириб юборди.

Узбекистон халқ рассоми Лутфулла АБДУЛЛАЕВ.

МУҚИМИЙ ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАРИ

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

Муқимий ҳажвий ҳикоя устасидир. Унинг ўзбек классик шеъриятида бутун бир даврни ташкил этган «Саёҳатнома»лари, «Воқиаи Виктор», «Масковчи бой таърифида», «Воқиаи кўр Ашурбой ҳожи», «Тўй» каби машҳур асарлари шеърий ҳикоя асосида яратилган. Баъзи тадқиқотчилар Муқимийни ўзбек шеъриятида ҳажвий шеърий ҳикоя асосчиси сифатида ҳам эъзозлайдилар. Албатта, бу фикрда жон бор. Аммо муайян бадиий ҳодисани у яратилган давр миллий тафаккуридан айрим тарзда баҳоламаслик керак. Чунончи, баайни саёҳатнома жанри каби, ҳажвий шеърий ҳикоя шакли ҳам ўзбек миллий бадиий тафаккури тарихида ўзининг узоқ ва мураккаб тадрижига эгадир.

Албатта, бадиий тафаккурнинг турли соҳалари (чунончи, адабиёт, фольклор, тасвирий санъат ва ҳоказо) ўзаро узвийликда тараққий этади. Демак, бадиий тафаккурнинг турли соҳаларини комплекс ўрганганда, муайян бадиий ҳодисанинг аҳамиятини равшанроқ белгилаш мумкин бўлади.

Жумладан, ҳажвий шеърий ҳикоя сарчашмалари ҳақида ўйлар эканмиз, Қўқон қизиқчилик мактаби ва Муқимий ижоди ўртасида муштараклик мавжудлигини кўрамиз. Қўқон қизиқчилик мактаби намояндалари ижодида комедия, кулги-ҳикоя жанри ҳам муҳим ўрин тутар эди. Машҳур «Заркокил» комедияси мазмунини ташкил этган ҳаёт ҳақиқати қайси тарзда бадиий ҳақиқатга айлантирилганини ўрганиш шуни кўрсатадики, халқ ижодкорлари диндорлар зикрини «Вой, жоним» рақси ва «Заркокил» қўшиғи билан алмаштирганлар.

Бу кашфиёт — муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бадиий ечим Қўқон қизиқчилик мактабининг халқчил, демократик муҳити самараси ўлароқ вужудга келган. Халқ санъаткорлари хон амридан ўз дунёқарашлари ва ижодий принципларини яна бир марта ёрқин намоён қилиш воситаси сифатида фойдаланганлар. «Заркокил» комедиясида зикрнинг рақс ва қўшиқ билан алмаштирилиши — раиснинг ўйинга қўшилиб кетиши чуқур ижтимоий мазмунга моликдир. Зеро, садрга қўшилиб кетиши раиснинг шариат ҳимоячиси сифатидаги обрўсига зарар етказмайди, балки унинг жўш-хурўшга кирганини кўрсатади. Буни комедияга тўппа-тўғри кўчириш ҳеч қандай ҳажвий таъсирга эга бўлмас эди. ~~Раиснинг рақсга қўшилиб кетиши~~ диний тақиқларнинг нақадар ноҳаётий ва нотўғрилигини — инсоннинг руҳий эҳтиёжларига, гўзалликка бўлган туғма эҳтиросларига қарши эканлигини бадиий ифодалайди. Шу тақиқлар мажмуи — шариат қонунлари қандай амалга оширилишини назорат қиладиган раиснинг беихтиёр ўйинга қўшилиб кетиши унинг кўнглидаги табиий инсоний ҳислар уйғонганлигини, ваҳоланки, шариат қонунлари инсон руҳини исканжага олиш қуроли эканлигини бадиий акс эттиради. Бу маъно эса катта демократик аҳамият касб этади. Комедия, наинки, раиснинг, балки унинг шахсида тажассум топган мутаассибликнинг ҳажви бўлиб қолади.

Демак, бундай ҳозиржавоблик аниқ демократик йўналишли халқ бадиий тафаккурининг барқарор хусусиятларидан бири эди. Муқимий эса халқ бадиий тафаккурининг ана шундай фаол муҳитида камолга етган граждан шоир эди. Демак, у халқ бадиий тафаккури, классик шеърият анъаналари заминида мустаҳкам турган ҳолда баркамол ҳажвий шеърий ҳикоялар яратди. Муқимийнинг новаторлиги шундаки, у халқ бадиий тафаккури йўлидан олға борди, анъанавий мазмунни янги мазмун билан алмаштирди. Худди халқ комедиялари, кулги-ҳикояларида бўлгани каби, Муқимий ҳажвий ҳикояларида ҳам ҳаётий ҳақиқат бадиий ҳақиқат даражасига кўтарилган.

Умуман, ҳар бир катта санъаткорнинг, жумладан, Муқимийнинг ижодий тақдирида фольклор муҳим аҳамият касб этади. Фольклор тажрибаси ижодкорни халқ ҳаётидаги руҳий мангуликка дахлдор ҳолатларни кўришга ўргатади, уларни тасвирлаш учун бадиий шароит ва воситалар яратиб беради.

Тошган дарёнинг бир қайтиши, қайтган дарёнинг бир тошиши — бор гап... Бадиий тафаккурнинг камолот нуқтасига кўтарилиши ҳам, таназзулга юз тутиши ҳам табиий ҳодиса. Лекин Шарқ классик шеъриятининг, ўзбек халқ бадиий оғзаки ижодининг гўзал анъаналари руҳида тарбияланган Муқимий ижодида халқ комедиялари ва кулги-ҳикоялари адабий шаклда давом этди ва Муқимий реализмининг янада ёрқин тарзда рўёбга чиқиши учун восита бўлди.

Демократик шеъриятда, хусусан, Муқимий ижодида намоён бўлган ғоявий-бадиий маҳоратни ўзбек миллий ижтимоий онгида, бадиий тафаккурида юз берган ижобий ўзгаришлар зуҳури сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бадиий тафаккурнинг муайян соҳасидаги муваффақиятлар ва фазилатлар ўз бандида очилиб сўлмайди, балки бошқа соҳаларга ҳам кириб боради, янгиланади, яшаради ва камол топади. Қўқон қизиқчилик мактабига хос энг эзгу ғоявий-бадиий хусусиятлар демократик шеъриятда, хусусан, Му~~қимий позициясида янада зўр ғоявий~~ бадиий куч билан намоён бўлгани бежиз эмас.

Аммо Муқимий шеърий ҳикояларининг бу қадар мукаммал тарзда туғилишига асос берган бадиий замин ҳақида ўйлар эканмиз, иккинчи бир манбани — бевосита классик шеъриятнинг ўзини, чунончи, Махмур ижодини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Адабиётшунос олим Азиз Қаюмов Махмурнинг «Дар ҳажви Хўжа Мирасад» шеъри ҳақида тўхталиб шундай дейди:

«XIX аср I ярмидаги Қўқон адабий ҳаётида Махмурнинг ана шу шеъридан бўлак сюжетли шеър учрамайди. Демак, бу ўша давр шеъриятидаги бир янгилик эди». Албатта, бадииятдаги ҳар бир янгилик катта маънавий-ижтимоий эҳтиёж талабида вужудга келади. Демак, ўзбек ёзма адабиётида Махмур ижодида шаклланган шеърий ҳажвий ҳикоя Муқимий ижодида янги ғоявий-бадиий камолот поясига кўтарилди.

Маълумки, Алишер Навоий ғазал композициясини яхлитлаштиришга воқеабандлик асосида эришган эди. Воқеабандлик ғазалнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, унинг бадиий шакл сифатида мазмун билан бирлигини таъминлашда катта хизмат қилди.

Воқеабандликни Навоий — Махмур — Муқимий ижодий тадрижида ўрганиш ўзбек миллий бадиий шакллари табиий тараққиётини ўрганиш жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Ўзбек классик шеъриятида воқеабанд шеър — шеърий ҳикоя тадрижини ўрганар эканмиз, Алишер Навоий ижодини унутишимиз мумкин эмас. Буюк устод ғазалиётга воқеабандлик бағишлади, ғазалиётни навбатдаги янги бадиий босқичга кўтарди. Буни Навоийнинг кичик замондоши Заҳириддин Муҳаммад Бобир биринчи бўлиб қайд этди. У ўзининг «Мухтасар» асарида жумладан: «Боштин оёқ бир ҳикоят тарзида манзум бўлубтур» дейди ва Навоийнинг «Ўтган кеча мен эрдиму ул сиймтан эрди» деб бошланадиган ғазалини тўла келтиради. Бобир Навоий ғазалиётидаги воқеабандликдан ижодий таъсирланади. Унинг «Туно кун бирла бир тун мажлиси хуш эди» деб бошланадиган ғазали шу тариқа вужудга келади. Бобир мазкур ҳодисани «Мухтасар»да алоҳида таъкидлаб: «Мир Алишер Навоий ғазали тарзида бу ғазалда доғи боштин аёқ бир ҳикоят манзум бўлубтур», деб изоҳ беради.

Ўзбек классик шеъриятида воқеабандлилик Навоий ижодидан бошлаб тадрижий равишда ривожланиб борди. Биз буни Гулханийнинг «Зарбулмасал»ида, Увайсий, Пошшохўжа, Маъдан ижодида кузатишимиз мумкин. Аммо воқеабандлилик Муқимийгача бўлган даврда Махмур ва Жонмуҳаммад Жоний ижодида қабариқ бир тарзда намоён бўлди.

Дарҳақиқат, тафаккурнинг ривожланиш йўли тўлқинсимондир. Шу боисдан баъзи шоирлар ижодида фавқулодда пайдо бўлиб қолгандек туюладиган бадиий кашфиётлар тадрижий ва зарурий бир тарзда юзага келганлигига ишонасиз.

Муқимий ижодида, айниқса ҳажвиётида ўрин алмашаётган икки давр манзаралари акс этган. Шоир лири~~каси, лирик қаҳрамони нисбатан~~ анъанавий бўлса ҳам унинг ҳажвиёти тамомила янги қатламларни акс эттиради. Унинг асарларида халқнинг оддий вакиллари — камбағал меҳнаткашлар, ҳофизлар, созандалар, беданабозлардан тортиб, кариллаган маҳаллий бойлар, масковчи бойлар, капиталистларнинг гумашталари, Андижон зилзиласи воқеаси, Дукчи эшон қўзғолонига сукутли хайрихоҳлиги, 1892 йил қўзғолони қаҳрамонлари — 1897 йил 3 февралда Қўқонда вафот этган Инъомхўжа Умурёхўжа ўғли, бир неча йиллар Сибирда сургунда бўлиб келган Аҳмадхўжа Абдурашидхўжа ўғли ҳақидаги маълумотлар, сайлов воқеалари акс эттирилади. Агар бу тақдирларни хаёлан бирлаштирсангиз, Муқимий ижоди моҳиятан бутун бир шеърий роман — ижтимоий ҳаёт солномаси бўлиб туюлади.

Муқимий давридаги ижтимоий ҳаёт моҳиятини доҳиймиз В. И. Лениннинг қуйидаги сўзлари билан таърифлаш мумкин: «Монополия пайдо бўлмасдан аввалги капитализмнинг, яъни эркин конкуренция ҳукм сурган замондаги капитализмнинг юксалиб ҳаддига етган даври 1860 ва 1870 йилларга тўғри келган... Энди мустамлакалар босиб олишнинг ғоятда «авжи» худди шу даврдан сўнг бошланганини, ер юзини бўлиш учун бўлаётган курашнинг худди шу даврдан сўнг фавқулодда кескинлашганини кўрамиз. Демак, капитализмнинг монополистик капитализм босқичига ўтиши, молия капиталига ўтиши дунёни бўлиш учун олиб борилаётган курашнинг кескинлашиши билан боғлиқ эканлиги шубҳасиздир»[1].

Таъкидлаш мумкинки, ўзбек демократ шоирлари мустамлакачилик аппаратининг паррагини айлантирадиган воситаларни тобора тўғри ва чуқур бадиий идрок эта бордилар. Завқий ғазалига Муқимий боғлаган ва муқимийшунослар «Вексель» деб номлаган мухаммас шу нуқтаи назардан эътиборни тортади.

Адабиётшунос олим Абдурашид Абдуғафуров «Муқимий сатираси» китобида бу асарниноширлар «Вексель» деб нотўғри номлайдилар, дейди. Чунки Завқий ғазалида ҳам, Муқимий мухаммасида ҳам тасвирланганидек, Қўқон хонлигини узилкесил бўйсундириб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган чоризм 90-йилларда бу ерда пулислоҳоти ўтказади. Туркистон билан алоқадор бўлган метрополия капиталистлари манфаатларини кўзлаб кўрилган бу сиёсий-иқтисодий актга мувофиқ, Қўқон хонлигида зарб этилган кумуш танга пулнинг қиммати 25 процентга камайтирилади.

Муқимийнинг:

Нуқра — кумушларидин бойлар
хижил, пушаймон;

Завқийнинг:

Ҳар тангада миридин яққол зиёни
чиқди;

ёки, «ҳар бир танга (20 тийин) уч мирига (15 тийинга) ҳисобланади», деган буйруқ чиқди» маъносидаги:

Қирқ кунда уч миридин буйруқ
дегони чиқди,—

мисралари, шунингдек, Муқимийнинг нашрлардан тушириб қолдирилган:

То ўтти Русиёга Фарғонанинг
хирожи,
Қолди ривож олмай Хўқанди зарб
ройижи,—

байти тадқиқотчининг хулосаси тарихан тўғрилигини далиллай олади.

Муқимий ва унинг сафдошлари шеърий ҳажвий ҳикояларида учрайдиган бундай ижтимоий ҳодисалар — «синиш»лар, векселлар, молиявий товламачилар, қарздорлик ва судхўрлик — буларнинг ҳаммаси мустамлакачилик даврининг ўзига хос бадиий ифодаларидир.

Муқимий ижоди шакл нуқтаи назаридан ҳам янги шеъриятга замин берди. Чунончи, ғазалнинг европача лирик шаклларга ўрнини бўшатиб бериши, ўзбек шоирлари Европа манерасида баллада ва поэмалар ёза бошлаши ўзбек бадиий тафаккури тадрижининг табиий ҳодисасидирки, бунда Муқимий ижоди ҳам бир восита хизматини ўтаган.

Муқимий ижодида ўзининг камолот босқичига кўтарилган шеърий ҳажвий ҳикоя унинг ўзбек классик шеъриятида янги даврни ташкил этган энг ажойиб асарлари яратилиши учун бадиий имконият берди. «Муқимий сатираларининг ўзига хос энг муҳим хусусияти шуки,— деб ёзади муқимийшунос олим Ғ. Каримов,— ...адабиётда бундай шахс — кичик образлари орқали типик ҳодисалар моҳиятини типик шароитда тасвир қилишни Муқимийгача бўлган ҳажвиётда — сатирада учратмаймиз».

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

---

[1] В. И. Ленин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. «Ўзбекистон», Т., 1967, 238-бет.

Фарҳод МУСАЖОНОВ

ГАП КЎТАРАДИГАН ОДАМ

ҲИКОЯ

РАИС ВАФОҚУЛНИКИГА кириб борганида меҳмонлар кетмоқчи бўлиб туришган экан. Шодмонбекнинг ҳурмати учун яна бир оз ўтиришга қарор қилдилар.

— Кечроқ қолдилар, раис бува?— гўё раис эмасу ўзи кечиккандек сўради Вафоқул.

— Биз ишдан келяпмиз. Атрофингиз бўлса опкелақолинг тезроқ,— раис ўз бухгалтерига ҳисобот беришни лозим топмади.

Дарров дастурхон янгиланди. Раис озгина тамадди қилганидан кейин меҳмонлар туришди. Аммо раисга рухсат тегмади.

— Энди пича ўзимиз ўтиришамиз, бир қозон бедана димлаб қўйганман,— деб туриб олди Вафоқул.

— Ҳа, бир жуфт ашула ҳам эшитайлик,— деди қаёқдандир пайдо бўлиб қолган Ҳожимахсум. У тилла тишларини кўрсатиб илжайди.

— Ие, ўзлари ҳам шу ерда эканлар-да!— раис қўл бериб Ҳожимахсум билан сўрашди. Ҳожимахсум:

— Фақир киши панада, дейдиларку, — деб кулди-да, пойгакда ўтирган хонандаларга ишора қилди. Улар бир йўла тўртта ашула қилиб бердилар.

Ҳожимахсумни раис азалдан танирди. Қизиғи шундаки, бундан йигирма-ўттиз йил олдинги Ҳожимахсум шу вақт ичида тариқча ўзгармади. Оқсариқдан келган юзида бироз ажин йўқ, ёноқлари қип-қизил, мудом илжайиб туради. Ўзи область театрида ишлайди, бирор ҳожатбарор одам тўй-пўй қиладиган бўлиб ашулачи қидириб қолса, кунига шу Ҳожимахсум ярайди.

Шодмонбек санъатни яхши кўрадиган, завқли одам эди.

— Театрда нима гаплар?— сўради у Ҳожимахсумдан.

— Ҳеч гап йўқ. Амал-тақал қилиб планни бажариб юрибмиз.

— Ҳалиям кўчадан одам тутиб келиб, зўрлаб томоша кўрсатасизларми?

— Э, кундан-кунга баттар бўлиб кетяпти,— кулди Ҳожимахсум,— баъзи колхозлар бор, томошанг бошингда қолсин, деб жа тихирлик қилишади-да. У деймиз, бу деймиз, ишқилиб, бир амаллаб билет олдирамиз. Аммо алам қиладиган жойи шундаки, билетни олишга олишади-ю, томошага бари бир ярмидан кўпи келмайди.

— Бу ерда бошқа масала бор, бек ака. Телевизор деган нарса чиқдию бизнинг бозоримиз касод бўлди. Ҳали концерт кўрсатади, ҳали кино, ҳали хоккей, ҳали футбол. Кўк чойни дамлаб, кўрпачада ёнбошлаб ётиб телевизор кўрганга нима етсин! Ҳаловатини бузиб театрга боргиси келмайди ҳеч кимнинг.

— Бекор айтибсиз, телевизорни рўкач қилманг! Айб ўзларингда! Мана шу қиш Москвада бўлдим. Меҳмонхонада тошкентлик йигит билан бир хонада турдик. Сизларга ўхшаган санъаткор экан. Шўрлик икки ҳафта югуриб театрга тушолмади. Чунки билетлар бир ой олдин сотилиб кетар экан. Сиз ҳам яхши томоша кўрсатсангиз, одамларнинг ўзи ёпирилиб бораверади.

— Бу гапингиз тўғри, репертуаримизнинг мазаси йўқ.

— Кўрсатадиганингиз сийқаси чиққан гаплар, бачкана нарсалар. Мана мисол учун, ўтган ойдамиди.

— Уч ой бўлди,— мулойимлик билан изоҳ берди Ҳожимахсум.

— Ҳа, ана боринг, уч ой бўлсин, ўшанда колхозимизга опкелиб кўрсатган томошаларингнинг нимаси қизиқ?

— Шу ҳафта яна келмоқчимиз,— дея жилмайди Ҳожимахсум.

— Ҳо, анойи бор экан-да, сизларга! Нима, топиб олганларинг бизларми? Боринглар бошқа колхозларга ҳам.

— Биз дуч келган колхозга боравермаймиз... Ҳа, дидимиз нозик. Бели бақувватини танлаймиз. Хўп деяверинг, бу гал концерт қўйиб берамиз. Маза қиласизлар.

— Муродали ҳам қатнашадими?— деб сўради раис.

— Қатнашади.

Муродали Қодиров областга донғи кетган ашулачи эди.

— Яхшиям Муродали бор. Шунинг овозини эшитиш учуноқ одамлар бориб туради театрларингга.

— Ҳа, шуни билиб талтайиб кетган-да. Театрда ўзи хон, кўланкаси майдон. Хоҳласа келади ишга, хоҳламаса йўқ,— деб кулди Ҳожимахсум.— Одамда пул кўпайиб кетса, бировни менсимай қўяркан.

— Биламан, хумпарда пул кўп,— деди раис, сўнгра бирдан қизиқиб сўради,— битта тўйда неча сўм ишлайди?

— Унисини билмадим,— узрли оҳангда гапирди Ҳожимахсум,— келганда ўзидан сўрарсиз.

— Вой, мана бу одамнинг устасини олиб келса: «Пулини арра қилсак қўямаң», деркан.

— Э, миш-мишдир...

— Биз ҳам аввалига ишонмадик. Тегишли идоралар изига тушиб жиноят устида ушлашди.

Ҳамма жимиб қолди. Чиройли ўтиришдан фойзу шукуҳ кетган, ўртада аллақандай ғашлик пайдо бўлган эди. Муқаддас ҳисоблаб юрган нарсанг лат еса, шунақа саросимада қоласан киши.

Шодмонбек энсаси қотганини яширмади.

— Одамларни тарбиялашга чорланган санъаткорларки шунақа ифлослик қилса, бошқалар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Тағин эстетик тарбия дейсиз!

Ҳожимахсум гап кўтарадиган одам эди, унинг жаҳли чиққанини шу пайтгача бирор кимса кўрмаган.

— Тўғри, раис ака, санъаткор пок, қўли ҳам, юраги ҳам тоза бўлмоғи керак. Аммо бош қўл баравар эмас, деганларидек, битта-яримта шунақа шумғиялар ҳам учраб туради. Афсуски, санъатни бойлик орттириш манбаига айлантириб олган корчалонлар ҳали бор орамизда.

Бирдан Ҳожимахсумнинг овозидаги илтижо, лабидаги табассум йўқолди. У ўйчан кўзларини бир нуқтага қадаб бир зум сукут сақлади. Кейин ўзи учун жуда муҳим бўлган гапни айтди.

— Аслида ҳақиқий санъаткор бойликдан жирканади. Менга қолса, ижодкор изтиробда, азият чекиб яшагани маъқул, шундагина у оддий одамларга ҳамдард бўла олади.

Шодмонбек бу гапларнинг мағзини унчалик чақмаган бўлса ҳам, Ҳожимахсумнинг аҳволи-руҳиясини кўриб: «Шўрликни ранжитиб қўйдим шекилли», деб ўйлади. Хушчақчақлик ва бийронлик билан бу гапга чек қўйди.

— Э, ҳар қандай соҳада ҳам юлғичлар бор. Ҳалиям бўлса, ўзимиздан қўймасин, нима дединг?

Ҳожимахсум яна аввалги мулойим ҳолига қайтиб, хокисоргина илжайди.

— Мана сиз, раис ака, колхозингизни жуда яхши кўрасиз, буни биламан. Биз эса шу театр билан тирикмиз.— Ҳожимахсум тўғри айтди, эсини танибдики, ҳаёти шу театр билан боғлиқ, ишламаган лавозими қолмаган — актёр, режиссёр, администратор, директор ўринбосари. Лекин биринчи навбатда у ҳар қачон ўз театрининг жонкуяри.

«Ҳалиям хафалиги тарқамабди», деб ўйлади раис.

— Бўпти, шу шанба келаверинглар. Халққа сиз айтган тарбия ҳам... нимайди...

— Эстетик.

— Ҳа, ўшанақа тарбия ҳам керак— деди раис.

Шундан кейин Ҳожимахсум росмана очилиб кетди, ёқимтой жилмайиб чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқарди.

— Шунақа мард одамларнинг садағаси кетсанг арзийди,— деди у сидқидилдан. Кейин сал ийманиб илтижо қилди.— Раис ака, хафа бўлмайсиз, бизнинг ишда ҳам озгина расмиятчилик бор. Малол келмаса, шунга имзо чекиб берсангиз.

— Тағин кейин айнаб юрмасин, деб қўрқасиз-да! Биз битта гапирамиз.— Шодмонбек қоғозга қўл қўйди.— Ие, спектакль кўрсатдик, деб ёзибсизларми?

— Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, раис ака, биз ҳам битта гапирамиз, концерт дедимми, концерт кўрсатамиз. Бу боя айтганимиздек— план учун.— Ҳожимахсум гап чувалашиб кетмасин учун хонандаларга бокди.— Қани, барака топкурлар, ўрта совумасин.

Хонандалар одатда ҳушёр бўлишади-ку, вазиятни дарров тушуниб, аввал чилдирмани бадабанг уришди, сўнгра шўх ашула бошлашди.

Расмни А ХОЛИҚОВ чизган

Шоир ва журналист Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ 50 ёшга тўлди. Республика адабий жамоатчилиги бу ижодкорни моҳир ҳажвчи сифатида қадрлайди. Олим Қўчқорбеков қаламига мансуб ҳажвий шеърлар, масаллар, фельетонлар, интермедиялар ҳозиржавоблиги, таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Олим Қўчқорбековни 50 ёши билан самимий қутлаймиз.

МАСАЛЛАР

МАҚТОВ МАЪҚУЛ

Ғоз ишининг бўлиб муҳокамаси,
Жуда қизиб кетди мунозараси.
Олдин мақтаб ўтишди дуруст ишин,
Кейин танқид қилишди гердайишин.
Тинглар экан, ён дафтарин варақлаб Ғоз
Маъқул топиб мақтов гапни ёзди, холос!

КЎРГАНИНИ ҚИЛАР

Чумчуқ билан Чумчуқой уришиб қолди,
Бу ҳолни чумчуқчалар кўришиб қолди...
Эртасига улар ҳам бир-бирин юлар,
Чунки қуш уясида кўрганин қилар!

ҚЎРҚОҚ ҚУЁН

Шер айтиб турар унга ҳамиша:
— Қуён, уни қил!
— Қуён, буни қил!
Юрак йўқ унда зарур бир ишга
Қўл уришга
мустақил!

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

«БЕГУНОҲ»

Дўстлар, кўринг, сафимизда
Бир «бегуноҳ» киши бор
Уни доим гапимизда
Мақтаймиз такрор-такрор.

Яхшиларга қучоқ очар,
Ўйлагани яхшилик.
Ёмонларни кўрса қочар,
Ёмонликка боқмас тик.

Кўриниши кўп мулойим,—
Мусичадек беозор.
Маҳаллада ундан доим
Ёшу қари миннатдор.

Зиёфат, гап бўлган дамда
Хизмат қилар тўкиб тер.
Шундан билган ҳамма, ҳамма:
— Жуда яхши одам!— дер.

Кузатсангиз аста уни
Бордир қизиқ одати:
Жанжал ёки қинғир ишни
Кўришга йўқ тоқати.

Танқидни ҳам хуш кўрмас у,
Мақтов бўлса бўлгани.
Дўсти ўлса бормасаю
Тўйга борса кулгани.

Ён қўшнига тушса ўғри
Агар унинг кўзича,
Таниса ҳам айтмас тўғри,
Ҳадиксирар ўзича.

Безорилар бирор қизнинг
Йўлин тўсса, қарамас.
Терс туради билмагандай
Ажратишга ярамас.

Ўмарилса ёғоч, тахта
Қурилишдан кундузи,—
— Менга нима,— дея аста
Жўнар беркитиб юзин.

— Нега бундай?— деб
сўрасам
Жавоб қилар «ўртоғим»:
— Гувоҳ бўлмай дейман, ҳар
дам,
Ғалвага йўқ ҳеч тобим...

Гўё сақлаб обрўсини —
Гувоҳ бўлиш ёқмайди...
Танидингиз энди уни —
Лоқайдларнинг лоқайди.

Дўстлар, кўринг, сафимизда
Бир «бегуноҳ» киши бор.
Уни доим гапимизда
Мақтаймиз такрор-такрор.

БЎККАН ҲЎКИЗ

Моллар озуқ едилар вақтида, меъёрида,
Фақат бир қашқа Ҳўкиз маърар турган ерида:
— Мў-ў, тўймадим, тўймадим! Мў-ў-ў, тўймадим!
Тарғил дерди: «Очофат, қулоқ битди, бўлди, жим!»
Молбоқар ҳам эътибор бермасдан сира унга
Тушлик учун жўнади хотиржам бўлиб уйга.
Чидаёлмай Ҳўкизвой арқонни узиб зимдан
Бора солиб, ҳовлиқиб тушира кетди емдан.
Кейин келиб арикка, оқар сувдан симирди,
Сўнг аланглаб кепак-терт турган хонага кирди.
Бақирди Тарғил: «Яна, касал бўлма, очофат!»
«Қўявер, тўйиб олай, ҳозир келганда омад!»
Шундай қилиб, Ҳўкизнинг қорни бўлди чирманда,
Охири тарс ёрилиб, кўзин юмди шарманда!

Қиссанинг ҳиссаси дўстлар шу бўлар:
Нафси бузуқ киши тўй чоғи ўлар!

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ФОЙДАЛИ МАЖМУА

Кекса шарқшунос олим Шорасул Зуннуннинг «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» китоби ўқувчиларга манзур бўлганидан бохабармиз. Китобхонлар олқишига жавобан, муҳтарам муаллифимиз «Донишмандлар тарбия хусусида» («Ўқитувчи» нашриёти, 1982 йил) деб номланган: араб, форс ва бошқа шарқ тилларидаги одоб ва ахлоқ китобларидан қилинган таржималар ва ўзининг педагогик кузатишлари, фикр-мулоҳазалари омухтаси бўлмиш янги китобини яратди. Ундаги панд-насиҳатлар, фикру ўгитлар, ибратли ҳикоятлар ёш авлодни маънан шакллантириш, унинг онгини ошириш, меҳнатга муносабатини тарбиялаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, интернационализм анъаналарига садоқатини кучайтиришга қаратилган.

«Фаолият ҳаётнинг бошланишидир», — дейди Гёте. Ёш авлод эса ота-она, оила, мактаб ва мураббийлар муҳитида ақлини танийди ва аста-секин фаолият оламига қадам ташлайди. Шунинг учун муаллиф-таржимон, унга ушбу асарини нашрга тайёрлашда кўмаклашган профессор Асқар Зуннун «Таълим одоби» ва «Ота-она — биринчи устоз» бўлимларида асосий эътиборни ёшларнинг биринчи устодлари — ота-она ва муаллимлар тарбиясининг моҳиятини аниқлашга қаратадилар.

Ёш авлодни тарбиялаш ва таълим беришда ўқитувчи асосий куч. Лекин бу ота-онага енгиллик берилади, дегани эмас. Чунки бола илк сабоқни оиладан олади. Ота-она унинг биринчи муаллими, тарбиячиси. Бас, шундай экан, аввало тарбия муҳитини ҳар жиҳатдан намунали ташкил этиш керак, дейди муаллиф.

«Боболаримиз насиҳатларидан» ва «Донишмандлар одоб ҳақида» бўлимларида автор инсон тарбиясига комплекс ёндашган ҳолда ўз фикрларини баён этади. Аввалги бўлимларда ота-оналар ва муаллимларнинг бош вазифаси белгиланган бўлса, энди болаларнинг уларга нисбатан муомала маданияти ҳақида сўз боради. Туғишганлар, дўстлар, қариндошуруғ ва қўни-қўшнилар билан муло-қотда бўлиш қоидалари, илм ўрганиш, муомала, кийиниш, овқатланиш одоби хусусида фикр юритилади. «Зарурий одатлар» бўлимида асосан соғлиқни сақлаш ва бунинг учун нималарга қатъий риоя қилиш лозимлиги уқтирилади.

«Донишмандлар тарбия хусусида» китоби янги одамни шакллантириш, уларда юксак инсоний ҳис-туйғуларни уйғотиш ва камолга етказиш жараёнида улуғ мутафаккир ва донишмандлар фикр-мулоҳазаларидан баҳраманд бўлишда ўнғайлик туғдиради. Муаллиф-таржимон, кекса шарқшунос олим Шорасул Зуннун буюк мутафаккирларнинг доно фикрларига ўз мулоҳазаларини, кузатишларини омухталаштириб юборгани сабабли у мисолга келтирган ҳикоятлар ва байтлар, маъжозий образлар янада тушунарли ва қизиқарли туюлади. Натижада китобнинг жозиба қуввати ошган.

Албатта, иш бўлган жойда камчилик ҳам учрайди. Масалан, назаримизда, «Ота-она — биринчи устоз» бўлимини «Таълим одоби» бўлимидан олдин қўйиш маъқул кўринади.

Негаки, «Таълим одоби» бўлимида бола тарбиясининг мактаб ва таълим билан боғлиқ жиҳатлари, ўқитувчининг роли ҳақида гап кетади. Демак, бўлимлар ўрни алмаштирилганда, тарбия оиладан мактаб муҳитига кўчишини тадрижий тарзда ўрганилган бўлур эди. «Икки етим қиз ҳақида қисса»ни «Боболаримиз насиҳатидан» бўлими бош қисмида келтириш жоиз эди.

Бу каби жузъий камчиликлар китобнинг иккинчи нашрида ҳисобга олинади, деган ниятдамиз. Бинобарин, таъкидлаш керакки, муаллиф-таржимон кўзда тутган асосий мақсад амалга ошган. Хуллас, ёш авлодни эзгуликка бошловчи китоблар сони яна биттага кўпайганидан мамнунмиз.

Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ

ИНСОН КАМОЛОТИ ТАРИХИДАН

Кейинги пайтларда чет эллардаги айрим олимлар Ерда одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияни бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Уларнинг «назария»ларига кўра, гўё ҳозирги одамларнинг аждодлари қачонлардир бошқа сайёралардан келиб қолган эмиш. Илм-фандан йироқ бўлган бундай қарашлардан кузатилган мақсад меҳнаткаш оммани чалғитиш ва материалистик табиинёт фани исботлаган фикрларга ғубор ташлашдан иборатдир. Шу муносабат билан тарих фанлари доктори, СССР Фанлар академияси Н. Н. МИКЛУХО-МАКЛАЙ номидаги Этнография институтининг катта илмий ходими Л. ФАЙНБЕРГнинг суҳбатини журналхонларга ҳавола этамиз. Суҳбат «Наука и жизнь» журналидан қисқартиб олинди.

Ерда одамзод пайдо бўлишининг маймунларга бориб тақалиши — бугунги кунда ҳеч ким рад қилолмайдиган фикрдир. Шуни айтиш керакки, бундан юз минг йиллар аввал яшаган аждодларимиз ҳозирги одамлардан жуда катта фарқ қилганлар. Қадимги одамсимон маймунларнинг одам даражасига ўсиб етишувида, Фридрих Энгельс таъкидлаганидек, ижтимоий инстинкт ва меҳнат муҳим роль ўйнаган.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, мазкур жараён аждодлардаги эски аломатларнй бутунлай тугатиш йўли билан эмас, диалектик йўл билан, яъни эски, нозарур сифатларни рад этиш йўли билан амалга оширилган. Прегоминидлар ёки, бошқача қилиб айтганда, қадимий одамсимонлар ўзаро бирлашиб, бора-бора ҳайвонлар тўпидан одамлар жамоасига айланганлар. Бу ҳолат аслида эски шаклда, яъни яшаш учун бирлашиб курашиш сифатида юзага келган.

Ҳозирги приматлар, яъни сут эмизувчи жониворларнинг энг тараққий этганлари оилавий ҳаёт тарзи жиҳатидан маълум даражада одамларга яқин турадилар. Масалан, маймунларнинг кўпгина турида она томонидан қариндошлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшайдилар. Макак маймунлари ҳамиша бирга юрадилар, бир-бирларига суяниб ўтирадилар, бирга ўйнайдилар, ёнма-ён ухлайдилар. Шимпанзелар оиласида она ўлиб қолса, унинг катта қизи икки яшар укасини онадек тарбиялайди. Ака-укалар эса, хавф-хатар пайтида бир-бирларини ҳимоя қиладилар.

Приматларнинг яна бир хусусияти шундаки, уларда оналар бутун умр тўдани бошқариб юрадилар (мартишка, павиан, макак маймунлари). Оталар эса, вақти-вақти билан у тўдадан бу тўдага ўтиб юрадилар. Бу эса, ўз навбатида умумий биологик эволюция қонунига биноан наслнинг яхшиланишига олиб келади.

Япониядаги қўриқхонада ўтказилган бир тажриба приматларда юз бериши мумкин бўлган эволюцион тараққиётга яққол мисол бўла олади. Макак маймунлари картошкасимон батат ўсимлиги билан боқиларди. Кунлардан бир куни ёш маймунлардан бири бататга ёпишган қумни қўли билан тозалаш ўрнига ариқчадаги сувда ювиб келди. Тўққиз йилдан кейин эса, ўша тўдадаги маймунларнинг 70 фоизи шу ишни бажарадиган бўлди. Кузатувчилар дастлаб маймун бу одатни ўзлаштирган ва шундан кейин дунёга келган авлод шундай хусусият билан туғилган, деган хулосага келдилар.

Қадимий одамсимонларнинг одамлар жамоасига айланиш жараёни очиқ сайхонликларда юз берганлиги тахмин қилинади. Ҳозирги йирик маймунлар ва майда маймунлар билан ўтказилган тажрибалар бу фикрни тасдиқлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, қадимий одамсимонларнинг аждодлари қадимги павианлар эмас, учинчи даврдаги антропоидлардир. Улар дастлаб ўрмонларда яшаганлар, ўт-ўланлар билан озиқланганлар, ҳозирги горилла ва шимпанзе маймунлари сингари тўда-тўда бўлиб юрганлар. Биологик муҳитнинг ўзгариши, яъни уларнинг ўрмондан, очиқ сайхонликка чиқишлари қадимий одамсимонларнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнаган.

Танзания ва Шарқий Заирда ўтказилган кузатишлар бу фикрни исботлайди.

Кузатишлар ўрмонда ва унга ёнма-ён сайхонликда олиб борилди. Шимпанзелар очиқ майдонда маълум тартиб билан юрадилар: олдинда она маймун ўз болалари қуршовида, ундан кейин ота маймун ва энг сўнггида навқирон маймунлар боради. Ўрмонда бундай тартиб сақланмайди. Яна бир жиҳати шуки, шимпанзелар ўрмонда фақат тўрт оёқлаб юрадилар. Очиқ сайхонликда эса тахминан 10—15 фоиз йўлни икки оёқда босиб ўтадилар. Шубҳасиз, бу нарса уларнинг узоқроқ жойни кўришларига, зарур бўлганда қўлларига керакли озиқ ёки қурол олишларига ёрдам беради. Очиқ сайхонликдаги шимпанзелар ясама йўлбарсни кўриб шох-шаббалар олади-лару йиртқични калтаклашга тушадилар. Ўрмондаги шу тур маймунлар эса, худди шундай ясама йиртқични қўрқитиш у ёқда турсин, даҳшат билан дарахт шохларини силкиб, тинимсиз қичқиришга тушадилар...

Бизнинг тахминимизга кўра, қадимги одамсимонлар муҳитга мослашиш бобида шимпанзелардан анча юқори турганлар.

Маълумки, тўда-тўда бўлиб яшайдиган ҳайвонларда ҳар бир ҳаракатни ўзаро келишган ҳолда бажариш зарурати туғилади. Жумладан, очиқ сайхонликда кун кечирадиган маймунларда оталар ўз тўдаларини бошқарадилар. Масалан, павианлар ва макакларда тўда бошлиғи ўз аъзоларининг хатти-ҳаракатини зийраклик билан кузатади. Гамадрил маймунларининг оталари эса, узоққа кетиб қолган шеригини тишлаб йўлга солади.

Одамсимон маймунларнинг бирбирларини тушунишлари яна ҳам ғалати. Гориллаларнинг бошлиғи биррор жойга йўл олишдан аввал тик туради. Қолганлари унинг атрофига йиғиладилар, сўнгра бошлиққа эргашадилар. Шимпанзе эса, бошқаларнинг эътиборини жалб этгиси келса, ўзига хос ўйин кўрсатади: чинқиради, сакрайди ва атрофга шох-шабба отади.

Горилла, шимпанзе сингари одамсимон маймунлар ниҳоятда аҳил, тўдада эркин яшайдилар. Навқирон шимпанзелардан икки-учтаси бирбири билан қўлтиқлашиб, янги жойни ўрганишга жўнайдилар, қизиққан нарсаларини шошилмай кузатадилар, мақсадга эришиш учун ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартирадилар, янгича ҳаракат ўйлаб топадилар. Павианлар ва бошқа тур маймунларда эса, тўда аъзоларининг хатти-ҳаракатлари қаттиқ ички чеклашларга асосланган-дир.

Шуларга асосланиб фараз қилиш мумкинки, очиқ сайхонликда яшаган одамсимонларнинг аждодлари — антропоидларга ҳар хил йиртқичлар тез-тез ҳужум қилиб турганлар. Улар павианлар сингари бошлиққа қаттиқ бўйсуниш билан бирга ҳозирги горилалар ва шимпанзелар сингари янгича хатти-ҳаракатлар билан қийин вазиятдан чиққанлар. Худди шу хусусиятлар уларда меҳнат фаолиятини ҳамда маданиятнинг ибтидоий шаклларини туғдирган.

Одамсимонларнинг болаларни тарбиялаш борасидаги хусусиятларини ҳозирги айрим маймунларнинг хатти-ҳаракатига таққослаш мумкин. Шимпанзе ва макак маймунларининг навқирон ёшдагилари ҳам ўз вақтларини оналари ёнида ўтказади. Мисол учун, она маймун ўз қўлидаги бананни катта боласига қизғанмай беради. Оналар катта ёшдаги болаларини ҳам хавф-хатардан сақлайдилар: агар йиртқич кичикроқ, кучсизроқ бўлса, ҳужум қиладилар, акс ҳолда йиртқичга ялинганнамо қараб турадилар. Павианлар ва лангурларда сутдан чиқарилган болалари навқиронлар гуруҳига қўшилади. Бу группалар эса, ҳамиша асосий тўданинг ҳимоясида бўлади.

Археологик қазилмаларнинг гувоҳлик беришича, дастлабки одамсимонлар ва уларнинг аждодлари ов билан асосан кундуз кунлари шуғулланганлар. Чунки аксарият йиртқич ҳайвонлар тунда ўлжага чиқадилар. Шу боисдан ов маҳалида одамсимонларнинг рақиблари кундузи камроқ бўлган. Ҳатто 4—5 миллион йил муқаддам яшаб ўтган австралопитеклар ҳам — улар одамсимонларнинг аждодларидирлар — ҳайвонларни овлаганликлари ҳақида археологик далиллар мавжуд.

Вақт ўтган сари ҳайвонларни овлаш кучая борган. Қадимги Староселье ғоридан топилган 60 минг ва Самарқанддаги Омонқўтон ғоридан топилган 15 минг дона суяк шундан далолат беради. Ўша қадимий аждодларимиз асосан филлар, каркидонлар ва бегемотларни овлаганлар. Бундай йирик ҳайвонларни овлаш бутун жамоатни тўйдириш ва зарур бўлса, асосий манзилда қолган болаларга ҳам овқат етказиб бериш мақсадида амалга оширилган. Бунинг учун эса, хилма-хил қуроллар ясаш зарур бўлган. Шунинг билан бирга дастлабки одамсимонлар ўз ўлжаларини қамаб қўйиш, пистирмага тушириш ва ўраб олиш иқтидорини ҳам эгаллай бошлаганлар.

Борган сари гўштни кўп истеъмол этиш эса, одамсимонларнинг онгига ижобий таъсир кўрсатди. Бундай шароит ҳозирги инсонларнинг аждоди — ибтидоий одамларнинг пайдо бўлишига имкон яратди.



ШОИР ВА ГРАЖДАН ТАЛҚИНИ

Эркин Воҳидовнинг «Шарқий қирғоқ[1]» номли янги тўпламининг марказида худди шу — шоир ва граждан масаласи, яъни ижодкорнинг халқ ва Ватан, тарих ва замон олдидаги, келажак олдидаги улуғвор бурчи ва вазифаси масаласи туради. Гап тўпламдан ўрин олган ўн олти шеърнинг олтитаси ва бутун бошли «Руҳлар исёни» достонининг юқоридаги масалага бағишланишидагина эмас. Шоир тўпламдаги барча шеърларда воқеликка ва шахснинг тарих олдидаги вазифасига актив позициядан туриб ёндашишга ҳаракат қилади. У жаҳоний масалаларни, умумбашарий дардларни кўради ва уларни меҳнаткаш инсон манфаати нуқтаи назаридан талқин этишга интилади. Шоир ҳаётни, инсонни «энг олий балоғат» мезони билан ўлчайди ва шахснинг тарихдаги ўрни, замондошлар ва келажак олдидаги бурчини шундан келиб чиқиб белгилайди. «Янги йил орзулари» шеърида шу руҳ ҳоким. «Сирдарё ўлани» замирини халқ учун фидоий бўлиш орзуси ташкил этади. Бу шеърда Эркин Воҳидовнинг кейинги асарларида ёрқин кўринаётган ва етакчи тенденцияга айланаётган фикрий теранлик, сермазмунлик ва сермаззиллик бор. Шеърда шоир дарё билан халқни шунчаки муқояса қилмайди, балки уларни тақдирию келажаги бир, вазифа ва орзуси ягона фидоийлар тарзида тасвирлайди:

Сен пахтасан, олма, анор ва нурсан,
Ўзбек учун сурурсан ҳам ғурурсан.
Ўзни ерга томчи-томчи берурсан,
Дарё эмас, халқ тимсоли эрурсан,
Оқиб турғин, қуриб қолма, онажон.

Мен болангман, нидо бўлай сен учун,
Бир жилғадек даво бўлай сен учун,
Керак бўлса фидо бўлай сен учун,
Майлига, мен адо бўлай сен учун,
Оқиб турғин, қуриб қолма, онажон.

«Бир бурда нон» шеърида эса муайян деталь воситасида муҳим ижтимоий гапни айта олади. Бунда «оч, юпун элларга ҳамкор, ҳамдам» бўлган, «йўқсил бу жаҳон заҳматини тортиб бораётган» совет халқини улуғлайди. Шоир бу фазилатни совет кишиларининг қон-қонига сингган гражданлик, инсонийлик туйғуси сифатида талқин қилади. «Афғон шоирларига» шеърида шу туйғуни назарда тутган ҳолда бундай деб ёзади:

Айт уларга менинг ҳамнафаслигим,
Дилдаги берилмас муҳаббатим айт.
Айтгин хиёнатга қўл бермаслигим,
Қондошлик ҳиссига садоқатим айт...

«Афғон шоирларига», «Шарқий қирғоқ», «Шоирлик», «Муҳаррир» ва «Туш» шеърларида Эркин Воҳидов ҳозирги мураккаб халқаро шароитда шоирнинг тарих ва инсоният олдидаги бурчи масаласига жиддий ёндашади. «Шарқий қирғоқ» шеърида иккинчи жаҳон уруши йиллари инсониятни фашизм зулмидан озод қилган совет кишиларини шарафлар экан, дунёда ҳозир ҳам «қирғин жанг давом этаётганини» таъкидлайди ва шоирнинг ўрни шу жангнинг олдинги сафларида эканлигини уқтиради:

Дунёда бор экан ноҳақлик, зулм,
Дунёда бор экан асорат, жафо,
Жангдамиз, бир бошда бор битта ўлим,
Шарқий соҳилларда жонимиз фидо.

Шоир! Эй, тинчимас оловли юрак!
Адолат юлдузи сенга маёқдир.
Ҳақ йўлда фидоий аскарсан, демак,
Сенинг қароргоҳинг — шарқий қирғоқдир.

Назаримизда, ҳозирги ўзбек шеъриятимиздаги худди шу жанговар ҳужумкорлик, сиёсий ўткирлик, пролетар интернационализми ва социалистик инсонпарварлик руҳини — йўналишини янада кучайтиришимиз керак. Ғоялар кураши, мафкуравий кураш авж нуқтага чиққан ҳозирги пайтда курашчан шеърият орқалигина ҳақиқатни, прогрессив ғоялар ва улуғвор орзу-идеалларни ҳимоя этиш, кенг ёйиш мумкин.

«Шарқий қирғоқ»даги шеърлар мазмуни, йўналиш ва руҳида, «Руҳлар исёни» достонида ҳам Эркин Воҳидовнинг эстетик позициясини кўрсатувчи нуқталар кўп. Буларда ижодкорнинг воқеликка қандай муносабатда бўлиши кераклиги тўғрисидаги орзу-армонлари эмас, балки ҳаётий тажрибаси, амалий фаолиятидан келиб чиққан фикр-хулосалари ва ижодий принциплари акс этган. Бу ерда айниқса Эркин Воҳидовнинг ижодкорнинг ҳаётга, одамларга ўз мезони, нуқтаи назари билан мустақил ёндашиши ва баҳолаши, дадиллиги ва ҳаққоний ёзиши тўғрисидаги фикрлари эътиборга молик. «Туш» шеърида ҳазил йўли билан қаҳрамонни эрксиз-ихтиёрсиз, юраксиз ва фикр-эҳтироссиз қуруқ бир қўғирчоққа айлантириб қўйган ёзувчини танқид қилади. Лирик қаҳрамон «тирик одамдан» шундай қўғирчоққа

— Биласан-ку, болам, камуйқу бўлиб қолганман.

Мен нодон онамнинг камуйқу бўлиб қолганига, ярим кечагача юраманми, тонготар қайтаманми, онамнинг чироғи муттасил липиллаб турishiga хўп кўниккан эканман.

Қайси куни... ярим кечада уйга қайтсам... ҳаммаёқ жимжит. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Ҳамма ўз ороми билан...

Тушимда онам чироқ кўтариб юрганмиш».

Менимча, ҳар бир одам бу лавҳани ўқиганда худди ана шундай ҳолатни бошдан кечиргандек (кечирмаган бўлса ҳам) ҳаяжонланади. Уз вақтида она қалбининг буюк шафқатига етарли меҳрибонлик билан жавоб қайтармаганлигидан ўксинади. Бу ўксиниш эса, унинг қалбида меҳру шафқатдек куртакларни кўкартиради.

Ёзувчи онанинг шафиқу меҳрибонлигини тобора янги-янги лавҳаларда жонлантириб боради. Қиссадаги новеллалардан бирида тасвирланишича, она қорли қиш кунларидан бирида олти-етти яшар боласининг томоғи шишиб, оғриб, бўғилиб қолгаётганидан талвасага тушади, жон ҳолатда болани кўтариб, тунда Ҳожи бувиникига олиб боради: пайпоқсиз, оёқда юпқа калиш...

Бола шифо топади, она оёғини совуққа олдиради. Бу эса сурункали дардга айланиб қолади. Кейинча дам олишга борган ўғли олиб келган гилам пайпоқни она қўшниларга кўз-кўз қилиб, шундай меҳрибон ўғли борлиги билан мақтанади. Аслида, фарзандининг гилам пайпоқ олиб келиши она меҳрибонликларининг бир учқунига ҳам жавоб бўлолмайди. Бироқ она фарзандининг ана шу кичик совғасидан ҳам чексиз миннат-

[1] Эркин Воҳидов. Шарқий қирғоқ. Шеърлар ва достон. «Ёш гвардия», нашриёти, 1982 йил.

такриз

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

«Шарқ юлдузи» журналининг 1981 йил, 12-сонида Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси эълон қилинди. Бу қисса саммийлиги билан биринчи саҳифалариданоқ одамни ўзига тортади.

Қисса ёруғ дунёдан яқинда кўз юмган онасини соғиниб орзиққан йигитнинг «муножот»и билан бошланади. У тун ярмидан оққанда уйқусидан уйғониб, ухлолмай ўйлаб ётади: жимлик, жимлик... Гўё бутун дунё бир тарафу у бир тараф. Шунда хаёлида онаси пайдо бўлади...

Ана шу хаёл воситасида берилган кичик-кичик новеллаларнинг ҳар бирида она ва бола ўртасидаги муносабатларнинг ғоят турли-туман лавҳалари ҳаётий, содда бир тарзда жонлана боради. Ҳар бир новеллада она меҳрибонлигининг янги бир қирраси ё лавҳаси очилади.

У. Ҳошимов онаси ҳақидаги хотираларини алоҳида-алоҳида ҳаётий лавҳалар тарзида ҳикоя қилиб берар экан, уларнинг хронологик тартибини сақламайди. Йўқ, у асосан, кўнгилда пайдо бўлган фарзандлик кечинмалари, туйғулари, фикрлари билан хотирасига келган лавҳаларни бериб бораверади. Кўп новеллалар муайян бир ўй, туйғу, кечинма ифодаси билан бошланади ва якунланади. Ўртада она ҳаёти ҳақидаги лавҳалар берилади. Кечинма лавҳанинг, воми сифатида уланиб кетади ва бир-бирининг таъсир кучини оширади.

Қиссадаги биринчи лавҳа «Оқ-ойдин кечалар» деб аталади. Унда беш-олти яшар пайтларимизда қалбимизга онамиз сингдирган туйғулар жонланади: кун бота бошлаши билан онамизнинг супа ва супа атрофларига кўлоблатиб сув сепиши, ер ҳиди билан райҳон ҳидининг қўшилиб ажиб тароват тарқатиши.. Кечаси супада осмонга тикилиб ётишлар, юлдуз ва ойлар ҳақидаги она-бола гаплари. Онамизнинг оймўма билан боғлиқ термаси ёки эртаги...

«Ойим ойга тикилиб туриб оҳиста пичирлар эди:

Оймўма ҳилла,
Қанотлари тилла,
Субҳоналло сизга
Умр берсин бизга.

Шундай деб бошимни силарди... Оймўма эса бу сеҳрли қўшиқни яна бир эшитгиси келгандек муаллақ тўхтаб қараб, юлдузлар ўйнаб кўзларини тикиб, мулойим боқиб турishар, онам эртак айтар эди...

...Юлдуз тўла осмонга тикиламан. Эҳтимол, осмондаги энг ёрқин юлдузлар оналарнинг жонидир. Эҳтимол, оналарнинг сўнган юлдузлари бирлашиб қуёшга айлангандир. Офтобни она дейишлари, эҳтимол, шундандир».

Қиссадаги ҳикояларнинг ана шундай лирик кечинмалар, ўйлатувчи фикрлар билан бошланиши ва тугалланиши асарнинг самимий лиризм билан йўғрилишини таъминлаган.

Қиссадаги «Тасалли», «Туш» деб номланган иккинчи, учинчи новеллалар она ўлимидан сўнг изтироб чекиб юрган фарзанднинг ҳолати ва кечинмаларини ифодалайди.

Инсон қалби аслида эзгу хислатларга, нозик ҳис-туйғуларга тўла. Лекин бу тезкор асримизда, юз хил ишлар, ташвишлар билан тўла замонамизда инсоннинг меҳру шафқатдек бебаҳо хислати юзини баъзан кул босиб қолаётгандек ёки у хислатлар куртаклаб, найчалаб кўкаришдан тўхтаб қолаётгандек... Шунинг учун ҳам кулларни пуфлаб ташлаб, чўғни алангалатиш, куртак-найчаларга сув пуркаб кўкартириш ғоят муҳим. Ҳақиқатан ҳам, онанинг битмас-туганмас шафқатини биз ҳамма вақт ҳам ўз вақтида англаб етмаймиз. Ундан айрилгандан кейин ҳар кун, ҳар қадамда буни ҳис эта борамиз. Онамиз тириклигида эса унинг меҳрибончиликларига баъзан зарда билан, баъзан кулиброқ жавоб берамиз.

«Туш» лавҳаси: «Туш кўрсам, онам чироқ кўтариб юрганмиш», деб бошланади. Фарзанд бир куни уйга ярим тунда қайтади. Онаси чиқиб дарвозани очади.

«— Шу вақтгача ухламадингизми!— дедим зарда қилиб,— эшик очишга сиздан бошқа одам йўқми?

Онам маъюс жилмайди:

— Уйқу қатта, болам. Ў-ўтиб-ман...

Эртасига редакцияда навбатчилик чўзилиб кетди. Қарасам, яна ойимнинг чироғи ёниқ.

— Нега ухламадингиз?

Онам яна маъюс жилмайди:

айланиб яшашни ўлим билан тенг, деб билади. «Муҳаррир» шеъри ҳам ёзувчилар асарларидан атай кир қидирган ва ижодни бир андозага солишга уринган одамларни қоралайди. Бу шеърларни шоирнинг схематизмга, ғоясизликка қарши ўзига хос исёни, дейиш мумкин. Зероки, ижодкор ҳаётнинг янги қатламини очмаган, инсон қалбининг янги қирраларини кашф этмаган, давр ва ҳалқ тақдирига доир ўткир, мураккаб, муҳим проблемаларни дадил бадиий таҳлил этмаган жойда схематизм, ғоявий саёзлик келиб чиқади. «Тўй оқшомида» шеърида Эркин Воҳидов: «Сиз эса, нотиқлар, сизга не қайғу, ҳадеб панд ўқийсиз бечораларга», деб хитоб қилади. Бу — бемаврид панд-насиҳат қиладиган қаламкашларга ҳам тааллуқлидай туюлади менга. Бундай шеърлар инсон қалбига кириб бормайди, унга юқмайди. Эркин Воҳидовнинг аввалги шеърларида, айниқса ғазалларида баъзан шундай руҳ, нодадиллик учраб турар эди. «Янги йил орзулари» шеърида «энг олий балоғатга бошламак одамларни, юракларни пок этмак анчайин мураккаброқ», деб тўғри ёзади.

Эркин Воҳидов ижодида азалдан ворисийлик туйғуси, ота-боболар иши ва орзу-идеалларига садоқат туйғуси кучли. Улар бошлаган ишни давом эттиришни виждон амри деб билади. Бугунни, бугунги одамларни ўша ўтган улуғ кишиларнинг улуғвор ютуқлари мезони билан ўлчайди. «Пок этсин руҳан, қалбан Ленининг руҳи бизни», «Ўртада бизлар учун жон берганлар руҳи бор», «улар ҳисобот талаб» («Янги йил орзулари»), «Ҳолбуки, қурбонлар руҳи уйғоқдир» («Шарқий қирғоқ») каби мисралар мазмуни шундай дейишга асос беради.

«Руҳлар исёни» достони жўшқин, ҳужумкорлик руҳида ёзилган асардир. Бу достонида автор революционер шоир Назрул Ислом тақдири мисолида руҳ масаласининг ҳаётий ва фалсафий илдизларини чуқур ва конкрет тарзда очади. Шоир руҳ ҳақидаги тушунчани диний қобиқдан халос қилиб, унинг ҳаётий мазмунини белгилайди. Халқ ва унинг бахти, порлоқ келажаги учун курашиб ўтган улуғ одамларнинг руҳини шоир олий руҳ, дейди. Шу руҳни эътиқод, виждон, имон деб талқин қилади ва шунинг учун ҳам бу руҳ одамларни эзгу ниятлар, гўзал ишлар сари етаклайди, ёмонликнинг олдини олиб, яхшиликка йўл очади, адолат ва ҳақиқатни ҳимоя этади, дейди. Шоирнинг конкрет таҳлили давомида руҳнинг янги-янги қирралари намоён бўлади. «Тутқунликда» бобида Назрул Ислом кўз олдида аввал ўтган шоирларнинг оғир қисмати гавдаланади: «Рудакий, Фирдавсий, Навоийлар адолат учун курашиб, уни тополмай ва зулмни енголмай фарёд чекиб ўтадилар. Уларнинг «нидоси Назрул фарёдига ўхшайди». Назрул Ислом инглиз босқинчиларига қарши халқни озодлик курашига чорлади, босқинчилар уни қамоққа олди. Лекин исёнкор шоирнинг барча орзу-идеаллари унинг шеърларига, халқнинг қалбига — «олий руҳлар» сафига кўчди.

«Руҳлар исёни» достонидаги уч йўналиш — Назрул Ислом ҳаётининг шоирона талқини, унинг ижодининг мағзини достон мазмуни, руҳи, оҳангига сингдирилиши ва ўткир нақл, ривоятлар Назрул Исломнинг ҳаётбахш, ёрқин образини гавдалантиришга олиб келган. Автор руҳ ҳақидаги нақл-афсонадан, абадият, фидоийлик, жаҳолат, шоирлар ва пайғамбарлар тўғрисидаги ривоятлардан ҳам фойдаланади. Буни Назрул Ислом тақдири — ўттиз икки ёшида ҳушидан ажралиши, узоқ йил (етмиш беш ёшгача) беҳуш яшаши тақозо қилган. Автор фойдаланган нақл, ривоятлар халққа ўзини фидо қилган улуғ инсоннинг образини чизиш ва айниқса шоирнинг тарих, замон, келажак олдидаги улуғ бурчини кўрсатиш учун хизмат этган. Чиндан ҳам Назрул Ислом ҳаёти ва тақдири Эркин Воҳидовга шоир ва граждан деган қадимий, лекин доим навқирон мавзуни чуқур бадиий талқин қилишда бир восита ролини ўтаган. Достонда жанговар публицистик руҳ билан фикрий теранлик, чуқур фалсафий ўйлар омухта бўлган. Назаримда, булар Эркин Воҳидов ижодида тобора ёрқин кўзга ташланаётган фазилатлардандир.

Эркин Воҳидов «Руҳлар исёни» достони давомида шоир ва граждан тўғрисидаги баҳсни, мулоҳазасини давом эттиради. У шоирнинг «элга қурбон бўлишга» тайёр туришини, қаламини «найза қилиб тутиши»нигина эмас, айни чоқда ўз халқининг шундай шоирининг «фидоийлигини англашини», уни «қалби билан тинглашини» ва унга «қалқон бўлишини» ҳам орзу қилади. Шоир номининг абадийлигининг илдизларини худди ана шу нуқталарда кўради. Зотан, «Абадият ҳақида ривоят»да бефойда мангу ҳаётдан эмас, фойдали қисқа умрда абадийлик мавжудлигига эътиборни тортади. Ёки «Фидоийлик тўғрисида ривоят»да ҳақ учун бош тутган мардлар, фидоийлар умри боқийдир, деган ғояни олға суриши ҳам бежиз эмас. «Жаҳолат тўғрисида ривоят»да шоирнинг вазифаси «қалблар кўзин очмоқ»дир, дейди ва шу «элнинг ақл кўзин очиш» учун ўзини фидо қилганларни шарафлайди шоир. Лекин достондаги «Шоҳи Жаҳон ва Аврангзеб ҳақида ривоят бевосита автор нуқтаи назари — мақсади учун хизмат этмагандай. Зеро, автор бу «ғамли тарихни ибрат бўлсин» учунгина келтиради. Достоннинг «Ниҳоя»си билан аввалги боблар ўртасида тасвирлаш принципида узилиш бор, боб ёпишиб тушмагандай.

Достонда бундай композицион номутаносибликлар кўп эмас, албатта. Э. Воҳидов кейинги шеърларидан тушунарсиз сўз, ибора ва образларни ишлатишдан қочаётгани ҳам ижобий ҳодиса. Лекин ҳали ҳам ондасонда шундай ноўрин иборалар учраб қолади. «Сочмоқда у борон илжонбахш зиёлар, ичмоқда бу қона» «Гул бошин эгиб жилмаядир, бахтли келинчак, машшотаси — офтоб» мисраларидаги борон (ёмғир) ва машшота (оро берувчи) сўзларининг мазмунини ҳамма ҳам бирдай тушунавермайди. Ёки «Ошиқлар ғизоси бу оқшом висол», жумласидаги «ғизоси (овқат, егилик) ҳам шундай оғир сўз. Шоирнинг баъзи ғазалларига вазн талаби билан ёки анъанавий сўз — тушунча талаби билан шундай иборалар кириб қолади. Ваҳоланки, қўшиққа мўлжалланган шеърда тушунарсиз сўз бўлмаслиги керак.

Аммо Э. Воҳидов ижоди учун бош фазилат тасвирда равшанлик ва сербўёқлик, мукаммаллик ва мутаносибликка интилишдир. Бутун бир шеърий китоб марказига шоир ва граждан лик масаласини қўйиб, уни конкрет, жозибали ва ҳаққоний ёритиб бериши ҳам бунга ёрқин мисолдир. «Шарқий қирғоқ» тўпламн Эркин Воҳидовнинг шеъриятда ва достончиликда бетиним, дадил ва самарали изланишлар қилаётганини кўрсатади.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

тақриз

дор, боши осмонда. Бунда ғоят юксак, олижаноб қалб хислати намоён бўлади.

«Энг оғир гуноҳ» новелласида ҳам она шафқатининг тенгсиз буюклиги ҳаяжонли воқеа тасвири орқали очилади.

Ў. Ҳошимов қиссасидаги она ўз фарзандига меҳрибон, фидойи бўлганлиги учун бир карра олижаноб бўлиб кўринса, бошқа болаларга битмас-туганмас меҳрибонлик кўрсатиши билан яна юз карра олижаноброқ бўлиб гавдаланади. Масалан, у уруш йилларида кўкраги касалланиб қолган Нисо холанинг чақалоғи Тоҳиржонни саратон иссиғида қирқ кун давомида қўшни қишлоққа, уч маҳал қатнаб эмизади...

«Бола йиғиси» бобида тасвирланишича, она ўғли билан машинада бир ёққа кетаётган вақтида кўчада бир келинчакнинг гўдаги ғашиқиб йиғлаётганини кўриб қолади ва: «Машинани тўхтат», дейди. Ойисига: «Иссиқ марожний олиб беринг», деб, қонқақшаб йиғлаётган болани олиб юпатади, лой киймлари билан машинага ўтқазиб, анча жойга олиб боради. Бола овунади.

Бу бобнинг «...ўшанда онамни ноҳақ ҳисоблаган эдим. Йўқ, чамамда, оналарнинг биз тушунмайдиган, бизнинг ўлчовимизга сиғмайдиган ўз олами борга ўхшайди», деган мушоҳада билан якунланиши китобхонни яна ўйга толдиради, ўз кўнгли бисотини, хислатларини она фазилатлари билан ўлчашга ундайди.

«Хиёнат» бобида қахрамон кичиклигида кинога бораётган акаларининг: «Сен ботинкангни кийиб чиқ, кутиб турамиз», деб алдаб кетиб қолиши, ўқувчилигида Қахрамон деган ўртоғининг теплица ойнасини ўзи синдириб, бунинг бўйнига қўйганлиги, студентлигида яхши кўрган қизини энг яхши дўсти айнитиб, ўзига қаратиб олганлиги билан боғлиқ воқеаларни қисқа-қисқа тарзда ҳикоя қилади. Лекин ана шундай оғир бир вазиятда яна она ўғли бошини силаб, фарзандининг хаёл дунёсига ёруғлик олиб киради. Ҳар сафар она: «Қўявер, ўғлим, баъзан шунақаси ҳам бўлади, фақат сен ўзинг шундай қилма», деб айланиб-ўргилади. Фарзандининг зулмат қоплаган қалбида нур йилтиллайди ва у ўйлай бошлайди: «Онанг-чи, онанг ҳеч қачон хиёнат қилдими сенга! Бирон марта, ақалли бир марта хиёнат қилдими?.. Фақат она ўз боласига ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Эҳтимол, инсон ҳаётининг шунча йиллардан буён давом этиб келаётгани шундандир!»

Ҳа, бу дил ҳайқириқлари қандайдир сентиментал кайфият эмас, балки энг эзгу инсоний фазилатларнинг, она қалби олижаноблигининг ҳимоясига посбонлик нидосидир.

Хуллас, «Дунёнинг ишлари» қиссаси онанинг меҳрибонлиги, жафокашу заҳматкашлиги ҳақида, она қалбининг олижаноблиги ҳақида насрий достондир. Бу қиссада тасвирланган она ўз хислат, фазилатлари билан ўғил кўнглини ҳам жуда олижаноб фазилатларга тўлдириб боради. Ёшликда она меҳрибонликларига, баъзан, ортиқча куйинчаклик, қарилик аломати, деб қараган ўғил, онадан айрилганидан сўнг ўзидаги айрим бепарволикларни қайта хотирлаб ўксинар экан, улуғ инсоний меҳр-муҳаббатни улуғлайди. Унинг кўнглида тошбағирлик, шафқатсизлик ва меҳрсизликка қарши самимий инсоний меҳр учун садоқат йўлида тинмай кураш иштиёқи туғилади. Она меҳрига лойиқ ва муносиб бўлиш ҳисси қалбида қайнаб тошади.

Бу эса ўзига хос истеъдод эгаси бўлмиш Ўткир Ҳошимов қаламининг таъсир кучидан далолат беради.

Нуриддин ШУКУРОВ,
филология фанлари доктори

Чотқол манзаралари.

В. ТАРАН фотоси

МУҲИМ ТЕРМИНОЛОГИК ЛУҒАТ

Халқ хўжалигида техниканинг кенг жорий этилиши, асосий ишларнинг комплекс механизмлашуви шу соҳага доир дарслик, қўлланма ва луғатларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтираётир. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида таниқли таржимон ва инженер-педагог Аслом Ҳамидовнинг «Қишлоқ хўжалик техникасига оид луғат-справочник» номли терминологик луғат китоби яқинда нашр этилди. Китобдан, гарчи ўрта ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг қўшимча қўлланма сифатида фойдаланишлари кўзда тутилган бўлса-да, аслида у техника билан алоқадор барча касб эгалари: инженер ва техникларнинг, механизатор ва ўқитувчиларнинг, қизиқувчи барча кишиларнинг ёнидаги ҳамроҳи, терминшуносларнинг эса терминологик манбаи бўлиб хизмат қилади.

Луғатда қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ҳозирги замон машиналари, аппарат ва мосламалари ҳамда уларнинг қисмлари, ишлаш принципларига оид терминлар қайд этилган. Луғат икки тилда (русча-ўзбекча) бўлиб, дастлаб русча термин алфавит тартибида берилиб, кейин унга мувофиқ ўзбекча эквивалент келтирилади. Агар ўзбекча эквиваленти топилмаган тақдирда русча сўзнинг ўзи ўзлашма ҳолида берилган.

Чет (рус тилидан бошқа) тиллардан ўзлашган терминларнинг этимологияси алоҳида қавс ичида берилган. Бу нарса муаллифнинг техника соҳасида ишлатиладиган барча лексик бирликлар эмас, балки техника предметлари, уларнинг жараён ва хусусиятларига оид тушунчаларни англатувчи терминлар қайд этилади. Ҳар бир терминдан сўнг изоҳ, мисус расм ва схемалар ҳам берилганки, бу ҳолат мураккаб техникавий воситаларнинг ишлаши ва тузилишини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

Китобда маълум турга тааллуқли барча техника воситаларининг номларини бир ўринда беришга ҳаракат қилинган. Масалан, домкрат термини тушунтирилган ўринда унинг барча турлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин.

Муаллифнинг кўп йиллик педагогик фаолияти, таржимонлик ва терминологик луғат тузиш соҳасидаги бой тажрибаси ушбу қўлланмага киритилиши лозим бўлган сўзлик (термин)ларни танлашда, уларни содда ва мақсадга мувофиқ ифодалашда қўл келганлиги сезилиб турибди. Айниқса, китоб муаллифининг русча терминларга мувофиқ келадиган ўзбекча янги терминлар яратишда ўзбек тили воситалари (сўз ва аффикслари)дан анча унумли фойдаланганлиги диққатга сазовор. Луғатдаги кўпгина терминларнинг мақсадга мувофиқ берилиши фикримизни тасдиқлайди.

Чунончи ҳозиргача мавжуд луғатларда ва техникага доир дарсликларда маълум иш-ҳаракатни бевосита бажарадиган актив машина ва воситаларнинг [гарчи улар бир турдаги воситалар бўлса ҳам] турлича усулда ясалиб келинар эди. А. Ҳамидов эса бир турдаги воситаларни англатувчи терминларни бир типда [масалан, нам ўлчагич, сув чиқаргич, бензин кўрсаткич каби] беришга ҳаракат қилган. Бундай жараён терминологиянинг ўзига хос зарур талабларидан бири бўлиб, у терминларнинг системали бўлишини таъминлайди.

«КЎРГАН- КЕЧИРГАНЛАРИМ» БЕЛОРУС ТИЛИДА

Яқинда Минск шаҳридан хушхабар келди. «Мастацкая литература» нашриёти Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» романини белорус тилида нашрдан чиқарди.

Маълумки, бу адибнинг долзарб масалаларни қаламга олган ҳаётий очерклари ва ҳикоялари, «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз» каби романлари фақат республикамиздагина эмас, марказий нашриётларда, қардош республикаларда ҳам қайта-қайта нашр этилмоқда. Ёзувчининг Белоруссия нашриёти томонидан СССР халқлари ёзувчилари ижоди сериясида чоп этилган бу китоби ҳам ана шуларнинг бири бўлди.

«Кўрган-кечирганларим» романини қардош белорус тилига Алесь Жук таржима қилган. 9000 тиражда босилган бу китобни рассом У. Цеслер безаган.



Луғатда, айниқса,— **боп** аффиксидан унумли фойдаланиш натижасида баъзи терминларнинг анча мукаммал бўлишига эришилган. Шунингдек, авторнинг — **ма, — симон, — ий-(— вий)** ва бошқа аффикслардан фойдаланиб яратган кўпгина терминлари ўзбек тили қоидаларига кўра ҳам, терминологик талаблар нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир. Яримприцеп, сувқуйгич, ариққазгич каби бир қатор қўшма терминлар ўз мазмунига ва русча эквивалентига мос равишда қўшиб ёзилиши ижобий аҳамиятга молик.

Бироқ, луғат айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, баъзи машина ва механизмларнинг (айниқса сабзавотчиликда ишлатиладиган воситаларнинг) номлари луғатдан ўрин олмаган. Бу албатта ҳажм тақозоси билан ҳам боғлиқ бўлса керак. Шу сабабдан уни «қисқача луғат» деб аташ ўринли бўлур эди.

Луғатда айрим изоҳлар анча кенг ёритилган. (Масалан, 340, 155, 433-бетларда). Лекин улар кўп ўринларда терминни изоҳлашга эмас, балки мазкур номдаги машина ва воситаларни характерлашга қаратилган бўлиб, луғатчилик талабига унча мувофиқ келмайди. Бундан ташқари, баъзи русча терминларнинг ўзбекча эквиваленти равон чиқмаган. Жумладан, русча кормушка терминига ўзбекча охур термини кўпроқ мувофиқ бўлса-да, аммо китобда донхўрак ифодаси мақбул кўрилган. Шунингдек, айрим русча сифатларни ўзбекчада феъл формалари орқали бериш ва айрим чет сўзларни эҳтиёжсиз ўзлаштириш каби ҳоллар учрайди.

Аммо бу камчиликлар луғатнинг муҳим аҳамиятини камайтиролмайди. Китоб техниканинг барча ихлосмандлари учун қўлланма ва луғат, терминшунос-филологлар учун бой материал манбаи сифатида қимматлидир. Умуман олганда, бу китоб ҳозирги даврimiz учун актуал, кишиларimiz учун зарур ва тилшунослигимиз учун муҳим терминологик луғат нуқтаи назаридан катта ижобий аҳамиятга эга.

Нарзулла ҚОСИМОВ,
филология фанлари кандидати

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Филга ишонса бўлади...

Айрим ҳайвонларнинг инсонга меҳрибонлиги қадимдан аён. Бинобарин, от ҳеч қачон ётган одамни босмайди. Ҳатто отни қамчилаб одам устига ҳайдаган тақдирда ҳам саклаб ўтишга ҳаракат қилади. Бу ҳол халқимизнинг қадимий анъанаси — кўпкари пайтлари кўп кузатилган.

Худди шундай хусусиятни — инсонларга нисбатан меҳрибонликни бошқа ҳайвонларда ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, филда шундай хусусият борлиги синаб кўрилди. Фил йўлига бир неча киши ётқизиб қўйилди. У жуда эҳтиётлик билан босмасдан ўтди. Демак, филга ишонса бўлади.

ЙИРТҚИЧ ҚЎЗИҚОРИН

Бир группа австралиялик олимлар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари билан ҳамкорликда лабораторияга йўли билан етиштирилган махсус қўзиқорин устида тажриба ўтказдилар. Қўзиқорин ҳашаротхўр ўсимликларга ўхшаб безгак чивинлари ва искаптопарларни худди оҳанрабодек ўзига жалб этади ва ўз танасига ютади. Ҳозир Мильдюра шаҳрига яқин Муррей дарёси бўйидаги водийда қўзиқоринларнинг «дала тажрибаси» синаб кўрилаётир. Агар тажриба муваффақиятли чиқса, бу билан медицина илми чивин ва искаптопарлар юқтирувчи безгак ҳамда бошқа касалликларга қарши курашда яна бир кўмакдошга эга бўлади.

БЕОЗОР ПОРТЛАШ

Японияда яратилган янги портловчи восита — бристар ёрдамида қоялар силкинишсиз, портлатувчи пистонсиз, тошларнинг отилиб-сочилиб кетувисиз портлайди. Қояни парчалаш учун аввал диаметри 35 миллиметрдан 51 миллиметргача бўлган бурғулар билан ўйиқ ҳосил қилинади, ёқимсиз кулранг кукундан иборат бристар қоришмаси билан тўлдирилади ва сув қуйилади. Бир неча соат ўтгач қоришма кўпчиб, қояни қиздириб юборади. Портлаш шу қадар шовқин-суронсиз рўй берадики, бу ишни бевосита аҳоли яшовчи уйжойларга яқин ерларда ҳам амалга ошириш мумкин. Бироқ, тан олиш керак, майин портлаш принципи аслида янгилик эмас, қадим замонларда ҳам қоялар роса сув шимдирилган ёғочлар билан портлатилган.

Тик туриб ухлаш мумкинми?

Индонезиядаги Ява ороли — Ер юзидаги энг сераҳоли жойлардан бири. «Гаджамада» университети олимларининг фикрларига кўра, агар Явада аҳолининг ўсиши ҳозирги суръатлар билан давом этаверса, 250 йилдан кейин оролда истиқомат қилувчилар тик туриб ухлашга мажбур бўладилар. Чунки ўшанда ҳар бир киши бошига бир квадрат метр ер тўғри келади. Аҳолиси 147 миллион кишилик мамлакатнинг атиги олти фоиз территориясини эгаллаб турган Явада ҳозирги кунда 93 миллион фуқаро истиқомат қилаётир. Бунинг устига оролда яшаётганлар сони ҳар йили икки миллион кишига кўпаяётир. Олимлар аҳолининг бунчалик тез ўсиши дунёдаги бирорта мамлакатда учрамайди, деб ҳисоблайдилар.

Чақир-чиқанак

ТАРЖИМА РОМАН

Азиз НЕСИН
турк ёзувчиси

Икки ой мобайнида кечаю кундуз қимирламай ўтириб роман ёздим. Романим, ишонч билан айтишим мумкин, муваффақиятли чиқди. Уни бир газета редакциясига олиб бордим.

— Оригинал романларни босмаймиз, — дейишди у ерда менга.

— Ўқиб кўринглар-чи! — дедим.

— Ўқишнинг нима кераги бор? Халқ оригинал асарларни ёқтирмайди, — дейишди яна. Шундан кейин қўлёзмамни бир ноширга олиб бордим. «Сиз учун бир романим...» деб гап бошлагандим, у шартта гапимни бўлди:

— Биз таржима романлар босамиз, холос!

Мен бошқа ноширнинг ҳузурига бордим. Романимни у ҳам олмади. Қисқаси, ҳамма жойда бир хил жавобни такрорлашди. Хуллас, қанча вақт сарфлаб, не-не умидлар билан битган асарим ўгай боладек қўлимда қолди. Шунда хаёлимга бир ўй келди: яқиндан буён менга ўхшаган ёзувчилар француз, немис, инглиз, итальян ва бошқа тилларда ёзилган асарларни олиб, Жонсон деган исмни Аҳмад деб, Марта деган исмни Фотима деб, алмаштириш ди-да, ўз исмларини қўйиб, журналларда бостириб чиқаришди. Бордию, мен шунинг аксини қилсамчи?

Романимни олдиму, ундаги туркча исмларни америкача исмлар билан алмаштирдим. Сўнгра Нью-Йоркнинг планини синчиклаб ўрганиб, бутун географик номларни у ердагидай қилиб ўзгартирдим. Навбат муаллифнинг исмига келиб қолди. Шу чоқ мен Марк О'Брайн деган Америка ёзувчисини дунёга келтирдим.

Шуларнинг ҳаммасини бажариб бўлгач, яна ҳалиги газета редакциясига равона бўлдим. У ерда менга:

— Бир марта айтдик-ку, биз таржима романларни босамиз, холос,— дейишди.

— Кечирасиз, мен бу сафар сизга Марк О'Брайн романининг таржимасини олиб келдим,— дедим.

— Шунақами? Жуда соз! Ким ўзи у Марк О'Брайн?— деб сўрашди мендан.

— Эшитганингиз йўқми ҳали? У жуда машҳур ёзувчи-ку! Унинг китобларини дунёдаги барча тилларга таржима қилишмоқда!

Бўни эшитгач, романни ўқимасданоқ қабул қилишди. Уша заҳоти аванс ҳам беришди. Мендан фақат роман ҳақида (у «Хотин-қиз учун кураш» деб аталарди) қисқача маълумот — аннотация ёзиб келишни ва автор ҳақида баъзи бир маълумотлар беришни ўтиниб сўрашди. Мен шундай деб ёзиб келдим: «Бу — Марк О'Брайннинг сўнгги нодир асари. Америкада жуда севиб ўқишади. Қирқ миллион нусхада нашр этилган. Барча элларни айланиб чиққан бу асар ниҳоят «Туя боши» деган ном билан туркчага ҳам таржима қилинди.

Марк О'Брайннинг ўзи ким? Бу ёзувчи ўн саккиз болали оиланинг энг кенжаси. Отаси — Филаделфия фермери. У ўғлининг роҳиб бўлишини орзу қилган, лекин ёш Марк ўн тўрт ёшидаёқ зеҳни ўткир бўлганлиги туфайли, илоҳиёт профессорининг орқа сонига игна санчгани учун мактабдан ҳайдалишга муваффақ бўлган. Улғайгач, балиқчилик ва контрабанда билан, анча вақт олтин излаш билан шуғулланган (бундай ҳол Американинг кўпгина атоқли ёзувчилари учун типик кўриниш дир). Ниҳоят, қирқ ёшида бир журналга «Кел ўпишайлик» деган биринчи ҳикоясини юборган. Ҳикоянинг тили ва услуби шундай ёмон бўлганки...»

Назаримда, биография тўлиқ бўлиб чиқди. Бошқа ноширлар:

— Менга қаранг, бизга ҳам О'Брайннинг бирон нарсасини таржима қилиб беринг!— деб ялина бошлашди.

Мен Марк О'Брайннинг ўн саккиз романини таржима қилдим. Иш бу билан чекланмади. Жем Лемилар деган айғоқчи бор. Унинг асарларини севиб ўқишади. Мен унинг олтита китобини таржима қилдим. Сўнгги вақтда ишни янада кенгроқ авж олдирдим. Ҳозир ҳинд, хитой ва бошқа халқлар тилидан ҳам таржима қилмоқдаман.

Ишончим комилки, бир кун келиб, Америка адабиётини ўрганувчилар турк романларини ўқишга мажбур бўлишади. Шунда менинг энг зўр орзум ушалади — мен Америка адабиётида Марк О'Брайн номи билан муносиб жой оламан.

М. МУДАРРИСОВ таржимаси

— Аҳмаджон ака, у томонга бориш хавфли, чўкиб кетасиз...

ПЛАТФОРМА

ҲАЖВИЯ

Футбол бошланишига ҳали бир соатча вақт бор. «Бироз сайр қилай» деган хаёлда кетаётган эдим, бироз:

— Ҳой укажон,— деб чақириб қолди. Ўгирилиб қарасам дўкончада ўтирган пойабзал тозаловчи мени имлаяпти:

— Буёққа келинг...

Беихтиёр ёнига бордим.

— Ассалому алайкум, укажон, келинг, келинг, — деди у қўлини кўксига қўйиб. — Байрамингиз билан табриклайман, укажон.

Мен бугун қанақа байрамлигини эслай олмадим.

— Чамамда, бугун байрам йўқ...

— Ҳа, энди футбол бўлган куни эркак зотига байрам-да, укажон.

— Тўғри айтдингиз, муллака, ўзингизни ҳам табриклайман... Мени чақиргандай бўлдингизми?

— Чақирдим, укажон, чақирдим. Бундай қарасам, туфлигингизнинг пўстаги чиқиб кетибди. Импортний лакдан бор. Футболга фасон бўлиб кирсангиз, нур устига нур бўлардида, укажон.

— Қаранг-а, ростдан ҳам бир оз униқиб қолибди. Майли, яхши лакингиздан бўлса би..р ялтиллатиб беринг.

— Касбимиз ўзи шунақа, укажон. Иккала кўзим ўтган-қайтганнинг оёғида. Бир қарашдаёқ мижозни танийман. Қани, туфлини ечинг-чи.

Бинойидек туфлимни одоб юзасидан ечиб, устага узатдим. Уста туфлини сандончага кийгизиб, обдон болғалади-да, гап қотди:

— Укажон, туфлингизнинг пошнаси жа-а ейилиб кетибди-ю. Бу аҳволда оёғингиз маймоқ бўлиб қолиши мумкин...

— Шундайку-я, лекин вақтим сал зиқроқ-да, устака. Ҳозир футбол бошланади.

— Бир пасда боплаймиз. Бу пошна ҳозир моддадан чиқди. Платформасидан бор, укажон,— деди у сирли шивирлаб.

Ҳаш-паш дегунча уста туфлининг пошналарини кўчириб ташлади-да, ўрнига қалинлиги ярим қарич келадиган пўкакнамо пошна ўрнатди.

— Сал баландлик қилмасмикан?

— Ия, дунёдан хабарингиз борми ўзи? Ҳозир мода шу-ку! Одамлар топаолмай овора-ю, сиз бўлсангиз...

Индамай қўя қолдим. Пўкак пошна ўрнатилгач, уста туфлиларни бир-бирига қарсиллатиб уриб кўрди-да, муҳим бир янгилик кашф этгандай хитоб қилди:

— Ия, укажон, туфлингизнинг сирти ҳам сузилиб қолибди-ю! Энди, янги пошнага янги задик ярашади. Бир зумда тикиб ташлаймиз.

Ҳай-ҳайлашимга қарамай, уста туфлининг пошнасига «задик» тикишга киришди. Бежиримгина туфлим, кўз олдимда пўртанага учраган қайиқдай бўлди қолди. Иш, туфлини лаклаш билан ниҳоясига етди.

— Мана, укажон, туфлингиз меравой бўлди.

Шу аснода футбол вақти ҳам бўлиб қолган эди, шошилиб чўнтакка қўл тиқдим.

— Пулини айтиб юборсангиз...

— От билан туя бўлармиди, бор йўғи ўн беш сўм.

— Ахир, туфлининг ўзи ўн тўрт сўм туради-ку?!

— А, энди туфлингиз бутунлай бошқача бўлди-да, укажон. Ишонмасангиз, мана перейскурант: платформа пошналар беш сўмдан ўн сўм, задиклар икки сўмдан — тўрт сўм, лаклаш бир сўм. Жами ўн беш сўм бўлади, укажон.

Нафасим ичимга тушиб кетди. Ноилож пулни тўлаб, туфлини кийдим. Ҳақиқатан ҳам туфлим бошқача бўлганини беш-ўн қадам юргандан кейин билдим. Оёқларим менга бўйсунмас, юришим лайлак юриш бўлиб қолган эди. Бирдан пошнам қайрилиб кетиб, тўпиғим чиқишига сал қолди.

Дорда юрган дорбоздай мувозанатни аранг сақлаб борарканман, ортимдан устанинг овози қулоғимга чалинди:

— Кеб қоли-инг, палатформа, импортний лак...

Муҳаммад ПИРРИЕВ
Қоракўл шаҳри

— Эрим кейинги пайтда сув ости спортига қизиқиб қолди, айланай.

Расмларни **А. ХОЛИҚОВ** чизган

МЕТЕОРИТЛАР ИЗИДАН

Самодан тушган жисмларнинг ҳар биттаси — метеоритлар илмий тадқиқотлар учун алоҳида қимматга эга. Шу сабабдан ҳам СССР Фанлар академияси Метеорит экспедициясининг аъзолари узоқ ва яқиндаги турли адреслар бўйича метеорит бўлакларини излаб юрадилар. СССР ФА В. И. Вернадский номидаги Геохимия ва аналитик химия институти Метеоритика лабораториясининг катта илмий ходими В. Цветков ўн беш йилдан бери ана шу қизиқарли иш билан шуғулланади. Сихотэ-Алинь, Колима, Чукотка, Белоруссия, Озарбойжон, Антарктида — булар «учар юлдузлар»нинг изидан Цветков кезиб чиққан жой номларидир. Яқинда у Тувадан, тоғ оралиғидаги Чинге дарёсига уюштирилган экспедициядан қайтди. Метеоритга ана шу дарё номи берилди...

— Бизнинг экспедиция у ерларда учинчи марта бўлиши, — дейди Валентин Иванович. — «Чинге» метеоритининг 147 фрагменти топилди. Уларнинг умумий оғирлиги тахминан 200 килограммни ташкил этади. Мураккаб структурага эга бундай темир метеоритлар табиатда жуда кам учрайди.

— Метеорит тушган жой қандай қилиб аниқланади?

— Аниқ маълумот берадиган манбалар турли-туман. Жойлардан бериладиган хабарлар, адабиётларда қайд этилган маълумотлар, архив ҳужжатлари ана шундай манбалар ҳисобланади. Айниқса кейинги пайтларда геологларнинг бизга кўрсатаётган кўмаги ҳам салмоқли бўлаётир.

— Метеоритларни излаш, қўзиқорин териш деган гап эмас, албатта. Бу ишнинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?

— Экспедицияни зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш ҳам муҳимдир. Машҳур Сихотэ-Алинь метеорит ёмғирларини ўрганиш бўйича олиб борилган ўн йиллик (1967—1977) дала ишлари давомида металл изловчи асбоб билан темир метеоритларни топиш тажрибасини ўзлаштириб олдик. Бу асбоб ёрдамида бир грамм оғирликдаги заррани ҳам топиш мумкин. Шунингдек, излаш жараёнларини аниқ ва пухта ташкил этишга билиш лозим. Биз қуйидаги қоидани амалда қўллаётирмиз: номаълум жойда метеоритларни излаб топиш учун катта майдонни зудлик билан кўздан кечириш лозим. Бунда албатта қўлда топографик карта бўлиши зарур. Ерга урилган гигант, метеоритлар ўрнини ҳам излаб топиш ва аниқлашга интиламиз.

— Экспедиция навбатда қайси манзилларни кўзламоқда?

— Борадиган жойларимизнинг картасини тузиб чиққанмиз. Масалан, Антарктида ана шундай нуқталардан бири ҳисобланади. Мен бу қитъада аввал ҳам икки марта бўлганман. «Фазовий меҳмонлар»га тааллуқли кўпгина жумбоқларни ҳал этиш лозим. Навбатдаги экспедицияларда омад бизга кулиб боқса ажаб эмас.

В. КОРНЕЕВ,
(«Известия», 11 июнь)

ИЛОНЛАР САФАРИ

Шу йил май ойининг иссиқ кунларидан бирида Олмаота шаҳри билан Олатоғ этакларидаги районларни боғлайдиган автомобиль йўлида қатнаётганлар ажойиб бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар. Йўлни кесиб ўтаётган беҳисоб илонлар қирқ минут давомида автомобиллар ҳаракатини тўхтатиб қўйди. Илонлар эни йигирма метрча келадиган, бўйи қарийб бир километрга етадиган кенгликда судралиб борарди.

Олатоғнинг Или дарёси ортидаги бошқа адирларда ҳам айни вақтда худди шундай воқеа содир бўлди. Шуниси қизиқки, беҳисоб илонлар фақат тоғ сари борарди. Мутахассислар, Қозоғистоннинг жанубида жазирама иссиқ анча вақт сақланиб тургани учун илонлар салқин ерларга кўчмоқдалар, деб ҳисоблаётирлар. Бироқ бениҳоя кўп илонларнинг бир жойга йиғилиб, маълум муддатда йўлга тушгани кўпчиликни лол қолдирди.

(ТАСС мухбири).



МУЗИКА ЧАЙНКРОССВОРДИ

1. Оркестр ёки хор ижрочиларини бошқарувчи. 2. XVIII аср француз бастакори ва музика назариётчиси. 3. «Матрослар» балети музикасининг муаллифи. 4. Арман композитори. 5. Музика асбоби чалғувчиси. 6. Цех хормейстери ва дирижёри. 7. Украин халқ рақси. 8. Пианино қисми. 9. Ўзбекистондаги ашула ва рақс ансамбли. 10. Серб бастакори, дирижёр. 11. Уриб чалинадиган музика асбоби. 12. Ўзбек халқ қўшиғи. 13. Ўн икки мақом таркибидаги мақом. 14. Товуш сифати. 15. Рақс ижрочиси. 16. А. Хачатурянниинг машҳур балети. 17. Торли музика асбоби. 18. Музика жанри. 19. Ўзбек халқ давра қўшиғи. 20. Бастакор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 21. Рус совет қўшиқчи шоири. 22. Жуфтжуфт бўлиб ижро этиладиган рус халқ рақсларидан бири. 23. Уриб чалинадиган миллий музика асбоби. 24. «Лолақизғалдоқ» балетини саҳналаштирган балетмейстер. 25. «Ҳинд достони» балети қаҳрамони. 26. Ўзбек халқ рақс куйи. 27. Тожикистондаги эстрада ансамбли. 28. Уриб чалинадиган ўзбек миллий музика асбоби. 29. Бастакор С. Раҳманинов операси. 30. Ўзбек халқ давра қўшиғи. 31. Музикага солинган лирик асар. 32. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган қўшиқ. 33. Турли баландликдаги ҳамоҳанг товушларнинг биргаликда чалиниши.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

7-СОНДА БОСИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Кандакор. 2. Расм. 3. Оганесов. 4. «Тонг». 5. Панорама. 6. Рута. 7. «Анор». 8. Мане. 9. Муҳаббат. 10. «Хаёл». 11. «Мироблар». 12. «Оила». 13. «Меҳмонда». 14. Банд. 15. Коро. 16. Нақш. 17. «Қайинзор». 18. Жило. 19. Қўзибоев. 20. «Овда». 21. «Оқибатда».

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Республикамиз пойтахтининг Халқлар дўстлиги майдонида СССР халқлари дўстлиги монументи очилди. Бу улуғвор монументга Улуғ Ватан уруши йиллари турли миллат фарзандларидан ўн беш боланн ўз бағрига олиб тарбиялаган Шоаҳмад ШОМАҲМУДОВ ва унинг рафиқаси БАҲРИ ая онласининг ҳамият ва эзгуликдан иборат таржимаи ҳоли асосий мавзу қилиб олинди. Монумент авторлари — ҳайкалтарош Д. РЯБИЧЕВ, архитекторлар Л. АДАМОВ ва С. ОДИЛОВлардир.

Н. Шарипов фотоси

Тўртинчи бет: 1. Жуда қизиқ китоб экан. 2. Шоҳмардон — оромгоҳ маскан. 3. ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги ЛЕНИН номли колхозда узум териш қизғин.

Н. Шарипов ва Б. Мизрохин фотоларн.

Бош редактор МУРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Исломиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим ва санъат бўлими —33-36-59; адабиёт —33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмаҳонага туширилди 23.06.82 й. Босишга рухсат этилди 23.07.82 й. Р — 03045. Қоғоз 70×108¹/₈. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 249510. Буюртма 3640. Нашр А — 107.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти Меҳнат Қизил Байроқ



Тошкент.

Қарши кўчаси.



Бу ерда Туямўйин ГЭСи қурилади.

Шаргун конига йўл.



Самарқанд. Бибихоним.

И. ЦИГАНОВ

ЭСКИЗЛАРИДАН

НАМУНАЛАР.

Чорвоқ ГЭС кўриниши.



ISSN 0134-2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.